

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БУХГАЛТЕРЛАР
ВА АУДИТОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ**

М. Қ. ПАРДАЕВ, Б. И. ИСРОИЛОВ

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

(Ўқув қўлланма)

1-қисм

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган

5-чиқарилиш

ТОШКЕНТ — 2001

Тақризчилар: Тошкент молия институти «Молиявий таҳлил» кафедраси;

И.Т.Абдукаримов — и.ф.д., профессор. Халқаро ахборотлаштириш академияси академиги;

Ш.У.Ҳайдаров — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси бошлигининг ўринбосари, и.ф.н., доцент

Нашр менежери **Б. С. Муслимов**

П 21 **Пардаев М. Қ., Исроилов Б. И. Иқтисодий таҳлил: (Ўқув қўлланма): 1-қисм.** — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. — 176 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд кооператив институти, Самарқанд вилояти бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси.

I. Муаллифдош.

Китоб бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида корхонада иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш, унда қўлланиладиган усуллар, корхона иқтисодий ва молиявий салоҳияти, меҳнат салоҳияти, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлик, молиявий барқарорлик каби муҳим иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг тизими, тавсифи, аниқланиш ва баҳоланиш йўллари, таҳлил қилиш усуллари назарий ва амалий жиҳатдан очиб берилган. Деярли барча назарий тавсиялар аниқ амалий маълумотлар билан исботланган.

Қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқитувчиларига, магистрларга, аспирантларга мўлжалланган. Ундан раҳбарлар, бухгалтерлар, менежерлар, аудиторлар ва бошқа иқтисодий иш билан шуғулланувчи барча мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

ББК 65.053-2я73

© Самарқанд кооператив институти, М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов, 2001.

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 2001.

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади — иқтисодиётни эркинлаштириш орқали аҳолига эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашдан иборатдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ўз навбатида, ўзига мос иқтисодий дастакларни яратишни тақозо қилади. Шу туфайли ҳозирги пайтда мамлакатимизда барча иқтисодиётга оид фанлар эркин иқтисодиётга мослаштирилиб мазмунан янгиланмоқда. Буларнинг қонуний асослари яратилди ва яратилмоқда. Хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида» каби Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунлари қабул қилинди. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг жаҳон стандартларига асосланган миллий стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг (корхонанинг) мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаш имконини бермоқда.

Натижада иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Мулкнинг асосий қисми давлат тасарруфидан чиқарилиб, турли мулкчилик шаклига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар пайдо бўлди. Ўзбекистонда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар сони 2000 йилнинг 1 январи ҳолати бўйича 178,3 мингтани ташкил қилган бўлса, уларнинг 89,6 фоиз нодавлат секторига тўғри келди. Ҳозирги кунда давлат мулкига асосланган корхоналарнинг улуши атиги 10,4 фоизни ташкил қилади¹. Хусусийлаштириш жараёни ҳамон давом этмоқда. Биргина 1999 йилда 448 та объект хусусийлаштирилди ва шу асосда 373 та янги нодавлат корхонаси вужудга келди². Натижада ҳар бир корхона ўз мулкига эга бўлди ва уни ўзи тасарруф этмоқда. Олдин корхонанинг ҳисоб сиёсатини давлат белгилаб берган бўлса, эндиликда бу масалани ҳам корхонанинг ўзи мустақил ҳал қиладиган бўлди. Олдин давлат барча назоратни ўз зиммасига олиб жуда катта тафтишчилар штатини ушлаб турган

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан на 1999 год.— Тошкент: Минмакроэкономика. РУз. 2000.— 10-11 бетлар.

² Ўша жойда, 11 бет.

бўлса, эндиликда улар ҳам барҳам топиб, мазмунан янги давлат тасарруфида бўлмаган аудиторлик хизмати ташкил топди.

Мазкур ўзгариш ва жараёнлар иқтисодий таҳлил фанини ҳам эркин иқтисодиётга мослашган мазмун ва моҳияти жиҳатидан тубдан янгиланишни тақозо қилмоқда. Эндиликда иқтисодий таҳлил юқори ташкилот (давлат) нуқтаи назаридан эмас, балки энг аввало, мулкдор ва меҳнат жамоаси нуқтаи назаридан қараладиган бўлди. Иқтисодий таҳлил олдин асосан режанинг бажарилишини таҳлил қилишга қаратилган бўлса, эндиликда корхонанинг фойда олиб самарали ишлашини, мулкдорнинг мулкини кўпайтиришини таъминлашга қаратилган. Бу объектив жараёнларнинг ҳаммаси иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришни, унинг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга мос назарий, методолик ва ташкилий муаммоларини тадқиқ қилиб, уни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий таҳлил фани ҳисоб фанлари ичида ёши кичик фанлардандир. Бухгалтерия ҳисоби фанининг вужудга келганига 500 йилдан ошган бўлса, шу фан асосида вужудга келган иқтисодий таҳлил фанининг шаклланишига эндигина 100 йил бўлди. У мустақил фан сифатида олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида ўқитила бошлаганлиги XX асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади. Шу ўтган даврда таҳлил бухгалтерия балансига изоҳ (балансшунослик)дан иқтисодий таҳлил даражасигача етди. Унинг шаклланишига жуда кўп йирик иқтисодчи олимлар катта ҳисса қўшдилар. Улар жумласига И.Т.Абдукаримов, М.И.Баканов, С.Б.Барнгольц, Н.В.Дембинский, О.Р.Кмицкиевич, В.В.Ковалёв, А.А.Кудрявцев, Л.И.Кравченко, И.И.Каракоз, Б.И.Майданчак, А.И.Муравьёв, В.В.Осмоловский, В.В.Патров, В.И.Самборский, Г.В.Савицкая, В.И.Стражев, Р.С.Сайфулин, С.К.Татур, А.Д.Шеремет, Н.Г.Чумаченко, Е.М.Шапугузов каби олимларни киритиш мумкин.

Собиқ иттифоқ даврида иқтисодий таҳлил бўйича йирик мактаблар шаклланди. Булар жумласига Москвада М.И.Баканов, С.К.Татур ва А.Д.Шеремет каби олимлар

яратган мактабларни, Белоруссияда Л.И.Кравченко ва В.И.Стражев мактабини, Украинада И.И.Каракоз ва В.И.Самборский раҳбарлигидаги мактабни, Ўзбекистонда И.Т.Абдукаримов раҳбарлигидаги мактабларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда ҳам ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Барча мактабларда иқтисодий таҳлилга бағишланиб ёзилаётган асарлар чоп этилмоқда. Аммо шуни эътироф этиш керакки, олдинги пайтда иқтисодий таҳлилнинг барча мактабларида унинг объекти ва мақсади бир хил бўлиб, асосан режани асослаш ва унинг бажарилишини назорат қилишдан иборат эди. Эндиликда иқтисодий таҳлилнинг объекти, мақсади ва вазифалари ҳам тубдан ўзгарди. Ҳар бир мамлакат ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзига хос қонун ва меъёрий ҳужжатларга эга бўлди. Жамиятда содир бўлган бу ўзгаришлар ҳар бир мамлакатга ўзига хос иқтисодий таҳлил фанини яратишни тақозо қилади. Мустақил Ўзбекистон ҳам бу ҳолдан мустасно эмас.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида иқтисодий таҳлилга ва унинг айрим соҳаларига бағишланган адабиётлар, илмий мақолалар, ўқув ва амалий қўлланмалар чоп этилмоқда. Булар жумласига И.Т.Абдукаримовнинг «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари» (Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998, 1999 йилларда ўзбек ва рус тилларида), И.О.Волжин ва В.В.Ергашбаевларнинг «Молиявий таҳлил» (Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998, ўзбек ва рус тилларида), М.Қ.Пардаевнинг мазкур нашриётда Б.И.Исроилов билан ҳаммуаллифликда чоп этилган «Молиявий таҳлил» (1999 йил), Н.Ҳасанов ва С.Нажбиддиновларнинг «Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: Муаммолар ва уларни ҳал қилиш» (Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999, ўзбек ва рус тилларида), А.Иброҳимовнинг «Молиявий таҳлил» (Тошкент: «Меҳнат», 1996), А.Х.Шоалимовнинг «Саноат корхоналарида хўжалик фаолиятининг таҳлили» (Тошкент, 1993), Э.А.Акрамовнинг «Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили» (Тошкент, 2000) каби асарларни киритиш мумкин.

Булардан ташқари, 1991-2001 йилларда «Ўзбекистон иқти-

содий ахборотномаси», «Бозор, пул ва кредит» журналларида ўзбек ва рус тилларида иқтисодий таҳлил муаммоларига бағишланган қатор илмий мақолалар ҳам чоп этилди.

Аммо ушбу қилинган ишлар иқтисодий таҳлилнинг у ёки бу жиҳатини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, уни бир бутун яхлит ҳолда ривожлантириш масаласи адабиётларда батафсил кўриб чиқилмаган. Бу ҳолат, ўз навбатида, иқтисодий таҳлил фанидан бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ва Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлига мос назарий ва услубий асосни яратишни тақозо қилади. Буларни инобатга олган ҳолда мазкур ўқув қўлланма вужудга келди.

Қўлланманинг биринчи бобида иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш масаласи қараб чиқилган. Унда иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва унинг зарурлиги, иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи субъектлар, иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар, иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари ва таҳлил натижаларини расмийлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Қўлланманинг иккинчи боби иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усулларга бағишланган бўлиб, унда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи (классификацияси), иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усулларнинг тавсифи (характеристикаси), иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделларнинг хиллари ва ҳозирги босқичда таҳлил усулини такомиллаштириш масалалари қаралган. Ушбу бобда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган барча усуллар назарий ва амалий жиҳатдан қараб чиқилган бўлиб, барча тавсиялар аниқ маълумотлар асосида жадваллар ёрдамида тушунарли қилиб ёритилган.

Қўлланманинг учинчи боби корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) таҳлилининг назарий ва методологик муаммоларига бағишланган. Ушбу бобда корхона иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) баҳолашнинг назарий ва методологик муаммолари, корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларни таснифлаш ва аниқлаш йўллари, корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар омилли таҳлилининг методологик жиҳатлари ҳам қамраб олинган.

Қўлланманинг тўртинчи боби корхоналар молиявий салоҳияти таҳлилига бағишланган. Ушбу бобда корхона молиявий салоҳияти тушунчаси ва таркиби, корхоналар молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш вазифалари ва ахборотлар манбаи, корхона молиявий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таснифи, корхоналар молиявий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлари, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари, молиявий салоҳияти ҳолатининг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари, молиявий салоҳият ҳолатининг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари, корхоналар молиявий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари, уларнинг омилли таҳлили каби масалалар кўрилган.

Қўлланманинг бешинчи боби корхонанинг меҳнат салоҳияти таҳлилига бағишланган. Ушбу муаммо ўта мураккаб ва кам ўрганилганлиги туфайли унга алоҳида аҳамият берилган. Чунки инсон салоҳияти унинг ўзи каби теран ва мураккаб. Шу туфайли уни ўрганиш битта ёки ўнта фан билан чекланиб қолмайди. Деярли барча фанларнинг объекти инсон, унинг у ёки бу салоҳиятини ўрганишга бағишланган.

Хусусан, инсон муаммоси билан фалсафа, иқтисодий фанлар, социология, культурология, тиббиёт фанлари, генетика, қўйинги, таъкидланганидек, деярли барча фанлар шуғулланади. Шу туфайли инсон муаммоси фанда фақат бугун кўтарилган эмас, балки фан вужудга келибдики, у инсон муаммоси билан шуғулланиб келади.

Француз файласуфи К.А.Гельвеций (1715-1771) таъкидлаганидек: «Инсон тўғрисидаги фан, унинг бутун ҳажми билан олинса, қамраб олиниши қийин фандир: уни ўрганиш ўта мураккаб ва узоқ даврни талаб қилади. Инсон рассомлар учун қўйилган шундай моделки, уларнинг ҳар бири унинг баъзи қирраларини чиза олади холос, ҳалигача ҳеч ким уни тўлиқ тасвирлай олмаган»¹.

Шу туфайли инсон муаммоси фанда доимий муаммо

¹ Гельвеций К.А. О человеке, его умственных способностях и его воспитании.— М.: 1938, 4 бет.

бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бугунги кунда ҳам инсон муаммоси ўта долзарб, ўта муҳим, шу билан бирга ўта мураккаб муаммодир.

Инсон муаммосининг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг меҳнати, яратувчи хусусиятидир. Ушбу қўлланмада айнан ана шу меҳнат, унинг мазмуни, салоҳияти, самардорлиги ва мотивацияси каби муҳим масалалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, ўзининг мустақил ўзига хос ва мос йўлини танлади. Бу йўл ҳозирда амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз аксини топмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, инсон ислоҳот учун эмас, балки барча ислоҳотларимиз инсон учундир. Бу сўз оддий шior эмас, балки реал ҳақиқатдир.

Ўзбекистонда ҳамма ҳаракатлар инсонга, унинг манфаатларини ҳар томонлама қондиришга қаратилган. Хусусан, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб бежиз эълон қилинган эмас. 1998 йил эса Оила йили, 1999 йил аёллар йили бўлган бўлса, 2000 йил Соғлом авлод йили, ниҳоят 2001 йил Оналар ва болалар йили, деб эълон қилинди. Булар бўйича Ҳукумат дастури тузилди. Чунки уларнинг ҳаммаси инсонга, унинг камолотига қаратилгандир.

Ҳамма ҳаракатлар инсонга қаратилган экан, уни қандай амалга ошириш мумкин деган саволнинг тугилиши табиий. Бу саволга инсоннинг такомиллашувида асосий омил инсоннинг ўзи, унинг меҳнати деб жавоб бериш мумкин.

Инсон ўз меҳнати билан ўзин иўзи ва бутун жамиятни такомиллаштиради. Шу туфайли жамият тараққиётида инсон омилига жуда катта эътибор ва аҳамият берилиши бежиз эмас.

Ишлаб чиқариш кучларининг ишлаб чиқариш муносабатларига мувофиқ келиши жамият тараққиётининг асосий омилдир. Инсон — биринчидан, ишлаб чиқариш кучларининг таркибий қисми бўлса, иккинчидан, ишлаб чиқариш муносабатларининг жонли субъекти ҳамдир. Инсондаги шу икки хислат бу икки иқтисодий категорияларнинг бир-бирига мувофиқ бўлишида боғловчи, кўприк

вазифасини бажаради. Ана шу икки жараёнда ҳам инсон ўз меҳнати билан иштирок этади. Кўриниб турибдики, инсон салоҳияти ҳақиқатда жуда кўп қиррали ва сержиҳат. Унинг меҳнат қилиш қобилияти, яъни меҳнат салоҳияти ўрганилаётган, кўрилаётган муаммонинг бир қисми холос.

Демак, жамият тараққиётини таъминловчи бир қанча омилларнинг энг фаоли ва ҳаракатга келтирувчиси инсон салоҳиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида инсон салоҳиятига алоҳида тўхталиб, «Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради»² деб таъкидлади.

Инсон салоҳияти энг аввало мамлакатда мавжуд бўлган аҳолининг сони, унинг меҳнатга қобилиятли қисми, профессионал таълим даражаси, малакасининг таркиби билан белгиланади. Президентимизнинг номи зикр этилган китобида ХХI аср бўсағасида Ўзбекистонда инсон салоҳиятининг ҳолати чуқур таҳлил қилинган.

Ҳозир Республикада 24,5 миллион аҳоли яшайди. Бу 1990 йилга нисбатан 20,7 фоиз кўп демакдир. Ўша йилда унинг сони 20,3 миллион кишини ташкил қилар эди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,0 фоиздан кўпроқни ташкил қилди. Хусусан, 1999 йилда ҳам ушбу кўрсаткич қарийб 2,0 фоизни ташкил қилди ёки аҳоли бир йилда 450 минг кишига кўпайди. Худди шу ҳолат 2000 йилда ҳам сақланиб қолди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозир Республика кудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат захиралари бутун аҳолининг деярли ярмини ташкил этади. Улар йилига ўрта ҳисобда 11,5-12,0 минг кишига кўпаймоқда. Булар эса, ўз навбатида, албатта янги иш ўринларини яратиш зарурлигини тақозо қилади.

² Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» — Тошкент: Ўзбекистон, 1997.— 252 бет.

Ўзбекистонда ҳозир аҳолининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. «Бу XXI аср бўсағасида, — юртбошимиз таъкидлаганидек, меҳнат захиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликни ташкил этишига имкон беради»³.

Инсон салоҳиятининг ҳолати Ўзбекистон билан Самарқанд вилоятини солиштирган ҳолда таҳлил қилинса, 2000 йил 1 январида вилоят аҳолисининг сони 2,7 миллион кишини ташкил қилди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг 10,8 фоизи демакдир.

Марказий Осиёдаги барча меҳнат салоҳиятининг 40 фоизи Ўзбекистонда жойлашган. Унинг тўртдан бир қисми олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Меҳнаткашларнинг билимдонлик даражаси бўйича Республикамиз дунё мамлакатлари ўртасида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Самарқанд вилояти бу бўйича ҳам Ўзбекистонда салмоқли ўринга эга. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясидаги нутқида «Самарқанд ишлаб чиқариш имкониятлари, ақлий ва меҳнат ресурслари жиҳатидан мамлакатимизда Тошкентдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди», деб таъкидлаган эди.

Статистик маълумотларга қараганда ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 49,2 фоизни меҳнатга қобилиятли ёшда. Меҳнат қобилиятига етмаган ёшларнинг улуши 43,1 фоизни, меҳнат қобилиятидан юқори ёшдаги аҳолининг улуши эса 7,7 фоизни ташкил қилади⁴.

Ҳозир Ўзбекистонда барча аҳолининг 36,1 фоизи иш билан банд. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 25,0 фоизни ташкил қилади. 1 та ишлаётган кишига Ўзбекистон бўйича 2,7 нафар аҳоли тўғри келса, Самарқанд вилоятида ушбу кўрсаткич 1,5 барабар юқори. Демак, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, янги иш ўринларини очиш Ўзбекистонда жуда долзарб, аммо Самарқанд вилоятида бу муаммо ундан ҳам муҳим.

³ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» — Тошкент: Ўзбекистон, 1997. — 254 бет.

⁴ Узбекистан за годы независимости // Экономический обзор за 1991-1996 годы, с.69.

Ўзбекистонда бутун ишлаётган аҳолининг 46,5 фоизи ёки 3,8 миллион нафари қишлоқ хўжалигида банд. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг бир қанча нутқ ва асарларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун 1,5-2,0 миллион киши етарли деб, уларни икки баравар қисқартириш лозимлигини таъкидлади. Демак, қарийб 2,0 миллион кишини қишлоқ хўжалик ишларидан озод қилиб, бошқа соҳага жалб қилишни таъминлаш керак. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида янада долзарб, чунки аҳолининг табиий ўсиши Ўзбекистонда бир йилда 2,2 фоизни ташкил қилган бир пайтда, Самарқанд вилоятида 2,5 фоизни ташкил қилади. Республикада қишлоқ хўжалигида 46,5 фоиз ишчи ва хизматчилар банд бўлса, Самарқандда бу кўрсаткич 55,0 фоизни ташкил қилади. Аммо қишлоқда меҳнат қилаётган деҳқон, ишчи ва хизматчиларни икки баравар қисқартириш ўз-ўзидан сунъий равишда амалга ошиб қолмайди. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини икки марта оширишни талаб қилади. Шундагина маҳсулотни камайтирмасдан қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнаткашлар сонини озайтиришга эришиш мумкин.

Олдин қишлоқ аҳолисини шаҳарга кўчириш эвазига уни саноатга, индустриал меҳнатга жалб қилинар эди. Энди вазият бутунлай ўзгарди. Бу муаммога мазмун жиҳатдан бутунлай янгича ёндошиш талаб қилинмоқда. Эндиликда бу мақсадга саноатни қишлоққа кўчириш эвазига эришиш мумкин.

Бу эса ўз навбатида қишлоқда қайта ишлайдиган кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган янги хўжалик субъектларини очишни талаб қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захирасидир»⁵. «Қишлоқ хўжалигида банд аҳолини бошқа соҳаларга, энг аввало саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради»⁶.

⁵ Ўша асарда, 254 бет.

⁶ Ўша асарда, 254 бет.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш фақат унга саноатни кўчириш билан чекланиб қолмайди. Эндиликда Президентимиз таъкидлаганидек, қишлоқда ҳам шаҳардагидек хизмат соҳасининг барча турларини ташкил қилиш лозим. Аммо ҳозир вилоятда 37 фоиз аҳоли ҳамон табиий газдан фойдаланмай келмоқда, 30 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Булар қишлоқда саноат ва хизмат соҳасини ривожлантиришга объектив тўсиқ бўлиши мумкин. Шу туфайли бу соҳани ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, тегишли капитал қўйилмаларни излаб топиш лозим. Шундагина қишлоқда хизмат соҳасини тубдан ўзгартириб, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш мумкин. Бунинг учун қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ҳам ошириш лозим. Қачонки аҳолининг даромади кундалик эҳтиёждан ортиб қолса, у қўшимча пуллик хизматдан фойдаланади. Аммо бунга ҳали тўлиқ эриша олганимиз йўқ.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқдаги меҳнатнинг самарадорлигини ошириш, шу салоҳиятдан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг кенг кўламли чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Қишлоқ жойларда меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш зарурати яна шундан келиб чиқадики, республикамизда, юқорида таъкидланганидек, бир ишлайдиган ходимга 2,7 ишламайдиган аҳоли тўғри келса, қишлоқда бу кўрсаткич 3,6 кишини ташкил қилади. Қишлоқда оила даромади ҳам шунга мос равишда тенглаштириладиган бўлса, қишлоқ меҳнаткашининг оила даромади, республиканинг ўртача даромадидан 33,3 фоиз кўп бўлиши керак эди. Аммо, ҳозир бунинг тескариси. Бу ҳолат келажакда ҳам сақланиб қолади. Демак, қишлоқда аҳолининг иш билан бандлик даражасини кескин кўтариш лозим. Ҳозир иш билан бандлик даражаси, таъкидланганидек, республикамизда аҳолининг 36,1 фоизини ташкил қилган бир пайтда, бу кўрсаткич қишлоқда 28,1 фоизни ташкил этади. Демак, болалар ва қариялар сони қишлоқларда ҳамон аҳолининг кўп қисмини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов:

«Қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир», деб бежиз таъкидламаган.

Юртбошимиз инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишни тараққиётнинг асосий кафолатларидан бири деб қарайди. Шу боисдан эндиги вазифа... «республиканинг ҳар бир фуқаросига меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун чинакам имконият яратишдир»⁷.

Ўзбекистон Республикасидек мамлакат учун янги иш ўринларини очиш объектив зарурият. Бунинг учун эса Ўзбекистонда, хусусан Самарқанд вилоятида ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Буларга мавжуд табиий бойликларимиз, сув ва ҳаво, қуёш энергияси, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган етарли даражадаги хом ашё кабиларни киритиш мумкин. Энг муҳими тайёр маҳсулотни сотиш учун ўзимизда бозор, истеъмолчи бор. Биз жаҳон бозорига ҳам чиқмоқдамиз. Лекин буни амалга ошириш учун етарли даражада замонавий ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиш лозим.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонга илғор технологияли қўшма корхоналар очиш, четдан сармоя киритиш эвазига амалга ошмоқда. Келажакда ўзимизда технология яратадиган технологияни барпо қилишимиз лозим. Шунда биз ХХІ асрда ўз салоҳиятимизга, жаҳон бозорида ўз ўрнимизга эга бўламиз. ХХІ аср том маънода Ўзбекистон асри бўлади.

Таъкидланган мулоҳазалардан келиб чиқиб, ушбу қўлланмага янгича ёндашилди. Унда меҳнат, унинг салоҳияти ва самарадорлигига Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан келиб чиққан ҳолда ёндашилган. Чунки иқтисодий адабиётларда кўп ҳолларда асосан меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммосининг ечими таҳлил қилинган. Биз эса ушбу масалалар билан бирга меҳнаткашни иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш каби муҳим соҳаларни ҳам таҳлил қилиш усулларини кўтариб чиқмоқда.

Ушбу қўлланмада қаралган масалаларнинг айримлари

⁷ Ўша асарда, 255 бет.

бугунги Ўзбекистон иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда муаллифлар томонидан биринчи марта кўтарилмоқда. Табиийки, унда мунозарали, ўз ечимини кутаётган амалий ва методологик муаммолар ҳали кўп бўлиши мумкин. Муаллиф ушбу қўлланмада кўтарилган барча тақлиф ва тавсияларини такомиллашган варианты, деб даъво қилмайдилар. Уларни кенг китобхонлар, олимлар, мутахассислар ҳукмига ҳавола қилишдан асосий мақсад инсон салоҳияти, унинг муҳим жиҳати бўлган меҳнатга оид муаммоларни таҳлил қилишни такомиллаштириш бўйича Сиз азизларнинг холис тақлиф ва тавсияларингиз билан янада бойитиш, ушбу соҳа бўйича мукамал услубий тавсияларни ишлаб чиқиш кабилардан иборатдир.

Қўлланманинг олтинчи боби корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларига бағишланган. Унда корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг зарурлиги, унинг моҳияти ва мазмуни, ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари, уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили каби масалалар кўриб чиқилган. Шу бобда корхонанинг ночорлиги ва банкротлиги, уларнинг олдини олиш масалалари ҳам қараб чиқилган.

Қўлланманинг еттинчи боби корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда корхона молиявий барқарорлигининг моҳияти ва уни таҳлил қилиш зарурлиги, молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари, ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, четдан жалб қилинган маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, ҳаракатдаги маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, асосий воситалар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, айланма маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили каби масалалар атрофлича ёритилган. Шунингдек ушбу бобда молиявий барқарорликни таъминлаш йўллари ҳам кўрсатиб берилган.

Қўлланманинг саккизинчи бобида молиявий натижалар-

ни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари, фойданинг шаклланиши, ишлатилиши, таҳлил қилиш усуллари қараб чиқилган. Унда корхонанинг рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари, уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ҳам ўз аксини топган. Барча назарий тавсиялар амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ишотланган. Ушбу бобда кўрилган масалалар Ўзбекистон иқтисодиётида содир бўлган туб ўзгаришларни, хусусан бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларида кўзда тутилган янгиликларни ўзида ифода этган.

Қўлланманинг тўққизинчи боби корхона тўлайдиган солиқлар таҳлиliga бағишланган. Унда солиқларни таҳлил қилишнинг усуллари амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ёритилган. Шунингдек, ушбу бобда солиқ суммасига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўллари, корхона фаолиятини яхшилаш эвазига солиқни кўпайтириш усуллари кўрсатиб берилган.

Қўлланманинг ўнинчи боби корхонада фойдалилик нуқтасини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларига бағишланган бўлиб, унда маржинал фойда, унинг шаклланиши ва даромадлар таркиби кўриб чиқилган. Шунингдек, мазкур бобда ўзгарувчи ва ўзгармас харажатлар ҳамда корхона фойдалилик нуқтасини аниқлаш учун қўлланиладиган мувофиқлик коэффициенти каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Ушбу китобнинг 1-7-боблари М.Қ.Пардаев томонидан, 8-10-боблари М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловлар ҳаммуаллифликда ёзилган.

1-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

1.1. Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва унинг зарурлиги

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб беради ва иккинчи томондан, уларнинг масъулиятини ҳам оширади. Корхонанинг иқтисодий эркинлиги ҳам, уларнинг масъулиятининг ошганлиги ҳам ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади.

Режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш тизими яратилган эди. Таҳлил асосан режанинг бажарилишини ва унга таъсир қилувчи омилларни давлат нуқтаи назаридан кўриб чиқишга қаратилган эди. Эндликда эса таҳлилнинг мазмуни, шакли ва ўтказиш усуллари ҳам ўзгариб кетди. /Ҳозир таҳлил энг аввало мулкдор томонидан ўтказилади ва унинг манфаатига хизмат қилади. Бу ерда меҳнат жамоаси ва давлат манфаатларининг уйғунлиги таъминланиши лозим. Шу нуқтаи назардан таҳлилни янги талабга мос ҳолда шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аммо адабиётларда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш усуллари етарлича ёритилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур ишда иқтисодий таҳлилни ташкил қилишга янгидан ёндошилган.

Энг аввало иқтисодий таҳлил кимга керак ва у билан ким шуғулланади деган саволга жавоб берилган. Демак, бу билан иқтисодий таҳлилнинг зарурлиги асосланган. Иқтисодий таҳлилда /корхона раҳбари ёки менежери, унинг фаолиятини батафсил ўрганиши лозим. Бу учун эса кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Шу мақсадда иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичларнинг асосий гуруҳлари келтирилган.

Иқтисодий таҳлилни қандай кетма-кетликда, яъни босқичда амалга ошириш ҳам унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ишда иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари ҳам кўрсатиб берилган.

Иқтисодий таҳлилни ташкиллаштиришда унинг натижаларини расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу тўғрисида ишда таҳлил натижаларини расмийлаштириш, хулоса қилиш ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган.

Қўлланма олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчиларига мўлжалланган. Ундан ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмининг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкнинг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишидан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бу учун тадбиркорлик, изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриш лозим. Бу эса ўз навбатида мулкнинг ҳолатини, ишлатилишини ва сақланишини таҳлил қилишни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил энг аввало мулкдор учун керак экан.

Мулкдор ўз мулкни ишлатиш учун турли корхоналарга эга бўлиши мумкин. Бу эса бошқа кишиларни, мутахассисларни, ходимларни ёллашига тўғри келади. Улар меҳнат жамоасини ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлайди. Корхона қанча кўп даромад қилса, меҳнат жамоаси аъзолари шунча кўп иш ҳақи олади.

Бу эса меҳнат жамоасининг ўзлари ишлаётган корхона хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил бевосита меҳнат жамоаси учун ҳам керак экан.

Ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижасидан давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир корхона ўз мулкдан, қилган обороти ва олган фойдасидан солиқ тўлайдилар. Шу тўғрисида давлат номидан солиқ идоралари ҳам корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиб боришдан манфаатдор. Демак, иқтисодий таҳлил солиқ идоралари ходимлари учун ҳам керак экан.

Кўриниб турибдики, иқтисодий жараённинг, яъни корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасидан ким манфаатдор бўлса у мазкур субъект фао-

лиятини ўрганишга, таҳлил қилишга қизиқади. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил инвесторларга, ҳамкорларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, суғурта, банк, молия идораларига ҳам керак экан.

1.2. Иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи субъектлар

Одатда кимга нима керак бўлса, ўша шу иш билан шуғулланади. Аммо ҳар бир корхонада махсус мутасадди шахслар борки, уларга хўжаликни бошқаришда у ёки бу соҳа топширилган бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлил билан корхонадаги деярли ҳамма мутахассислар шуғулланади. Аммо ҳаммаси ҳам корхона тўғрисида жамланган батафсил ахборотга эга эмас. Ҳамма ўзи бажараётган у ёки бу соҳа бўйича ахборотга эга. Шу жиҳатдан ҳамма ўзининг соҳасини мунтазам таҳлил қилиб борадилар.

Лекин шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолияти тўғрисида бутун фаолиятни ўзида жамлаган ахборотлар бухгалтерияда тўпланади ва қайта ишланади. Шу туфайли корхонанинг комплекс иқтисодий таҳлили билан бухгалтерия ходимлари, бевосита бош бухгалтерлар шуғулланадилар. Чунки унда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлари мавжуд. Улар молиявий ҳисоботларда ўз аксини топганлар. Иқтисодий таҳлил учун асосий маълумот манбаи бўлиб молиявий ҳисоботда ифода этилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг комплекс таҳлили билан бош бухгалтерлар шуғулланади. Аммо алоҳида соҳалари бўйича таҳлил кимга керак бўлса ўшалар шуғулланадилар. Таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки керак соҳани ўрганиш учун қилинади. Демак кимга нима керак бўлса у шу соҳани таҳлил қилиш билан шуғулланар экан.

1.3. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар

Корхоналар хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхоналарнинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг мустақиллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Корхонанинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга унинг ташкилий ҳолатини, техник таъминот даражасини ва ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар кирази. Буларнинг тасвири қуйидаги чизмада ўз аксини топган (*1-чизма*).

1-чизма

Корхонанинг ташкилий — техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар




Корхонанинг маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариши ва сотиши билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳам таҳлилда муҳим ўрин эгаллайди. Буларга маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими кирази. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўрсаткичларга ишлаб

чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми (натурал миқдори ва қийматида), товар маҳсулоти кабилар киради. Ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш масаланинг бир томони. Энг асосийси уларни сотишдир. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда маҳсулотни (иш, хизматни) сотиш ҳажми муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли кўпгина ҳисоботларда фақат сотилган маҳсулот ҳажми кўрсатилади, холос. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидаги чизмада ифода этилган (2-чизма).

2-чизма


Маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар



Молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган асосий кўрсаткичлардир. Булар таркибига даромадлар, харажатлар, фойда ва рентабеллик билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ўз навбатида даромадларнинг ҳам бир қанча турлари бор. Худди шундай харажатлар ҳам, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Қайси кўрсаткични қўллаш таҳлилнинг қайси соҳани ўрганишига ва нима мақсадда амалга оширишига боғлиқ. Ушбу кўрсаткичлар боғлиқлиги қуйидаги чизмада ифода этилган (3-чизма).

Даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга ялпи даромад, асосий фаолиятдан олинадиган даромад, молиявий фаолият даромади, тасодифий даромад каби кўрсаткичлар киради. Харажатларнинг ҳам бир қанча турлари бор. Бу харажатлар тўғрисидаги Низомда ўз аксини топган. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Масалан, активлар таҳлил қилинса активлар рентабеллиги, харажатлар самарадорлиги таҳлил қилинса, харажатлар рентабеллиги, меҳнат кўрсаткичлари таҳлил қилинса меҳнат рентабеллиги каби кўрсаткичлар аниқланади.


Молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими



Корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардир. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳажми корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил маълумот беради. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат потенциали (салоҳияти) билан боғлиқ кўрсаткичлар кирилади. Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ҳам ўз навбатида бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Уларнинг қисқача чизмаси куйидагича ифода этилган (4-чизма).

4-чизма

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар




Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўлимидаги муҳим кўрсаткичлардан биридир. Чунки улар билан боғлиқ кўрсаткичлар корхона молиявий манбасининг таркиби, унинг ҳолати ва самарали ишлатилишини ифодалайди. Мазкур гуруҳ кўрсаткичларга корхонанинг ўз маблағлари

ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда четдан жалб қилинган узоқ ва қисқа муддатли маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар кирилади. Ушбу маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам асосан бухгалтерия балансининг пассив қисмида кўрсатилади. Уларнинг таҳлили мазкур ҳужжатга ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларига асосан амалга оширилади. Мазкур кўрсаткичлар тизими қуйидаги чизмада ифодаланган (5-чизма).

5-чизма

Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими




Корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар эркин рақобат шароитида ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш орқали ҳамиша корхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолмаслигининг олдини олишга эришиш мумкин. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга корхона балансининг ликвидлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар, тўлов қобилияти билан боғлиқ кўрсаткичлар, кредитни тўлашга қодирлик билан боғлиқ кўрсаткичлар кирилади.

Уларнинг қисқартирилган чизмаси қуйидагича ифодаланган (6-чизма).

Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ўрганиш корхона фаолиятининг қандай ривожланганлигини, бугунги аҳволи қандай ва келажакда қандай бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар тизими жуда кенг. Улар қуйидаги беш гуруҳга бўлинади:

- корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитали) билан боғлиқ кўрсаткичлар;


Корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар



- четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
 - ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
 - асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
 - айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
- Уларнинг тузилиши қуйидаги чизмада ўз аксини топган (7-чизма).

7-чизма

Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими



Ушбу гуруҳ кўрсаткичларнинг ҳар бири яна ўз ичига бир қанча кўрсаткичларни қамраб олади. Мазкур масала ушбу китобнинг тегишли бобида ва «Молиявий таҳлил» китобида (Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999) ҳам кўриб чиқилган.

Корхонанинг мустақамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар


ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмидир. Улар ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

- корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичларнинг боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (8-чизма).

8-чизма

Корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар




Ушбу кўрсаткичлар таҳлили ҳам муаллифнинг «Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари» мавзусидаги маъруза матнида (Самарқанд, СамКИ, 1999) ҳамда ушбу қўлланманинг тегишли бобида атрофлича ёритилган. Бунда корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги ва молиявий мустаҳкамлигини алоҳида-алоҳида амалий маълумотларни қўллаган ҳолда кўрсатиб берилган.

Корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам мулкдор ва корхона менежери учун муҳим кўрсаткичлардир. Шу туфайли мазкур гуруҳ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Уларга корхонанинг иқтисодий ночорлигини ифодаловчи ва банкротлик эҳтимолини аниқлайдиган кўрсаткичлар тизими киради. Уларнинг боғлиқлиги қуйидаги чизмада келтирилган (9-чизма).

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар таҳлили муаллиф томонидан «Молиявий таҳлил» номли китобида (Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999, 242-244 бетлар) қисман ёритилган.


Корхонанинг иқтисодий ночорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар



Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлардан яна бири **корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлардир**. Корхона фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар икки йирик гуруҳга бўлинади: корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида ўнлаб кўрсаткичларни ўзида жамлаган. Уларнинг қис-қартирилган чизмаси қуйидагича ифодаланади (10-чизма).

10-чизма

Корхона фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар



Корхона иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўз навбатида яна уч гуруҳга бўлинади:

- иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- молиявий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхона фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳам унинг турли бозордаги иштироки ва ўрнини белгилаш имконини беради:

- корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари, яъни технология бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг хом-ашё бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг меҳнат бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг молия ва инвестиция бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш истеъмоли бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Мазкур кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳам муаллифнинг «Молиявий таҳлил» китобининг 144-186 бетларида ёритилган.

1.4. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари

Корхонанинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш бу иқтисодий ишларнинг таркибий қисми сифатида ўзининг бошланиши ва адоғига эга. Бу жараён бир қанча босқичлардан иборат:

1. Таҳлилни ўтказишнинг мақсадини аниқлаш ва дастурини тузиш.
2. Ижтимоий-иқтисодий ахборотларни тўплаш.
3. Ахборотларни таҳлил мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш, тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва жадваллар тузиш.
4. Жадвал маълумотлари асосида дастлабки хулосалар чиқариш.
5. Хулосани чуқурлаштириш/мақсадида лозим бўлган ҳолатларни чуқурроқ ўрганиш учун уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш.
6. Хўжалик фаолияти ёки ўрганилаётган кўрсаткичлар ҳақида муфассал хулосага келиш.

7. Корхона хўжалик фаолиятини ёки ўрганилаётган кўрсаткични яхшилаш йўлларини ишлаб чиқариш ва шу тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш.

Мазкур босқичда таҳлилнинг бошланиши ва адоғигача бўлган жараён кўрсатилди. Амалда доим фаолият кўрсатувчи корхона бўлса, таҳлил ҳам ҳар бир ҳисобот тузилгандан кейин ва янги даврни бошлашдан олдин узлуксиз мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Унда барча босқичлар айнан шу ҳолатда такрорланиши мумкин. Фақат кўрсаткичларнинг рақамлари ўзгаради. Шу туфайли иқтисодий таҳлилнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаган ҳолда уни компьютерга киритиш ва таҳлил усулини дастурлаш ҳам мумкин.

Албатта, шуни эътироф этиш керакки, таҳлил ишларини дастурлашда ва уни автоматлаштиришда Ўзбекистонда айрим тажрибалар ҳам бор. Уларга И.О.Волжин ва В.В.Ергашбаевларнинг «Молиявий таҳлил» (Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998) китобини мисол келтириш мумкин.

1.5. Таҳлил натижаларини расмийлаштириш

Одатда таҳлил шунчаки таҳлил қилиш учун эмас, балки корхона хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил хулосага келиб ва бошқаришни такомиллаштириш учун қилинади. Чунки таҳлил жараёнида ўрганилган кўрсаткичлар, қилинган ҳисоб-китоблар корхона хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатинигина ифодалайди. Хўжалик фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун барча кўрсаткичлар таҳлилинини жамлаб уларни умумлаштириш лозим. Улар умумлашгач корхона хўжалик фаолиятининг қайси қисмида яхши натижаларга эришилгани, қайси қисмида камчиликларга йўл қўйилгани аниқ бўлади.

Камчиликка йўл қўйилган қисмларга асосий эътиборни қаратиб шу камчиликларни келгусида бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу жараён иқтисодий таҳлилнинг пировард натижаси ва асосий мақсадидир.

Иқтисодий таҳлил натижаларини расмийлаштириш таҳлилнинг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Бунда барча

ҳисоб-китоблар асосида таҳлилий жадваллар тузилади. Мазкур жадваллар корхона хўжалик фаолиятини тўлиқ ифода этиши лозим. Шунингдек, жадваллар битта корхонада ҳар сафар, корхонанинг бўлинмаларида бир вақтнинг ўзида ягона келишилган шаклда тузилиши лозим. Бундай ёндошув кўрсаткичларни бир-бири билан солиштириш ва умумлаштириш имконини беради. ✓

Жадваллар одатда, эгаси ва кесимига эга. Унинг эгасида асосан кўрсаткичларнинг номи, кесимида эса қайси даврда амалга оширилаётганлиги, уларнинг фарқи, ўзгариш суръатлари каби ифодалар кўрсатилади.

Жадваллар натижа ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш жараёнида ҳам тузилади. Бу ҳолда жадвалнинг эгасида таъсир қилувчи омиллар билан бирга натижа кўрсаткичининг номи ифодаланadi. Унинг кесимида эса қайси давр натижалари таҳлил қилинаётганлиги, шу даврда юз берган ўзгаришлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун ҳисоб-китоб қилинадиган усулларнинг алоқадорлиги кўрсатилади.

Ҳозирги пайтда ҳисоб-китоб ишлари асосан компьютерларда амалга оширилмоқда. Бунинг имконияти жуда катта. Шу туфайли таҳлилда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари жадваллар билан биргаликда турли чизмалар ва диаграммаларда ҳам ифода этилмоқда. Бу эса корхона хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни жуда тез илғаш имконини беради. Мазкур усуллар иқтисодий таҳлилнинг у ёки бу жиҳатини аниқлашда қўлланилади. Масалан, чизмалар (графиклар) кўрсаткичларининг динамикасини ифодалашда жуда қулай. Корхона хўжалик фаолиятидаги таркибий тузилмалар, уларнинг ўзгариши диаграммаларда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Чизма ва диаграммаларнинг қулайлиги шундаки, у корхона хўжалик фаолияти натижасини ҳар қандай киши учун тез ва тушунарли тарзда ифода этади. Масалан, корхонада бешта бўлинма бўлса, уларнинг ўтган йилга нисбатан бирорта кўрсаткичнинг ўсишини устунли диаграмма қилинса энг юқори натижага эришганлиги энг баланд устун сифатида яққол кўриниб туради. Бу ҳар бир бўлинма ходимларининг ақлий-руҳий кайфиятига ҳам таъсир қила-

ди. Энг юқори устунга эришган бўлинма ходимларида фахрланиш, мағрурлик ҳисси туғилса, энг паст устунга эга бўлган бўлинма ходимларида ўз жамоаси учун изтироб ҳисси бўлиши мумкин. Униси ҳам буниси ҳам кўрсаткичларни яхшилаш учун курашиш туйғусини ўйғотиши табиий. Бу ички омиллар ўта муҳим, ортиқча маблағ талаб қилмайдиган, аммо корхона хўжалик фаолиятига ижобий таъсир қилиб, уни яхшилайдиган омиллардир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, ислохотларнинг чуқурлашуви корхоналар ўртасида эркин рақобат муҳитини туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида, корхона хўжалик фаолиятини тезкор тарзда кундалик натижаларини ўрганиб боришни тақозо қилади. Бу ҳам ҳисоб-китобларга компьютерларни қўллаш натижасида анча осонлашади. Ҳар куни иш кунининг охирида хўжалик фаолиятининг бир кунлик натижаси қандай бўлганлигини аниқлаш мумкин. Бу эса ютуқ ва камчиликларни жуда тез англаш, ютуқларни кўпайтириш, камчиликларни бартараф қилишга асос бўлади. Таҳлилнинг ушбу шакли бошқарувни тезкор равишда амалга ошириш имконини беради.

Кунлик натижалар ҳар куни жамланиб борилса ҳисобот даврининг хоҳлаган кунда қандай натижага эришганлигини билиб олиш мумкин. Масалан, бир ойнинг ўн олтинчи куни қандай натижага эришганлигини кунлик ҳисоботни жамлаб бориш орқали аниқлаш мумкин. Шу, 16 куни қандай натижага эришдик ва ўтган 16 кун мобайнида эришган умумий аҳволимиз қандай деган хулосани чиқариш учун ҳам тегишли ахборот мазкур компьютерда мавжуд бўлади. Бу эса корхона хўжалик фаолиятини тезкор бошқариш, камчиликларни ўз вақтида, ҳисобот даври тугамасдан бартараф қилиш имконини беради.

Агар корхонанинг барча бўлинмаларида компьютерлар ўрнатилган ва улар ягона сетга уланган бўлса бошқаришда янги усулни, яъни қоғозсиз ва жонли мулоқотсиз бошқариш усулини жорий қилиш мумкин. Корхона менежери ҳар бир бўлинмадан тегишли ахборотларни олиб бир жойда умумлаштиради ва хулоса чиқаради. Хулоса натижасида ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар ва тегишли топшириқларни ҳам компьютер орқали жўнатиш мумкин. Бу мута-

хассис ва бўлинма раҳбарларининг турли мажлисларга, йиғилишларга кетадиган вақтини ҳам тежайди.

Ҳисобот даври тугагач таҳлил натижаси тезкор тарзда жадвалларда, чизмаларда, турли диаграммаларда тузилиб қоғозга чиқарилади ва мутахассислар томонидан ёзма равишда хулоса ёзилади. Хулосада барча эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаблари ва қандай оқибатга олиб келганлиги кўрсатилади. Айниқса, йўл қўйилган камчиликларда ким айбдорлиги очиқ-ойдин кўрсатилиши лозим. Чунки бу тадбир келажакда мазкур шахснинг шу камчиликка йўл қўймаслигини таъминлайди.

Иқтисодий таҳлилнинг натижалари бўйича тузилган барча ахборотлар, ёзма хулосалар жамланиб корхона раҳбарига, мулкдорга топширилади. Раҳбар таҳлил натижасига асосан бошқарув қарорларини қабул қилади. Қарор қабул қилишда бир қанча мутахассисларни, бўлинмалар раҳбарларини таклиф қилиб чуқур ўйланган ва пухта ишланган бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Агар корхона йирик бўлса, бошқарув қарорларини қабул қилишда «Фикрлар ҳужуми» усулидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу учун мазкур корхонада ижодий гуруҳ ташкил қилинган бўлиши лозим. Мазкур ижодий гуруҳнинг вазифаси корхона хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бўлади. Мазкур масала «Функционал қиймат таҳлили» бўлимида атрофлича ёритилган.

Иқтисодий таҳлил натижалари бошқарув билан бирга аудиторларнинг хулоса чиқариши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлар олдинги тафтишчилардек тафтиш билан эмас, эндиликда таҳлил билан шуғулланишлари лозим. Шу туфайли таҳлил усулларини, уни амалга ошириш методологиясини бухгалтерлар қанча билса, аудиторлар уларга нисбатан икки карра кўп ва пухта билишлари шарт. Зеро, аудиторлик хулосасини чиқариш учун фақат таҳлил натижаларидан фойдаланиш мумкин холос.

2-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР

2.1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи (классификацияси)

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фанининг моҳияти ва мазмуни ҳам ислохотлар даврида тубдан ўзгарди. Олдин таҳлилнинг натижаси асосан режани бажариш учун ички имкониятларни ахтариб топишга қаратилган бўлса, эндиликда ҳар бир корxonанинг ички имкониятларини молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш учун сафарбар қилишга қаратиладиган бўлди. Бундан кўриниб турибдики, таҳлилнинг мақсади ҳам ўзгарди. Олдин таҳлил яхши ютуқларни ошкора этган бўлса, эндиликда яхши усулларнинг тижорат сири эканлигини кўрсатиб беради.

Бозор иқтисодиётига хос бўлган рақобат ҳар бир корxonани ўз тижорат сирларини сақлашга мажбур қилади. Бундай шароитда хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг умумий усули бўлиши лозим. Лекин ҳар бир корxона ушбу умумий усуллар орқали ўзининг ички имкониятларини топади ва у ўта муҳим бўлса, тижорат сири сифатида сақланиши мумкин. Хуллас, рақобат ҳар бир корxonани, унинг мулк шаклидан қатъи назар, самарали ишлашини талаб қилади. Самарадорликни узлуксиз ошириб бориш учун унинг ҳолатини чуқур ўрганишни, таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу орқали ҳар бир корxона ўзининг истиқболини, молиявий барқарорлигини таъминлашни кўра билиши лозим. Бу тadbир фақат таҳлил орқали амалга ошишини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида барча иқтисодий механизмлар, жумладан иқтисодий таҳлил ва унинг усуллари ҳам кескин такомиллаштирилишини талаб қилади.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда бир қанча усуллар қўлланилади. Ҳозир иқтисодий таҳлил назариясига бағишланган кўплаб адабиётлар мавжуд. Аммо ушбу адабиётларда таҳлил усулларини ёритишга турлича ёндошилган. Кўплари амалиётга қўлланилиши қийинлигидан ташқари, бозор иқтисодиёти учун яроқсиз ҳолатга келиб қол-

ган, чунки уларнинг кўпи, таъкидлаганимиздек, режали иқтисодиётга мўлжалланган эди. Бундан ташқари адабиётларда таҳлилда қўлланиладиган усулларнинг соддаликдан мураккаблик сари ифодаланиши таъминланмаган. Буларнинг ҳаммасини инобатга олиб ислохотлар даврида таҳлил усуллари маълум тартибга солинган ҳолда ёритилиши лозимдир, деган хулосага келинди.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда жуда кўп усуллар қўлланилади. Шу фан вужудга келганда уларни фаннинг методи билан бирга берар эди. Эндиликда эса, усулларга алоҳида тўхталиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиб бермоқдалар. Бу гуруҳлар мазмуни ва моҳияти жиҳатидан бозор иқтисодиёти шароитига ҳам тўғри келади. Шу туфайли барча усулларни ҳозирги шароитда ҳам икки гуруҳга бўлиб ўрганишни таклиф қиламиз. Бунга қуйидагилар киради: 1) анъанавий усуллар, 2) математик усуллар.

Анъанавий усуллар энг қадимги усуллар бўлиб, улар таҳлил вужудга келган кундан бошлаб қўлланилиб келинаётган усуллардир. Буларга қуйидагилар киради: солиштириш усули; мувозанат усули (баланс усули); фарқли усул; қайта ҳисоблаш усули; занжирли алмаштириш усули; индекс усули; интеграл усул; нисбий кўрсаткичли усул кабилардир. Бундан ташқари бир қанча статистик усуллар ҳам қўлланилади.

Математик усуллар таҳлил фанининг такомиллашуви билан, унга ЭҲМларни қўллаш ва математик усуллардан фойдаланиш жараёнида кириб келган. Бунинг бир қанча усуллари билан биргаликда бир қанча типлари ҳам мавжуд. Математик моделларнинг типларига қуйидагилар киради: мультипликатив модель; аддитив модель; касрли модель кабилардир. Ушбу моделларнинг ҳаммаси ҳам иқтисодий ахборотларни таҳлил қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Аддитив модель натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда қўлланилади. У ўқилиши ва ёзилиши жиҳатдан жуда содда ва ихчамдир. **Мультипликатив модель** натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланганда қўлланиладиган моделдир. **Касрли модель** эса натижа билан омил-

лар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда қўлланилади. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усулларнинг таснифини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин (11-чизма).

11-чизма

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи (классификацияси)



Ушбу усулларнинг барчаси хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланилади. Анъанавий усуллар барча дарсликларга у ёки бу шаклда киритилган. Булар асосан микроиқтисодий таҳлилда кенг қўлланилади. Макроиқтисодий таҳлилда кўпинча математик усуллардан фойдаланилади.

2.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усулларнинг тавсифи (характеристикаси)

2.2.1. Солиштириш усули. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган усулларнинг энг кўп учрайдигани солиштириш усулидир. Бу усулни қўллаш билан таҳлил бошланади. Шу усул орқали таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг фарқи аниқланади. Қолган барча усуллар солиштириш натижасида аниқланган фарқни исботлашга, аниқлашга қаратилган бўлади. Солиштиришда асос қилиб миқдорлар олинади. Миқдорларга статистика фанида жуда катта аҳамият берилади, чунки иқтисодиётнинг ўлчами миқдорларда ифодаланади. Жумладан, янгидан яратилган миллий ялпи ички маҳсулотнинг бир йиллик миқдори, товар оборотининг (айланмасининг) миқдори, миллий даромаднинг миқдори ва ҳоказо.

Миқдор кўрсаткичлари асосан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз ифодасини топади, чунки содир бўлган иқтисодий жараёнлар биринчи галда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ва ҳисоботида жамланади.

Таҳлил қилиш учун миқдор кўрсаткичларининг барча турлари: мутлақ миқдор, нисбий миқдор, ўртача миқдор кабилар қўлланилади.

Мутлақ миқдор ҳар қандай миқдорнинг асоси, иқтисодий жараёнларни санайдиган ва ўлчайдиган бошланғич рақамдир. Масалан, савдо корхоналари сони, корхонада ишлайдиган ходимлар сони, корхонадаги жиҳозлар сони, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони кабиларни санаш йўли билан аниқласа, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти кабилар бевосита ўлчаш йўли билан аниқланади. Бундай мутлақ миқдорлар ҳажм кўрсаткичлари деб аталади.

Мутлақ миқдордан таҳлилда фойдаланишда асосан кўшиш ва айириш амаллари ишлатилади.

Мутлақ миқдорлар ўлчов бирлигига қараб натура, шартли натура, пул ва комплекс турларга бўлинади. Режали иқтисодиёт шароитида кўрсаткичлар асосан пул бирлигида ифодаланар эди. Эндиликда пулнинг қадрсизланиш жараёни давом этиб турган пайтда ва кўп мулкчилик

шаклидаги иқтисодийнинг вужудга келиши таҳлил қилишда натура, шартли натура ва комплекс кўрсаткичлардан кенг фойдаланиш заруратини туғдирди.

Умуман олганда иқтисодий жараёнлар айниқса уларни маълум рақамларда ифодалаш шунчалик мураккабки, унда фақат бир хил ўлчовга эга бўлган кўрсаткич билан чекланиб бўлмайди. Шу туфайли уни таҳлил қилишда бирқанча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Буларсиз таҳлил қилиш, умуман ижтимоий-иқтисодий жараёнларга баҳо бериш, бошқарув қарорларини қабул қилиш қийин. Шу билан биргаликда фақат мутлақ миқдор орқали хўжалик фаолияти ҳақида чуқур ва батафсил хулоса қилиш ҳам мумкин эмас. Шу туфайли таҳлил учун мутлақ миқдор билан биргаликда нисбий миқдорлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Нисбий миқдорлар таҳлил қилишда дастлабки ва энг муҳим хулоса чиқариш учун асос бўлади. Нисбий миқдорлардан таҳлилда фойдаланишда асосан бўлиш ва кўпайтириш усуллари ишлатилади. Буларнинг ҳажмини солиштириш ва фарқини аниқлаш учун айириш амалидан фойдаланилади.

Нисбий миқдор таҳлил жараёнида асосан мутлақ миқдорларни бир-бирига бўлиш натижасида вужудга келади ва иқтисодий жараёнлар ҳақида аниқ маълумотларни беради. Масалан, бирор кўрсаткич бўйича режанинг бажарилиши, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, меъёрга нисбатан эришилганлик даражаси кабилар.

Таҳлил жараёнида нисбий миқдорнинг нимани ифодалаш моҳиятига қараб, бир қанча турлари қўлланилади:

— режа топшириғи ва бажарилишини ифодаловчи нисбий миқдор;

— ўзгариш суръатини ифодаловчи нисбий миқдор;

— таркибни ифодаловчи нисбий миқдор;

— меъёрга (эталонга, ўртачага) нисбатан эришилган даражасини ифодаловчи нисбий миқдор;

— интенсивлик даражасини ифодаловчи нисбий миқдор ва ҳоказо.

Бу нисбий миқдорлар ҳажми таҳлил учун тўлароқ хулосаларни чиқариш учун асос бўлади. Масалан, режа топши-

риғи дўконда 105 фоизга бажарилди, ўтган йилга нисбатан корхонанинг ялпи даромади 107 фоизга ошди, шу объектнинг умумий товар маҳсулотигади улуши 15 фоизни ташкил қилди, меҳнат унумдорлиги эталонга нисбатан 15 фоизга кам бўлди, товар маҳсулотининг 80 фоиз ўсиш суръати интенсив омиллар эвазига вужудга келди ва ҳоказо.

Мана шу келтирилган ҳар бир кўрсаткич таҳлил қилувчи учун маълум хулосага келишда реал асос бўлиб хизмат қилади. Таҳлил жараёнида мутлақ ва нисбий миқдорлар билан биргаликда ўртача миқдорлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Ўртача миқдорлар таҳлилда иқтисодий ҳодиса ва жараёнлардаги маълум қонуниятларни ва умумий йўналиш тамойилларини аниқлашда қўлланилади. Бу миқдорни қўллашнинг зарурлиги шундаки иқтисодий жараёнлар алоҳида объектлар бўйича ўрганилганда вақтинчалик тасодифлар таъсирида бўлиши мумкин. Масалан, корхона чет мамалакат хом ашёси асосида ишлайди. Хом ашё бир йилда тўлиқ келтирилди. Бу корхонанинг шу йилги кўрсаткичи жуда юқори, аммо иккинчи йилда хом ашёни келтириш имкони бўлмади. Бу йил эса корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичи жуда паст бўлиши табиий. Албатта бу тасоддий ҳол, чунки ишчиларнинг малакаси, моддий техника базаси, унинг технологик даражаси ўзгармасдан қолиши мумкин. Бошқа бир мисол. Бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бир қанча корхона мавжуд. Аммо шулардан ярми хом ашёни ўз вақтида келтиришга муваффақ бўлса фақат ана шу корхоналарнинг иши яхши бўлиши мумкин. Қолган корхоналарда фақат шу омил эвазига ишлаб чиқариш даражаси паст бўлиши табиий. Шунга ўхшаш тасодифларни бартараф қилиш учун ўртача миқдорлардан фойдаланилади.

Ўртача миқдорларни аниқлашнинг бир қанча усуллари мавжуд.: ўртача арифметик, ўртача гармоник, ўртача хронологик кабилар. Бу усуллар статистика фанининг «Ўртача миқдорлар» бобида батафсил ўрганилади. Шу туфайли ушбу бобда яна ўша мавзуга мурожаат қилишни тавсия қиламиз.

2.2.2. Мувозанат усули. Ушбу усул бухгалтерия ҳисоби,

статистика, режалаштириш каби иқтисодий ишларда кенг қўлланилади. Бу усул омиллар билан натижа ўртасида функционал боғланиш бўлганда омиллар таъсирини ҳисоблашда, хўжалик фаолиятидаги мувозанатни сақлашда қўлланилади.

Мувозанат усулининг қўлланилиши иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида тузиладиган товар ва бошқа моддий бойликлар мувозанати мисолида кўриш мумкин. Бунда асосан товар мувозанати формуласидан фойдаланилади:

$$Зйб + КТ = Т + Хч + Зоx,$$

бунда: Зйб — товар захирасининг ҳисобот йили бошидаги қолдиғи; КТ — келиб тушган товарларнинг ҳисобот йилидаги ҳажми; Т — товар обороти (ҳисобот даврида сотилган товарларнинг ҳажми); Хч — товарларнинг турли сабаблар билан чиқиб кетиши (табiiй камайиши, чиғриши, синиши ва бошқалар); Зоx — товар захираларининг ҳисобот йили охиридаги қолдиғи.

Юқоридаги формулага асосан ҳар бир миқдорни қолганларининг алгебраик йиғиндисини кўринишида тасвирлаш мумкин. Масалан, товар обороти ҳажминини қуйидаги функционал боғлиқликда ифодалаш мумкин:

$$Т = Зйб + КТ - Хч - Зоx.$$

Ушбу формуладан кўрииб турибдики товар оборотига тўртта омиллар таъсир қилган. Товар захираларининг бошланғич қолдиғи ва келиб тушган товарлар ҳажмининг кўпайиши товар оборотига ижобий таъсир қилса, товарларнинг ҳар хил чиқимлари ва товар захираларининг йил охиридаги қолдиқ суммасининг кўпайиши натижасига салбий таъсир қилади.

Товарларнинг йил охиридаги қолдиғи ўзгаришининг товар оборотига таъсири ($\Delta T_{Зйб}$) ни топиш учун товар захираларининг ҳисобот йилидаги миқдоридан ($Зйб_1$) шу кўрсаткичнинг асос йилидаги миқдорини ($Зйб_0$) айириб ташланади, яъни:

$$\Delta T_{Зйб} = Зйб_1 - Зйб_0.$$

Товар келиб тушишининг товар обороти ҳажмига таъ-

сирини ($\Delta T_{кт}$) топиш учун унинг ҳисобот йилидаги миқдоридан (KT_1) асос йилидаги миқдори (KT_0) айириб ташланади, яъни:

$$\Delta T_{кт} = KT_1 - KT_0.$$

Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетишининг товар обороти ҳажмига таъсирини ($\Delta T_{хч}$) топиш учун унинг ҳисобот давридаги миқдоридан ($X_{ч1}$) асос давридаги миқдори айириб ташланади ($X_{ч0}$), яъни:

$$\Delta T_{хч} = X_{ч1} - X_{ч0}.$$

Товар захираси қолдиғининг ҳисобот даври охиридаги ўзгаришининг товар оборотига таъсирини ($\Delta T_{зох}$) топиш учун, унинг ҳисобот давридаги миқдоридан ($Z_{ох1}$) асос давридаги миқдори ($Z_{ох0}$) айирилади, яъни:

$$\Delta T_{зох} = Z_{ох1} - Z_{ох0}.$$

Омиллар таъсири ҳисобининг тўғрилигини аниқлаш учун ҳамма омиллар таъсирини қўшиш лозим. У ҳолда умумий фарқ барча омиллар таъсирига тенг бўлади:

$$\Delta T = \Delta T_{зйб} \pm \Delta T_{кт} \pm \Delta T_{хч} \pm \Delta T_{зох}.$$

Мувозанат усулини қўллаб натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш қуйидаги мисолда келтирилган (*1-жадвал*).

1-жадвал

Товар обороти ҳажмининг ўзгаришига товар мувозанати кўрсаткичлари билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳисобот-да	Фарқи (+, -)	Омиллар таъсири
1. Товар захираларининг бошланғич қолдиғи (Зйб)	648,0	641,8	-6,2	-6,2
2. Келиб тушган товарлар (КТ)	3069,8	3176,1	+106,3	+106,3
3. Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетиши (Хч)	0,4	0,3	-0,1	+0,1
4. Товар захираларининг охириги қолдиғи (Зох)	695,9	698,3	+3,0	-3,0
5. Товар обороти (Т)	3021,5	3118,7	+97,2	×

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар обороти ҳажми ҳисобот даврида режадагига нисбатан 97,2 минг сўмга ошган. Ушбу ўзгаришга товар келиб тушишининг 106,3 минг сўмга ошиши ва товарларнинг ҳар хил чиқиб кетишининг 0,1 минг сўмга камайиши товар оборотига ижобий таъсир қилган. Бошқа омиллар эса товар оборотининг ўзгаришига салбий таъсир кўрсатган. Жумладан, товар захираларининг ҳисобот даврининг бошида меъёрга нисбатан 6,2 минг сўмга кам бўлиши, шу даврнинг охирида эса меъёрдан 3,0 минг сўмга ошиқча бўлгани товар оборотига салбий таъсир қилган. Шундай қилиб, товар оборотининг умумий фарқи 97,2 минг сўм вужудга келган:

$$-6,2 + 106,3 + 0,1 - 3,0 = +97,2.$$

Ушбу таҳлил натижаси товар оборотини кўпайтиришнинг ички имкониятларини топиш учун асос бўлади. Агар ҳисобот йилида товар захираларининг бошланғич ва охириги қолдиқлари меъёр даражасида бўлганда эди, товар обороти яна 9,2 минг сўмга (6,2+3,0) кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий товар обороти 3118,7 минг сўм эмас, балки 3127,9 минг сўмни (3118,7+9,2) ташкил қилган бўлар эди. Унинг ўтган йилги ёки асос йилига нисбатан фарқи 97,2 минг сўм эмас, балки 106,4 минг сўмни (97,2+9,2) ташкил қилган бўлар эди. Товар оборотининг кўпайиши эвазига бошқа кўрсаткичлар ҳам яхшиланар эди.

2.2.3. Қайта ҳисоблаш усули. Бу усул ҳам омилли таҳлилда кенг қўлланилади. Бу усул натижага битта ёки иккита омил таъсир қилган пайтларда қўлланилиши қулай. Унинг моҳияти режадаги натижани биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинишидан иборатдир. Масалан, товар обороти (Т) асосий капиталнинг ўртача қиймати (Ак) ва шу капиталнинг самарадорлиги билан функционал боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланади:

$$T = Ak \times Kc,$$

бунда: Kc — асосий капиталнинг самарадорлиги.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики натижага иккита омил таъсир қилади. Ҳар бир омилнинг таъсирини ҳисоб-

лаш учун натижани қайта ҳисоблаб олинади (Ткх). Бу биринчи омилнинг ҳақиқий миқдорини ($Ак_1$) иккинчи омилнинг режадаги миқдори билан кўпайтириш йўли билан аниқланади ($Кс_0$), яъни:

$$Ткх = Ак_1 \times Кс_0$$

Омилларнинг товар оборотига таъсирини топиш учун қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш лозим.

1. Товар оборотининг асосий капиталининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ($\Delta Так$) топиш учун товар оборотининг қайта ҳисобланган миқдоридан (Ткх) унинг режадаги ҳажмини айириш кифоя ($Т_0$):

$$\Delta Так = Ткх - Т_0 = (Ак_1 \times Кс_0) - (Ак_0 \times Кс_0)$$

2. Товар обороти ўзгаришига асосий капитал самарадорлигининг таъсирини ($\Delta Ткс$) аниқлаш учун товар оборотининг ҳақиқий суммасидан ($Т_1$) унинг қайта ҳисобланган миқдорини (Ткх) айириш кифоя:

$$\Delta Ткс = Т_1 \times Ткх = (Ак_1 \times Кс_1) - (Ак_1 \times Кс_0).$$

Икки омилнинг таъсири товар обороти фарқининг умумий суммасига тенг бўлиши керак:

$$\Delta Т = \Delta Так \pm \Delta Ткс.$$

Ушбу назарий тавсияни аниқ маълумотларни қўллаб ечиш йўлини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (*2-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар обороти ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 1670,0 минг сўмга ошган. Бу қуйидаги омиллар эвазига вужудга келган:

1. Асосий капитал ўртача йиллик қийматининг 132,9 минг сўмга камайиши товар обороти ҳажмини 213,7 минг сўмга камайтирди:

$$42636,3 - 42850,0 = -213,7 \text{ минг сўм.}$$

2. Асосий капитал самарадорлигининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 7,1 сўмга ошганлиги товар обороти ҳажмини 1883,7 минг сўмга оширди:

$$44520,0 - 42636,3 = +1883,7 \text{ минг сўм.}$$

**Товар обороти ҳажмига асосий капитал
ва улар самарадорлигининг таъсирини қайта
ҳисоблаш усулини қўллаб аниқлаш**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+, -)		
				жами	шу жумладан	
					Ак эвазига	Кс эвазига
Товар обороти, минг сўм	42850,0	44520,0	42636,3	+1670,0	-213,7	+1883,7
Асосий капиталнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	26664,5	26531,6	26531,6	-132,9	×	×
Асосий капиталнинг самарадорлиги, сўм	160,7	167,8	160,7	+7,1	×	×

Ушбу усуллар мавжуд бўлган ички захираларни аниқлаш имконини беради. Бизнинг мисолимизда товар оборотини ошириш учун асосий фондларни кўпайтириш лозимлиги аниқланди. Агарда асосий фондлар ҳисобот даврида ҳеч бўлмаганда ўтган йил ҳажмида қолганда эди товар обороти яна 213,7 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий товар обороти ҳажми 44520,0 минг сўм эмас, балки 44733,7 минг сўмни (44520,0+213,7) ташкил қилган бўлар эди. Товар обороти режасининг бажарилиши 103,9% эмас (44520,0×100:42850,0), балки 104,4%ни (44733,7×100:42850,0) ташкил қилган бўлар эди.

2.2.4. Занжирли алмаштириш усули. Бу усул таҳлилда кенг қўлланиладиган усуллардан биридир. Натижа ўзгаришига урта ва ундан кўп омиллар таъсир қилса, улар ўрта-сидаги боғлиқлик функционал бўлса, ушбу усулдан фойдаланилади. Масалан, товар обороти (Т) ўзгариши ходимларнинг рўйхатдаги сони (Х), уларнинг ўртача иш кунлари (К) ва бир кунлик меҳнат унумдорлиги (М) кўрсаткичлари билан функционал боғлиқдир. Бу қуйидагича ифодаланади:

$$T = X \times K \times M.$$

Ушбу формула асосида натижага учта омил таъсир қилганлигини кўрамиз. Омилли таҳлилнинг асосий вазифаси натижанинг шу ҳар бир омил эвазига ўзгаришини топишдан иборатдир. Занжирли алмаштириш усулидан фойдаланадиган бўлсак, режадаги натижани ҳар бир омил эвазига қайта ҳисоблаб олиш лозим. Бу учун қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

1. Товар обороти ҳажмининг ходимларнинг рўйхатдаги сони ўзгариши эвазига ўзгарганлигини топиш учун, биринчидан, шу кўрсаткич режасини ходимларининг рўйхатдаги сонининг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади:

$$T_K = X_1 \times K_0 \times M_0,$$

бунда: «1» ва «0» индекслари кўрсаткичларнинг ҳақиқий ва режадаги миқдорини ифодалайди.

Иккинчидан эса, шу қайта ҳисобланган миқдордан режадаги товар обороти айириб ташланади:

$$\Delta T_x = T_K - T_0 = (X_1 \times K_0 \times M_0) - (X_0 \times K_0 \times M_0),$$

бунда: ΔT_x — товар оборотининг ходимларнинг рўйхатдаги сонининг ўзгариши таъсирида ўзгарган қисми.

2. Товар оборотининг иккинчи омил, яъни ходимларнинг рўйхатдаги ўртача иш кунининг ўзгарганлиги эвазига ўзгаришини (ΔT_k) топиш учун биринчи омил билан ҳисобланган миқдорини иккинчи омилнинг миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади:

$$T_K = X_1 \times K_1 \times M_0.$$

Шу чиққан натижадан биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан ҳисобланган товар обороти ҳажми олиб ташланади:

$$\Delta T_k = T_K - T_x = (X_1 \times K_1 \times M_0) - (X_1 \times K_0 \times M_0).$$

3. Натижанинг учинчи омил — меҳнат унумдорлигининг таъсири эвазига ўзгаришини топиш учун товар оборотининг ҳақиқий суммасидан (T_1) унинг иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган (T_k) миқдори айрилиб ташланади:

$$\Delta T_m = T_1 - T_k = (X_1 \times K_1 \times M_1) - (X_1 \times K_1 \times M_0).$$

Бу учта омилнинг таъсири товар оборотининг умумий фарқига (ΔT) тенг бўлиши керак:

$$\Delta T = \Delta T_x \pm \Delta T_k \pm \Delta T_m.$$

Келтирилган ҳисоб-китобларга аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда ечиладиган бўлса, қуйидагича жадвал тuzилиши мумкин (*3-жадвал*).

3-жадвал

Натижага омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули ёрдамида ҳисоблаш йўллари

Кўрсаткичлар	Бел-гиси	Режа-да	Ҳақи-қатда	Занжирли алмаштириш		
				1	2	3
1. Ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши	X	X ₀	X ₁	X ₁	X ₁	X ₁
2. Ҳар бир ходимга тўғри келадиган иш куни, кун	K	K ₀	K ₁	K ₀	K ₁	K ₁
3. Ходимларнинг ўртача бир кунлик меҳнат унумдорлиги, сўм	M	M ₀	M ₁	M ₀	M ₀	M ₁
4. Товар обороти, минг сўм	T	T ₀	T ₁	T _x	T _k	T _m

Ушбу жадвалга асосан товар оборотининг ўзгаришига омиллар таъсирини қуйидагича аниқлаш мумкин.

1. Товар оборотининг ходимлар сонининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔT_x) топиш учун қуйидаги амални бажариш лозим:

$$\Delta T_x = T_x - T_0 = (X_1 \times K_0 \times M_0) - (X_0 \times K_0 \times M_0).$$

2. Товар оборотининг ҳар бир ходимнинг ўртача иш кунининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔT_k) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta T_k = T_k - T_x = (X_1 \times K_1 \times M_0) - (X_1 \times K_0 \times M_0).$$

3. Товар оборотининг ҳар ходимнинг бир кунлик меҳнат унумдорлигининг ўзгарганлиги эвазига ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги амални бажариш лозим:

$$\Delta T_m = T_m - T_k = (X_1 \times K_1 \times M_1) - (X_1 \times K_1 \times M_0),$$

барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T = \Delta T_x \pm \Delta T_k \pm \Delta T_m.$$

Ушбу назарий усулнинг бевосита амалиётга қўлланилишини кўриб чиқиш учун натижа кўрсаткичи сифатида товар оборотини (Т) олиш мумкин. Бу кўрсаткичга аҳолининг сони (А), уларнинг ўртача пул даромадлари (Д) ва товар оборотининг пул даромадини қамраб олиш даражаси (О) таъсир қилади. Бу боғлиқликни қуйидаги формула билан тасвирлаш мумкин:

$$T = \frac{A \times D \times O}{100}.$$

Бу формулага занжирли алмаштириш усулини қўллаб ҳар бир кўрсаткич бўйича амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижага омиллар таъсирини аниқлаш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Чакана товар оборотига аҳолининг сони ва уларнинг пул даромади билан боғлиқ бўлган омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечиш йўллари

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Занжирли алмаштириш		
			1	2	3
Аҳолининг ўртача йиллик сони, киши	50265	50986	50986	50986	50986
Битта аҳолига тўғри келадиган ўртача пул даромади, сўм	778,2	781,6	778,2	781,6	781,6
Аҳоли пул даромадининг товар обороти билан қамраш даражаси, %	72,5	76,4	72,5	72,5	76,4
Чакана товар обороти, минг сўм	28359,6	30446,3	28766,4	28892,1	30446,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида товар оборотининг ҳажми 2086,7 минг сўмга (30446,3–28359,6) ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган:

1. Аҳолининг ўртача йиллик сони режага нисбатан 721

кишига ошганлиги товар обороти ҳажмини 406,8 минг сўмга (28766,4–28359,6) кўпайтирган.

2. Аҳолининг ўртача пул даромади ҳисобот йилида 3,4 сўмга ошган. Бу омил товар оборотини 125,7 минг сўмга (28892,1–28766,4) кўпайтириш имконини берган.

3. Пул даромадининг аҳолига сотилган товар оборотининг қамраб олиш даражаси 3,9% га ошганлиги умумий товар обороти суммасини 1554,2 минг сўмга (30446,3–28892,1) кўпайтирган.

Кўриниб турибдики, товар оборотининг ўзгаришига учала омил ҳам ижобий таъсир қилган. Натижада умумий фарқ келиб чиқади:

$$406,8 + 125,7 + 1554,2 = +2086,7 \text{ минг сўм.}$$

Занжирли алмаштириш усулидан фақат кўрсаткичлар ўртасидаги боғланиш кўпайтма шаклидагина эмас, балки бўлинма шаклидаги боғланишларда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарида рентабеллик кўрсаткичини олайлик. Бу қуйидагича боғлиқликка эга:

$$P = \frac{\Phi}{A_k + A_{\text{йм}}},$$

бунда: P — рентабеллик даражаси; Φ — фойда суммаси; A_k — асосий капиталнинг ўртача йиллик қиймати; $A_{\text{йм}}$ — айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, рентабеллик даражасига учта омил: фойда суммаси, асосий капитал, айланма капиталларнинг ўзгаришлари таъсир қилади. Рентабеллик даражасига фойда суммасининг таъсирини ($\Delta P\Phi$) занжирли алмаштириш усули билан ҳисоблаш учун рентабеллик даражасини фойда суммасининг ҳақиқий даражаси билан қайта ҳисобланади ва ундан рентабеллик даражасининг режадаги миқдори айирилади:

$$\Delta P\Phi = \left(\frac{\Phi_1}{A_{k0} + A_{\text{йм}0}} \right) - P_0.$$

Рентабеллик даражасининг асосий капиталнинг ўртача йиллик суммасининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔP_{A_k}) аниқлаш учун рентабеллик даражасини асосий

капиталнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланади ва ундан рентабеллик даражасининг фойда суммаси билан қайта ҳисобланган миқдори айирилади:

$$\Delta P_{\text{ак}} = \left(\frac{\Phi_1}{\text{Ак}_1 + \text{Айм}_0} \right) - \left(\frac{\Phi_1}{\text{Ак}_0 + \text{Айм}_0} \right)$$

Рентабеллик даражасига айланма капиталнинг ўртача йиллик суммаси ўзгаришининг таъсири (ΔРам) аниқлаш учун рентабеллик даражасининг ҳақиқий миқдоридан унинг асосий капиталнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган ҳажмини айириб ташлайди:

$$\Delta P_{\text{ам}} = P_1 - \left(\frac{\Phi_1}{\text{Ак}_1 + \text{Айм}_0} \right)$$

Бунда ҳам барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta P = \Delta P_{\text{ф}} \pm \Delta P_{\text{ак}} \pm \Delta P_{\text{айм}}$$

Ушбу боғланишни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечилишини кўриш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Рентабеллик даражасига фойда, асосий ва айланма капиталлар ўзгаришининг таъсири занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш йўллари

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисоб-бот йилида	Занжирли алмаштиришлар		
			1	2	3
1. Соф фойда, минг сўм	51,7	62,7	62,7	62,7	62,7
2. Асосий капиталнинг ўртача қиймати, минг сўм	985,6	997,2	985,6	997,2	997,2
3. Айланма капиталнинг ўртача қиймати, минг сўм	245,0	231,5	245,0	245,0	231,0
4. Рентабеллик дажаси, %	0,042	0,051	0,051	0,050	0,051

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рентабел-

лик даражаси ҳисобот йилида 0,009% га ошган (0,051–0,042). Бу ўзгариш қуйидаги омиллар эвазига вужудга келган:

1. Фойда суммасининг 11,0 минг сўмга (62,7–51,7) кўпайиши рентабеллик даражасини 0,009%га (0,051–0,042) оширган.

2. Асосий капиталнинг ўртача қиймати ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан 11,2 минг сўмга ошган (997,2–985,6). Аммо бу тегишли самара бермаган. Оқибатда рентабеллик даражаси 0,001%га (0,050–0,051) камайган.

3. Айланма капиталнинг ўртача йиллик суммаси таҳлил даврида 13,5 минг сўмга (231,5–245,0) камайган. Бу ўз навбатида айланма капитал билан боғлиқ бўлган жуда кўп омиллар, хусусан харажатларнинг камайишига олиб келган. Оқибатда, рентабеллик даражаси 0,001%га ошган (0,051–0,050).

Барча омиллар таъсирида рентабеллик даражасининг умумий фарқи келиб чиқади: $0,009 - 0,001 + 0,001 = +0,009$.

Шундай қилиб, таъкидлаш лозимки, хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда занжирли алмаштириш усули кенг қўлланилади. Энг муҳими бу усул ҳам бошқа усуллар сингари ички имкониятларни (резервларни) аниқлашга ёрдам беради. Масалан, бизнинг охириги мисолимизда кўришиб турибдики, корхонанинг рентабеллигини ошириш учун асосий капиталнинг самарадорлигини ошириш лозим экан.

2.2.5. Нисбий миқдорлардан фойдаланиш усули. Бу усул ҳам омилли таҳлилда кенг қўлланилади, чунки амалда мутлақ рақамлар билан биргаликда нисбий миқдорларнинг қўлланилиши ҳам тез учраб турадилар.

Нисбий миқдордан фойдаланиш усулининг моҳияти натижага омиллар таъсирини аниқлашда уларнинг нисбий ўзгариши натижанинг нисбий ўзгаришидаги улушида ифодаланишидир. Масалан, ишлаб чиқариш корхонаси ялпи маҳсулоти ҳажми (М), ишчилар сони (И) ва уларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига (МУ) боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланди:

$$M = I \times MU.$$

Нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш учун ушбу формуладаги натижа ва омилларнинг ўсиш суръатлари олинади.

Ҳисоб-китобларда ана шу нисбий кўрсаткичлар иштирок этади. Масалан, ялпи маҳсулотнинг ишчилдар сонининг ўзгариши эвазига ($\Delta M_{и}$) ўзгарганлигини топиш учун ишчилар сонининг ўсиш суръатини (ΔI) юзга кўпайтириб ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатига бўлинади (ΔM):

$$\Delta M_{и} = \frac{\Delta I \times 100}{\Delta M}.$$

Натижага иккинчи омилнинг — меҳнат унумдорлигининг таъсирини ($\Delta M_{му}$) аниқлаш учун юздан шу чиққан натижа миқдори, яъни биринчи омилнинг натижага таъсири айирилади:

$$\Delta M_{му} = 100 - \frac{\Delta I \times 100}{\Delta M}.$$

Одатдагидек, икки омилнинг умумий таъсири натижа ўзгаришига тенг бўлиши керак. Бу ҳолда икки омил таъсири 100 га тенг бўлади.

Масалан, ялпи маҳсулот ҳисобот даврида 20%га, ишчилар сони эса 4%га ошди. Бу ҳолда ялпи маҳсулотнинг ишчилар сони эвазига ўзгарганлиги 20%ни ташкил қилади:

$$\frac{4 \times 100}{20}.$$

Натيجанинг меҳнат унумдорлиги эвазига ўзгарганлиги 80%ни (100–20) ташкил қилади.

Бу усулни аниқ маълумотларни қўллаб қуйидаги жадвал мисолида ҳам кўриш мумкин (*6-жадвал*).

6-жадвал

Нисбий миқдорлардан фойдаланиш усулини қўллаб натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўсиш суръати
1. Ялпи маҳсулот, минг сўм (M)	29450	30245	102,7
2. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши (И)	1980	2010	101,5
3. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (МУ)	14,9	15,0	100,7

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ялпи маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 2,7%га ошганлигини ишчиларнинг 1,5%га кўпайганлиги ва меҳнат унумдорлигининг 0,7%га ошганлиги эвазига вужудга келган. Буларнинг нисбий кўрсаткичдаги таъсири қуйидагича:

1. Ялпи маҳсулотнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатини 100%га тенг деб олсак, унинг 55,6% ($1,5 \times 100 : 2,7$) ишчилар сонининг кўпайиши эвазига содир бўлган.

2. Ялпи маҳсулот ўсишининг 44,4% ($100 - 55,6$) меҳнат унумдорлиги ошиши эвазига вужудга келган.

Ушбу амалларни бажариб бўлгандан сўнг натижага омиллар таъсирини мутлақ миқдорда ҳам аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда ялпи маҳсулот ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 795,0 минг сўмга ($30245 - 29450$) ошган. Шундан 442,0 минг сўми ($795,0 \times 55,6 : 100$) ходимлар сонининг кўпайганлиги эвазига вужудга келган. Меҳнат унумдорлиги ошганлиги эвазига ялпи маҳсулот ҳажми 353,0 минг сўмга ($795,0 \times 44,4 : 100$) кўпайган. Икки омил таъсири умумий натижани беради, яъни:

$$442,0 + 353,0 = + 795,0 \text{ минг сўм.}$$

2.2.6. Индекс усули. Бу усул статистика назарияси фанида батафсил ёритилган. Таҳлил фани бухгалтерия ҳисоби ва статистика фанлари асосида вужудга келган бўлиб, у статистика фанининг бир қанча усулларида фойдаланади. Шулардан бири индекс усулидир. Бу усул жуда кўп қиррали мавзу. Биз эса ушбу бобда шу усулнинг омилли таҳлилида қўлланилишини кўрамиз, холос.

Индекс усулида жуда кўп қўлланиладиган боғлиқлик: маҳсулот ҳажмининг (Q) ўзгариши унинг миқдори (q) ва баҳосига (p) боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Маҳсулотнинг режадаги ҳажмини ($q_0 p_0$) ва ҳақиқатдаги ҳажмини ($q_1 p_1$) тегишли формулада ифодалаб олинса, унинг режа бажарилиш индекси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$I_{qp} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0}.$$

Маҳсулотнинг ҳисобот давридаги ўзгаришининг мутлақ

миқдорини аниқламоқчи бўлсак, унинг суръатидан маҳражини айириш кифоя:

$$\Delta Q = \sum q_1 p_1 - \sum q_0 p_0.$$

Формуладан кўриниб турибдики, натижага иккита омил таъсир қилади. Бу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун биринчидан, маҳсулот ҳажмининг ҳақиқий миқдорини режадаги (асос йилидаги) нархда ифодалаш лозим, яъни $q_1 p_0$. Натижа ўзгаришига маҳсулот миқдорининг таъсирини (ΔQ_q) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\Delta Q_q = \sum q_1 p_0 - \sum q_0 p_0.$$

Маҳсулот ҳажмининг баҳо эвазига ўзгарганлигини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\Delta Q = \sum q_1 p_1 - \sum q_1 p_0.$$

Ушбу ҳисоб-китобни аниқ маълумотларни қўллаб ҳам амалга ошириш мумкин (7-жадвал).

7-жадвал

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига унинг миқдори ва баҳосининг таъсирини индекс усули билан аниқлаш

Маҳсулот турлари	Миқдори, дона		Баҳоси, сўм		Маҳсулот ҳажми	
	режада	ҳақиқатда	режада	ҳақиқатда	режада	ҳақиқатда
А	450	500	15	16	6750	8000
Б	230	235	8	6	1840	1410
В	670	710	7	9	4690	6390
Жами					13280	15800

Жадвал маълумотлари асосида маҳсулот ҳажми бўйича режанинг бажарилиш индекси 1,190 га тенг:

$$I_{qr} = \frac{15800}{13280} = 1,190 \text{ ёки } 119,0\%.$$

Натижанинг умумий мутлақ фарқи 2520 сўмни (15800—13280) ташкил қилади. Маҳсулот физик ҳажмининг агрегат индекси (маҳсулотнинг режадаги ва ҳақиқатдаги миқдори бир хил баҳода ҳисобланганда) қуйидагини ташкил қилади:

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} = \frac{(500 \times 15) + (235 \times 8) + (170 \times 7)}{13280} = \frac{14350}{13280} = 1,081 \text{ ёки } 108,1\%.$$

Шундай қилиб, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори кўпайиши маҳсулот ҳажмини режадагига нисбатан 8,1% ёки 1070 сўмга (14350–13280) оширган.

Баҳо агрегат индекси (суратида маҳсулот миқдори ва баҳоси режада) 1,101 ни ёки 110,1%ни ташкил қилган:

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} = \frac{15800}{14350} = 1,101 \text{ ёки } 110,1\%.$$

Демак, маҳсулотнинг умумий ҳажми баҳо омили таъсирида 10,1%га ошган, мутлақ миқдори эса 1450 сўмга (15800–14350) кўпайган.

Натижада шу икки омилнинг таъсирини нисбий ва мутлақ миқдорда ҳам аниқлаш мумкин. Икки омил индексининг кўпайтмаси умумий индексга тенг бўлиши керак:

$$1,081 \times 1,101 = 1,190.$$

Натижа ўзгаришининг мутлақ миқдорини топиш учун шу икки омил йиғиндиси олинади:

$$1070 + 1450 = +2520 \text{ сўм.}$$

Индекс усулидан фойдаланганда омиллар таъсирини индивидуал индекслар орқали ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан, пойафзал буюмлари бўйича товар обороти ҳажмига хизмат кўрсатилаётган аҳолининг сони (А), ўртача жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражаси (И) ва ўртача баҳо (Р) таъсир қилади. Бу боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$Q = A \times I \times P,$$

бунда: Q — пойафзал буюмлари бўйича товар оборотининг умумий ҳажми.

Ушбу омилларнинг товар оборотига таъсирини аниқлаш учун уларнинг индивидуал индекслари аниқланади (8-жадвал).

Товар обороти ўзгаришига кўрсаткичларнинг индивидуал индексларини аниқлаш йўли билан омиллар таъсирини ҳисоблаш усули

Кўрсаткичлар	Асос йилида	Ҳисобот йилида	Индивидуал индекслар
1. Аҳолининг сони, минг киши (А)	10,4	10,9	1,048
2. Ўртача жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражаси, жуфт (И)	2,6	2,9	1,115
3. Ўртача баҳоси, сўм (Р)	36,2	37,4	1,034
4. Пойафзал маҳсулоти бўйича товар обороти, минг сўм (Q)	978,8	1182,2	1,208

Пойафзал сотилишининг умумий ҳажмига омиллар таъсирини индивидуал индексини қўлаб ечадиган бўлсак, у қуйидаги боғланишга эга бўлади:

$$IQ = i_a \times i_n \times i_p.$$

Натижага омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

1. Аҳоли сонининг асос йилига нисбатан 0,5 минг кишига (10,9–10,4) ошиши пойафзал маҳсулотларига бўлган талабни оширган ва шунинг эвазига пойафзал сотилишининг умумий ҳажми 47,0 минг сўмга кўпайган:

$$\begin{aligned} Q_a &= (Q_0 \times i_a) - Q_0 = (978,8 \times 1,048) - 978,8 = \\ &= 1025,8 - 978,8 = +47,0 \text{ минг сўм.} \end{aligned}$$

2. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пойафзал буюмларига бўлган истеъмол даражасининг 0,3 жуфтга (2,9–2,6) ошиши пойафзал сотилиши ҳажмини кўпайтиришнинг асосий омили бўлган. Бу омил таъсирида ўрганилаётган кўрсаткич 118,0 минг сўмга ошган:

$$\begin{aligned} Q_n &= (Q_0 \times i_a \times i_n) - (Q_0 \times i_a) = \\ &= (1025,8 \times 1,115) - 1025,8 = 1148,8 - 1025,8 = \\ &= +118,0 \text{ минг сўм.} \end{aligned}$$

3. Пойафзалнинг ўртача баҳоси 1,2 сўмга ошган (37,4–36,2). Бу омил эвазига товар обороти 38,4 минг сўмга кўпайган:

$$\begin{aligned}\Delta Q_p &= (Q_0 \times i_a \times i_n \times i_p) - (Q_0 \times i_a \times i_n) = \\ &= (1143,8 \times 1,034) - 1148,8 = 1182,2 - 1148,8 = \\ &= +38,4 \text{ минг сўм.}\end{aligned}$$

Ҳамма омиллар таъсирининг йигиндиси пойафзал сотилиши умумий ҳажмининг ҳисобот йилида асос йилига нисбатан умумий фарқини беради:

$$\begin{aligned}\Delta Q &= \Delta Q_a \pm \Delta Q_i \pm \Delta Q_p = 47,0 + 118,0 + 38,4 = \\ &= +203,4 \text{ минг сўм.}\end{aligned}$$

Омилли таҳлилда қўлланиладиган усуллардан анча қўлайи индекс усулидир, чунки бу усулни қўллаш жараёнида бир вақтнинг ўзида омилларнинг натижага ҳам мутлақ, ҳам нисбий таъсирини аниқлаш мумкин.

2.2.7. Фарқлаш усули. Ушбу усул натижага омиллар таъсирини ҳисоблашда кенг қўлланилади. Хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бунда бир кўрсаткичга натижа деб қаралса, шунга боғлиқ бўлган қолган кўрсаткичлар таъсир қилувчи омиллар сифатида намоён бўладилар.

Фарқлаш усулининг моҳияти шундаки, натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини аниқлаш учун ҳисобланаётган омилнинг фарқи олиниб қолган омилларнинг жойлашиш тартибига қараб асос ёки ҳисобот давридаги миқдори олинади. Масалан, натижа кўрсаткичи (товар обороти) билан унга таъсир қилувчи омиллар: ходимларнинг рўйхатдаги сони (X) ва меҳнат унумдорлиги (MY) ўртасидаги боғланиш қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T = X \times MY.$$

Ушбу формуладаги омилларнинг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлайдиган бўлсак, биринчи омил, яъни ходимларнинг рўйхатдаги сонининг товар оборотига таъсирини (ΔT_x) ҳисоблаш учун шу омилнинг фарқини ($X_1 - X_0$) иккинчи омил, яъни меҳнат унумдорлигининг асос (режа) кўрсаткичига (MY_0) кўпайтирилади:

$$\Delta T_x = (X_1 - X_0) \times MY_0.$$

Иккинчи омил, яъни меҳнат унумдорлигининг товар

обороти ҳажми ўзгаришига таъсирини ($\Delta T_{му}$) топиш учун шу омилнинг фарқи олинади ($МУ_1 - МУ_0$) биринчи омил — ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сонининг ҳисобот давридаги миқдорига (X_1) кўпайтирилади:

$$\Delta T_{му} = X_1 \times (МУ_1 - МУ_0).$$

Шу икки омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T = \Delta T_x \pm \Delta T_{му}.$$

Ушбу боғланишни аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш мумкин. Бу эса тавсия қилинаётган назарий ҳисоб-китобларнинг амалиётда қўлланилишидан ҳам далолат беради (9-жадвал).

9-жадвал

Товар обороти ҳажмига ходимларнинг рўйхатдаги сони ва меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлаш йўллари

Кўрсаткичлар	Режа-да	Ҳақи-қатда	Фарқи (+, -)		
			жами	шу жумладан	
				ходим-лар со-ни эва-зига	меҳнат унум-дорли-ги эва-зига
1. Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сони, киши	8038	8057	+19	×	×
2. Меҳнат унумдорлиги, сўм	6282,0	6365,5	+83,5	×	×
3. Товар обороти, минг сўм	50495	51287	+792,0	+119,3	+672,7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар обороти режага нисбатан 792,0 минг сўмга кўп бўлган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сонининг 19 кишига кўпайганлиги товар обороти ҳажмини 119,3 минг сўмга кўпайтирган:

$$19 \times 6282,0 = +119,3.$$

2. Ҳисобот йилида меҳнат унумдорлигининг 83,5 сўмга

кўпайиши товар оборотини 672,7 минг сўмга кўпайтиришга муваффақ бўлган:

$$8057 \times 83,5 = +672,7.$$

Ушбу икки омил таъсири товар оборотининг умумий фарқига тенг:

$$119,3 + 672,7 = +792,0 \text{ минг сўм.}$$

Фарқлаш усули натижага таъсир этувчи омиллар сони учта ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳам, агар улар ўрта-сидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланса, қўлланилиши мумкин. У ҳолда натижага биринчи омилнинг таъсирини топиш учун унинг фарқини қолган икки омилнинг режадаги миқдорига кўпайтирилади. Чиққан натижа биринчи омил таъсири бўлиб ҳисобланади.

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини топиш учун биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори иккинчи омилнинг фарқига ва учинчи омилнинг режадаги даражасига кўпайтирилади. Чиққан натижа иккинчи омилнинг таъсири бўлиб ҳисобланади.

Натижага учинчи омилнинг таъсири ҳам худди шу тартибда ҳисобланади. Унда биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдорига учинчи омилнинг фарқи кўпайтирилади. Чиққан натижа учинчи омил таъсири бўлиб ҳисобланади. Мисол учун қуйидаги математик боғлиқликни олайлик:

$$T = \text{Ш} \times \text{Мш} \times \text{Тм},$$

бунда: T — товар обороти ҳажми; Ш — савдо шахобчаларининг ўртача сони; Мш — ҳар бир савдо шахобчасига тўғри келадиган савдо майдони; Тм — бир кв.м савдо майдонига тўғри келадиган товар обороти ҳажми.

Товар обороти ўзгаришига савдо шахобчалари сони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{\text{ш}} = (\text{Ш}_1 - \text{Ш}_0) \times \text{Мш}_0 \times \text{Тм}_0.$$

Чакана товар оборотининг битта савдо шахобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдони ўзгариши эвазига

ўзгарганлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{мш} = Ш_1 \times (M_{ш_1} - M_{ш_0}) \times T_{м_0}.$$

Чакана товар обороти ҳажмининг бир кв.м. савдо майдонига тўғри келадиган товар обороти эвазига ўзгаришни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta T_{тм} = Ш_1 \times M_{ш_1} \times (T_{м_1} - T_{м_0}).$$

Одатдагидек, барча омилар таъсири товар оборотининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T = \Delta T_{ш} \pm \Delta T_{мш} \pm \Delta T_{тм}.$$

Юқорида келтирилган усулнинг амалиётда қўлланилишини аниқ маълумотларни қўллаб исботлаш мумкин (10-жадвал).

10-жадвал

Товар оборотининг ўзгаришига савдо шахобчалари, уларнинг савдо майдони ва самарадорлигининг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлаш ҳисоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)
1. Савдо шахобчаларининг сони, бирликда	128	130	+2
2. Битта савдо шахобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдони, кв.м	4,1	4,5	+0,4
3. Бир кв.м савдо майдонига тўғри келадиган товар обороти, минг сўм	47,34	45,17	-2,17
4. Товар обороти, минг сўм (1қ×2қ×3қ)	24845,6	26425,2	+1579,6

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, чакана товар обороти ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 1579,6 минг сўмга кўпайган. Бу ўзгаришга қуйидаги омилар таъсир кўрсатган:

1. Савдо шахобчалари сонининг 2 тага кўпайганлиги товар обороти ҳажмини 388,2 минг сўмга (2×4,1×47,34) кўпайтирган.

2. Битта савдо шахобчасига тўғри келадиган ўртача савдо

майдонининг 0,4 кв.м га кўпайиши товар оборотини 2461,9 минг сўмга оширган: $(130 \times 0,4 \times 47,34)$.

3. Савдо майдони самарадорлигининг, яъни бир кв.м савдо майдонига тўғри келадиган товар оборотининг 2,17 минг сўмга пасайиши товар обороти ҳажмини 1268,5 минг сўмга камайтирган: $(130 \times 4,5 \times -2,17)$.

Барча омилларнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$388,2 + 2461,9 - 1268,5 = +1579,6 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу омилли таҳлил натижасига асосан мазкур корхонада мавжуд ички имкониятларни аниқлаш мумкин. Бу имконият савдо майдонидан самарали фойдаланишдир. Агар ҳисобот йилида ушбу омил ўтган йилги даражада бўлганда эди, товар обороти яна 1268,5 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда товар оборотининг ҳақиқий ҳажми 26425,2 минг сўм эмас, балки 27693,7 минг сўмга тенг бўлар эди:

$$26425,2 + 1268,5.$$

Товар оборотининг режаси ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати ҳам ошган бўлар эди. Ҳисобот даврида товар оборотининг ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил қилди:

$$(26425,2 : 24845,6 \times 100) - 100.$$

Агарда аниқланган ички захирадан тўлиқ фойдаланилганда эди, ҳисобот йилида товар оборотининг ўсиш суръати 11,5 фоизни ташкил қилган бўлар эди:

$$(27697,3 : 24845,6 \times 100) - 100.$$

2.2.8. Интеграл усул. * Бу усул бир томондан анъанавий усулларга, иккинчидан эса математик усулга мансуб тақомиллашган усулдир. Натижа кўрсаткичига алоҳида омиллар таъсирини интеграл усули билан аниқлаш фарқлаш, занжирли алмаштириш каби усулларнинг тақомиллашган шаклидир. Интеграл усулининг ижобий томонидан бири шундан иборатки, агарда занжирли алмаштириш ёки фарқлаш усулларида омиллар, кетма-кетлиги ўзгарса, уларнинг натижа ўзгаришига таъсири ҳар хил бўлади. Бу усулда

* Ушбу усул С.Тошназаров билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

эса у ёки бу омилнинг таъсирини ҳисоблашда кетма-кетликка риоя қилишни талаб қилмайди. Омилларнинг кетма-кетлиги ўзгаришидан қатъий назар омиллар таъсири ҳамиша бир хил, энг муҳими тўғри топилади.

Интеграл усули детерминал омили таҳлилнинг бош муаммосини тушунтиришга ёрдам беради. Битта ҳисобот давр чегарасида омиллар ўзгариши динамикаси аниқ бўлган тақдирда омиллар таъсирини фақат интеграл усули билан илмий асослаб баҳолаш мумкин.

Интеграл усули билан боғлиқ ҳисоблар бир тарафдан математик таҳлил асосларини билишни талаб қилса, бошқа томондан занжирли алмаштириш усулига нисбатан ҳисобларни бажаришни тақозо қилади. Шу сабабли бу усулнинг қўлланилиши ЭҲМ шароитида яхши самара беради. Натижа кўрсаткичга омиллар таъсирини ҳисоблашнинг турли шакллари мавжуд. Натижага иккита омил таъсир қиладиган бўлса, қуйидаги боғлиқлик бўлади:

$$Y = X_1 \times X_2.$$

Бу ҳолда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири:

$$\Delta Y_{X_1} = X_2^0 \times \Delta X_1 + \left(\frac{1}{2} \Delta X_1 \times \Delta X_2 \right)$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири:

$$\Delta Y_{X_2} = X_1^0 \times \Delta X_2 + \left(\frac{1}{2} \Delta X_1 \times \Delta X_2 \right)$$

Юқоридаги формулаларга асосан, натижа кўрсаткичларига омиллар таъсирини ҳисоблашни аниқ мисолларда кўриб чиқамиз. Масалан, маҳсулот ҳажмига ишлаб чиқариш фондлари ва улар самарадорлигининг таъсирини ҳисоблаш талаб қилинсин (*11-жадвал*).

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида натижанинг ўзгаришига омиллар таъсирини интеграл усулида аниқлаш мумкин.

1. Ялпи маҳсулотнинг асосий фондлар ўртача йиллик қиймати таъсири эвазига ўзгариши 668,5 минг сўмни ташкил қилди.

Ялпи маҳсулотга асосий фондлар ва улар самарадорлигининг таъсирини интеграл усулида аниқлаш

Кўрсаткичлар	Шартли белгилари	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+, -)
Ялпи маҳсулот, минг сўм	М	43420	45850	+2430
Асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	АФ	47115	47825	+710
Фондлар самарадорлиги (бир сўм фондга тўхри келадиган ялпи маҳсулоти), тийин	ФС	92,16	95,87	+3,71

$$\Delta M_f = 710 \times 92,16 + \frac{710 \times 3,71}{2} = +668,5 \text{ минг сўм.}$$

2. Ялпи маҳсулотнинг фондлар самарадорлиги таъсири эвазига ўзгариши 1761,5 минг сўмни ташкил қилди:

$$\Delta M_{fs} = 3,71 \times 47115 + \frac{710 \times 3,71}{2} = +1761,5 \text{ минг сўм.}$$

Икки омилнинг таъсири биргаликда ялпи маҳсулотнинг умумий фарқини беради $668,5 + 1761,5 = +2430$ минг сўм.

Натижа ўзгариши учта омилга боғлиқ бўлган шароитда интеграл усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, «У» натижа X_1, X_2, X_3 омиллар ўзгаришига боғлиқ бўлса, тенглама қуйидагича бўлади:

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3.$$

Бу ҳолда натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири (ΔU_{X_1}) қуйидагича аниқланади:

$$\Delta U_{X_1} = \frac{1}{2} \Delta X_1 (X_2^0 \times X_3^1) + (X_1^2 \times X_3^1) + \frac{1}{3} (\Delta X_1 \times \Delta X_2 \times \Delta X_3)$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини (ΔU_{X_2}) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta U_{X_2} = \frac{1}{2} \Delta X_2 (X_1^0 \times X_3^1) + (X_1^1 \times X_3^0) + \frac{1}{3} (\Delta X_1 \times \Delta X_2 \times \Delta X_3)$$

Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини (ΔU_{X_3}) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta U_{X_3} = \frac{1}{3} \Delta X_3 (X_1^0 \times X_2^1) + (X_1^1 \times X_2^0) + \frac{1}{3} (\Delta X_1 \times \Delta X_2 \times \Delta X_3)$$

Ушбу назарий усулни аниқ маълумотлар қўллаб амалиётда фойдаланиш йўлини кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, товар захирасининг айланиш тезлиги савдо залида банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги (X_1), уларнинг умумий ходимлардаги улуши (X_2) ва товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлиги (X_3) га боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланади:

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3.$$

Ушбу боғлиқлик амалий маълумотлар ёрдамида қуйидаги жадвалда кўриб чиқилади (12-жадвал).

12-жадвал

Товар захиралари айланиш тезлигига таъсир этувчи омилларни интеграл усул билан аннқлаш йўллари

Кўрсаткичлар	Шартли белгилари	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+, -)
1. Савдо зали ходимларининг меҳнат унумдорлиги, минг сўм	X_1	120,5	122,1	+1,6
2. Савдо зали ходимларининг умумий ходимлардаги улуши, %	X_2	65,2	63,4	-1,8
3. Товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлиги, киши	X_3	40,5	42,1	+1,5
4. Товар захираларининг айланиш тезлиги, марта (1қ×2қ×3қ)	Y	3,18	3,26	+0,08

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар захираларининг айланиш тезлигига савдо зали ходимларининг меҳнат унумдорлиги, савдо зали ходимларининг умумий ходимлар сонидagi улуши ва ходимларнинг товар захиралари билан таъминланганлиги таъсир кўрсатади. Ушбу омилларнинг товар захираларининг айланиш тезлигига таъсирини топиш учун юқорида келтирилган боғла-нишдан ва интеграл усулидан фойдаланилади.

1. Савдо зали ходимларининг меҳнат унумдорлиги ошиши товар захиралари айланиш тезлигини 0,05 марта оширган:

$$\begin{aligned}\Delta Y_{x_1} &= \frac{1}{2} \times 1,6(65,2 \times 12,1 + 63,4 \times 40,5) + \frac{1}{3} \times 1,6(-1,8) \times 1,5 = \\ &= 0,8 \times (2744,92 + 2567,7) - 1,44 = 0,8 \times 5312,62 - \\ &- 1,44 = 4250,1 - 1,44 = 4248,7 \text{ ёки } 0,05 \text{ марта.}\end{aligned}$$

2. Савдо зали ходимларининг умумий ходимлар сонидаги ҳиссасининг камайиши ўрганилаётган кўрсаткични режага нисбатан 0,09 мартага камайтирган:

$$\begin{aligned}\Delta Y_{x_2} &= \frac{1}{2} \times (-1,8)(120,5 \times 42,1 + 122,1 \times 40,5) + \frac{1}{3} \times 1,6(-1,8) \times 1,5 = \\ &= 1,9 (5073,05 + 4945,05) - 1,44 = -0,9 \times 10018,1 - \\ &- 1,44 = -9016,29 - 1,44 = -0,9 \times 10018,1 - 1,44 = \\ &= -9016,29 - 1,44 = -9017,7 \text{ ёки } -0,09.\end{aligned}$$

3. Товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлигининг ошиши товар захиралари айланиш тезлигини ҳам 0,12 мартага оширган:

$$\begin{aligned}\Delta Y_{x_3} &= \frac{1}{2} \times 1,5(120,5 \times 63,4 + 122,1 \times 65,2) + \frac{1}{3} \times 1,6(-1,8) \times 1,5 = \\ &= 0,75 (7639,7 + 7960,2) - 1,44 = 0,75 (15600,62 - \\ &- 1,44) = 11700,5 - 1,44 = 11699,0 \text{ ёки } 0,12 \text{ марта.}\end{aligned}$$

Ҳамма омилларнинг йиғиндиси натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\begin{aligned}\Delta Y &= \Delta Y_{x_1} \pm \Delta Y_{x_2} \pm \Delta Y_{x_3} = 0,05 - 0,09 + 0,12 = \\ &= +0,08 \text{ марта.}\end{aligned}$$

Амалда натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликлар касрли бўлиши ҳам мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлиги (Y) товар оборотининг ҳажми (X_1) ва ходимлар сони (X_2) билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳолда қуйидаги тенглама келиб чиқади:

$$y = \frac{X_1}{X_2}.$$

Ушбу формулага интеграл усулини қўллаб натижага биринчи омилнинг, яъни товар обороти ўзгаришининг таъ-

сирини аниқлаш лозим бўлса, қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Y_{X_1} = \left(\frac{\Delta X_1}{\Delta X_2} \right) \times \ln \left(\left| \frac{X_2^0}{X_1^0} \right| \right)$$

Натижанинг иккинчи омил эвазига ўзгаришини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Y_{X_2} = \Delta Y - \Delta Y_{X_1}.$$

Жуда кўп ҳолларда ишлаб чиқариш корхоналарида рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашга тўғри келади. Бу боғлиқликни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$Y = \frac{X_1}{X_2 + X_3},$$

бунда: Y — рентабеллик даражаси; X_1 — фойда суммаси; X_2 — асосий капиталнинг ўртача қиймати; X_3 — айланма капиталнинг ўртача қиймати.

Ушбу формулага асосан рентабеллик даражасига барча омилларнинг таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Рентабеллик даражасининг фойда суммаси эвазига ўзгаришини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Y_{X_1} = \frac{\Delta X_1}{\Delta X_2 + \Delta X_3} \ln \left(\left| \frac{X_2^1 + X_3^1}{X_2^0 + X_3^0} \right| \right)$$

2. Рентабеллик даражасининг ўзгаришига асосий капиталнинг таъсирини (ΔY_{X_2}) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\Delta Y_{X_2} = \frac{\Delta Y - \Delta Y_{X_1}}{\Delta X_2 + \Delta X_3} \times \Delta X_2.$$

3. Айланма маблағлар (капитал) суммаси ўзгаришининг рентабеллик даражасига таъсирини топиш учун (ΔY_{X_3}) қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{X_3} = \frac{\Delta Y - \Delta Y_{X_1}}{\Delta X_2 + \Delta X_3} \times \Delta X_3.$$

Умумий натижанинг ўзгариши (ΔU) шу учта омил таъсирига тенг бўлиши керак:

$$\Delta U = \Delta U_{x_1} \pm \Delta U_{x_2} \pm \Delta U_{x_3}.$$

Шуни таъкидлаш лозимки, интеграл усули анча мураккаб бўлиб, кўпроқ меҳнат ва ортиқча харажатлар талаб қилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, омиллар бўйича фарқ унчалик катта бўлмаган тақдирда, яъни 10% гача бўлганда интеграл усули билан аниқланган омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлангани каби деярли фарқ қилмайди. Бундай ҳолларда, ишни осонлаштириш мақсадида занжирли алмаштириш усулидан бемалол фойдаланиш мумкин. Агар омиллар кетма-кетлиги тўғри аниқланиб қўйилган бўлса, барча ҳолларда ҳам занжирли алмаштириш усулидан бемалол фойдаланавериш мумкин.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан асосий мақсад ҳар бир ишлаб чиқарувчи, хизмат қилувчи ёки бошқа фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган ички имкониятларни ахтариб топишдан иборатдир. Бу таҳлилда қўлланиладиган барча усуллар билан ҳам аниқланиши мумкин. Бироқ таҳлилчи қайси усулни қачон қўллашни яхши билиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, таҳлилда қўлланиладиган усулларни мукамал ўзлаштириб олишни тақозо қилади.

Келажақда таҳлилни такомиллаштириш фақат унда қўлланиладиган усулларни такомиллаштириб қолмасдан, балки фаолиятни тўғри ифодалайдиган кўрсаткичларни ҳам такомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шаклланаётган бир пайтда иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ўзгармоқда. Миллий ҳисоб тизими, бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари жорий қилинмоқда. Амалиётда эса шуларга мос кўрсаткичлар вужудга келмоқда. Булар эса бухгалтерия ва статистик ҳисоботлардаги кўрсаткичлар тизимига ҳам тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо қилмоқда.

2.2.9. Кичик сонлардан фойдаланиш усули. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий — хўжалик фаолиятини тўғри ва ҳаққоний баҳолаш лозимлигини ҳаёт тақозо қилмоқда. Олдинги режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий фаолият натижасини баҳолашнинг асосий мезони умумлашган

кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилиши эди. Эндиликда фақат бундай кўрсаткичлар билан натижага тўғри баҳо бериб бўлмайди. Бу камчиликни бартараф қилиш учун таҳлилда қўлланиладиган кичик сонлар усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу усулнинг моҳияти шундаки, агар фирма бирданига бир қанча фаолият билан шуғулланаётган бўлса, ёки бир қанча маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса ҳаммасидан фойда олиши, манфаатдор бўлиши лозим. Акс ҳолда, ҳозирги шароитда бир қисм фаолият самарасиз бўлади, у фақат фирмага зарар келтиради. Масалан, фирма 5 та фаолият билан шуғулланади деб фараз қиламиз. Унинг натижаси қуйидагича (13-жадвал).

13-жадвал

**Фирма шуғулланаётган фаолият бўйича молиявий
натижанинг ҳолати**

(минг сўм)

Фаолият турлари	Сотиш қиймати (даромад)	Таннархи (харажатлар)	Фойда + (зарар)	Ҳисобланган харажати (таннархи)
1. Кийим тикиш	48530	41371	+7159	41371
2. Мева шарбати ишлаб чиқариш	22450	23542	-1092	22450
3. Савдо	51230	56213	-4983	51230
4. Майший хизмат	4150	3186	+965	3186
5. Биноларни таъмирлаш	11342	10111	+1231	10111
Жами:	137703	134423	+3280	128348

Фирма шуғулланадиган бешта фаолият бўйича 3280 минг сўм фойда олишга муваффақ бўлган. Умуман олганда бу кўрсаткич ёмон натижа эмас. Аммо фирма шуғулланаётган бешта фаолиятнинг иккитаси зарар билан яқунланган. Оқибатда бу зарар қолган учта фаолият эвазига қопланиб кетилган. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай натижа билан тугалланиши мақсадга мувофиқ эмас. Фирма ёки бошқа хўжалик субъекти ҳозирги шароитда ҳар қандай фаолиятдан фойда олиши лозим. Шу туфайли ушбу таҳлил қилаётган фирмани 3280 минг сўм фойда олиб ишлапти дейиш нотўғри бўлади. Бу фойда замирида унинг қилган зарарлари ҳам

қопланиб кетилган. Шу туфайли бу жараёндан тўғри хулоса чиқариш учун кичик сонлар усулини қўллаб ечамиз.

Фирма кийим тикиш бўйича яхши ишлаган. Худди шундай ҳол маиший хизмат ва биноларни таъмирлашда ҳам содир бўлган. У ҳолда сотилган маҳсулот харажатга нисбатан кўп бўлганлиги туфайли кичик сонлар билан ҳисобланиши зарур бўлган суммага харажатлар суммасини оламиз. Мева шарбати ишлаб чиқаришда ва савдода харажатлар кўп бўлган. Уларни сотиш қиймати даражасида бўлиши керак эди деб фараз қиламиз ва шу тур фаолиятлар бўйича харажатларни сотиш қиймати миқдорида оламиз. Ҳаммаси қўшилиб чиқилади ва аниқланган суммасини ҳақиқий харажат билан солиштириб кўрилса бошқа фаолият эвазига қанча харажат қопланганлиги аниқланади. Бизнинг мисолимизда бу миқдор 6075 минг сўми (134423–128348) ташкил қилади, яъни иккита зарар билан ишлаётган фаолиятнинг 6070 минг сўм харажати (1092+4983) қолган учта фаолият эвазига қопланганлиги аниқланади.

Ушбу усул орқали фирма фаолияти мавжуд бўлган ички имкониятлар аниқланади. Агар ушбу фирма шу икки фаолият бўйича зарар кўрмай ишлаганда, яъни унинг фаолиятининг фойдалилик нуқтаси нолга тенг бўлганда қанча фойда олиш лозимлигини аниқлаш мумкин. Бу ҳолда фирма 3280 минг сўм эмас, балки 9355 минг сўм (137703–128348) фойда олиш мумкин экан.

Кичик сонларни режа бажарилишида ҳам қўллаш мумкин. Фирма 4 та маҳсулот ишлаб чиқаради деб фараз қиламиз. Бу бўйича фирма қуйидагича натижага эга (14-жадвал).

14-жадвал

Фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича бизнес режасининг бажарилиши

(минг сўм)

Маҳсулот турлари, номлари	Режада	Ҳақиқатда	Режа ва ҳақиқатдаги кичик сонлар	Режанинг бажарилиши
Ўсимлик ёғи	5000	5000	5000	100,0
Совун	6000	6100	6000	101,7
Кунжара	7000	6800	6800	97,1
Сариқ ёғ	4000	4150	4000	103,8
Жами:	22000	24050	21800	109,3

Ушбу фирмада режа 109,3 фоизга бажарилганлиги ушбу жадвал натижасидан кўриниб турибди. Аммо кунжара бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 2,9 фоиз бажарилмаганлиги туфайли умумий кўрсаткичнинг миқдори 99,1 фоизни ташкил қилади.

$$(21800 : 22000) \times 100 = 99,1\%$$

2.3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделларнинг типлари

Иқтисодий таҳлил жараёнида жуда кўп математик моделлар қўлланилади. Уларнинг кўп учрайдиганлари қуйидагилардир: аддитив модель, мультипликатив модель, касрли модель.

Аддитив модель натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланганда қўлланилади. Масалан, «У» натижа бир қанча омиллар (X_1, X_2, \dots, X_n) йиғиндисидан иборат деб фараз қиламиз. У ҳолда аддитив моделнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Y = \sum_{i=1}^n X_i = X_1 + X_2 + X_3 + \dots + X_n,$$

бунда: Σ — йиғинди белгиси; i — омилларнинг тартиб сони ($i = 1, n$); n — омилларнинг умумий сони; X_i — i — омилнинг номи.

Ушбу модель амалиётда жуда кўп қўлланилади. Масалан, акциядорлик жамиятларига қарашли корхоналар ишлаб чиқарган товар маҳсулотларининг ҳажми, уларда банд бўлган ишчи ва хизматчиларининг умумий рўйхатдаги сони ва ҳоказо. Фараз қиламиз ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятига 10 та кичик корхона қарайди. Уларнинг ҳар бири ҳар хил ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарган. Барча ишлаб чиқарган маҳсулотни аниқлаш учун аддитив моделдан фойдаланганда қуйидаги формулага эга бўлинади:

$$Y = \sum_{i=1}^{10} X_i = X_1 + X_2 + X_3 + \dots + X_{10} \quad (i = \overline{1, 10})$$

Мультипликатив модель ҳам таҳлилда кенг қўлланилади. Бу модель натижа билан омилнинг ўртасидаги боғлиқ-

лик кўпайтириш билан ифодаланганда қўлланилади. Масалан, «У» натижа бир қанча омиллар ($X_1, X_2, X_3, \dots, X_n$) кўпайтмасидан иборат деб фараз қиламиз. У ҳолда мультипликатив моделнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Y = \prod_{i=1}^n X_i = X_1 \times X_2 \times X_3 \times \dots \times X_n \quad (i = \overline{1, n})$$

бунда: Π — кўпайтириш белгиси; i — омилларнинг тартиб сони; ($i = \overline{1, n}$); n — омилларнинг умумий сони; X_i — i — омилнинг номи.

Ушбу модель ҳам таҳлилда кенг қўлланилади, чунки жуда кўп натижа амалиётда омилнинг кўпайтмасидан иборат бўлади. Масалан, товар оборотининг ҳажмига таъсир қилувчи моддий техника базаси билан боғлиқ омилларни олайлик. Унга савдо шахобчаларнинг сони (Ш), ҳар бир савдо шахобчасига тўғри келадиган савдо майдони (Мш), ҳар бир кв.м савдо майдонига тўғри келадиган товар обороти (Тм) таъсир қилади. Натижа билан ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$T = Ш \times Мш \times Тм.$$

Агар ҳар бир омилни мос равишда кетма-кет X_1, X_2, X_3 деб белгиласак, бу ҳолда мультипликатив моделнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Y = \prod_{i=1}^3 X_i = X_1 \times X_2 \times X_3 \quad (i = \overline{1, 3})$$

Касрли модель ҳам таҳлилда кенг қўлланиладиган моделлардан. У асосан натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланганда қўлланилади. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумки. Масалан, меҳнат унумдорлиги товар обороти ҳажмининг ходимларнинг рўйхатдаги сонига нисбати билан аниқланади. Рентабеллик даражаси фойда суммасининг товар оборотига нисбати билан аниқланади. Фондларнинг самарадорлиги товар оборотини фондларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш билан аниқланади ва ҳоказо.

Бундай ҳолларда касрли модель бир қанча кўринишга эга бўлади:

$$y = \frac{X_1}{X_2} \quad y = \frac{\sum_{i=1}^n X_j}{\sum_{i=n}^n X_i} \quad y = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{\prod_{i=1}^n X_i}$$

$$y = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n} \quad y = \frac{\prod_{i=1}^n X_i}{\prod_{j=1}^n X_j} \quad y = \frac{X_i}{\sum_{i=1}^n X_i}$$

Касрли моделда бир вақтнинг ўзида ҳамма модель турлари қўлланилиши мумкин. Баъзан суръатда аддитив модель бўлса, махражида мультипликатив модель бўлиши мумкин. Суръатида мультипликатив модель бўлиши махражида битта омил ҳам иштирок этиши мумкин. Амалиётда суръатида ҳам, махражида ҳам бир хил моделлар иштирок этишлари мумкин.

2.4. Ҳозирги босқичда таҳлил усулини такомиллаштириш масалалари*

Иқтисодий ислоҳот кенг қамровли жараён. У барча соҳаларни ўз ичига олади, чунки Ўзбекистон иқтисодиёти ислоҳотлар натижасида янгилашиш даврини бошидан кечирмоқда. Янгилашни таъмирлаш йўли билан амалга ошириш қийин. Ҳозирги ислоҳотлар фақат иқтисодий муносабатларни такомиллаштириб қолмасдан, балки унинг барча механизм ва дастакларини тубдан янгилашни талаб қилади.

Ўзбекистонда иқтисодий муносабатлар узоқ йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик асосида режани бажаришга қаратилган, марказдан тақсимлаш ва молиялаштириш таъминоти асосланган ҳолда шаклланган. Бунда давлат ҳам, буюртмачи ҳам, харидор ҳам сотиб олувчи ва таъминловчи ролини ўйнаб келди. Нима етиштирилса давлатга топширилар ва нима керак бўлса давлатдан олинар эди. Энди нима етиштирсангиз давлат учун эмас, балки бозор учун, нима керак бўлса давлатдан эмас, бозордан олинадиган

* Ушбу параграф А.А.Абдиев билан ҳаммуаллифликда бажарилган.

бўлинди. Бу эса барчамизнинг қонимизга сингиб қолган. боқимандалик кайфиятидан қутулишни талаб қилмоқда, аммо бу иллатдан қутулиш жуда қийин кечмоқда.

Маъмурий бўйруқбозлик янги бозор иқтисодиёти шароитига ёт тушунча. Давлат томонидан молиялаштириш бу шароитга мос келмайдиган жараён. Ҳар бир корхонанинг давлат билан иқтисодий муносабати фақат солиқ орқали амалга оширилади. Корхоналар давлатга маҳсулот етиштириб бермайди, балки фақат фаолияти натижасидан солиқ тўлайди, холос. Шу орқали корхонанинг иш ҳажми, даромади, фойдаси ҳисоб-китоб қилинади. Давлат хўжалик ҳисобидаги бирорта корхонани молиялаштирмайди. У фақат кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ўз тасарруфидаги соҳаларни маблағ билан таъминлаш билан шуғулланади. Ислоҳотлар даврида ана шу иқтисодий муносабатларга мос меҳнаткашлар руҳиятини ҳам шакллантириш лозим. Шу туфайли бу борадаги ишни ҳар томонлама кенг қамровда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу албатта ўта мураккаб, ўта қийин жараён. Шу туфайли ислоҳотлар ечимини фақат давлат раҳбарлигидан кутиб ўтириш ярамайди. Бунда ҳамма кучларни (олимлар, мутахассислар, давлат арбоблари, партия ва бошқа жамоат ташкилотлари) бирлаштириш лозим.

Ислоҳотни тўлақонли амалга ошириш учун фақат иқтисодий муносабатларни янгилаш етарли эмас. Балки, унинг барча дастак ва механизмларини ҳам янгилаш лозим. Бунда биз Ўзбекистонда миллий ҳисоб тизимининг ва халқаро андозаларга асосланган бухгалтерия ҳисобининг шаклланишини кўзда тутаяпмиз. Иқтисодий муносабатлар жаҳон андозаси даражасига кўтарилаяптими, унинг ўлчами, баҳолаш мезонлари ҳам жаҳон андозалари даражасига кўтарилиши лозим.

Албатта бу борада республикамизда анча ишлар қилинмоқда, аммо булар, фикримизча, ҳали етарли эмас. Ҳозир Ўзбекистонда миллий ҳисоб тизимига ўтиш бўйича давлат дастури қабул қилинган. Лекин бу ишнинг бажарилиши фақат махсус идораларда амалга оширилмоқда. Лекин бу муҳим тадбир омма иштирокида кенг кўламда олиб борилаяпти. Бу ҳақда тегишли матбуотда ва оммавий ахборот воситаларида (ОАВ) ҳам атрофлича эълон қилинган эмас. Бу эса белгиланган дастурнинг яхши амалга ошиши

учун сунъий равишда қўйилаётган тўсиқдир. Бу борадаги олимларнинг, кенг жамоатчиликнинг баъзи асосли фикрлари четда қолиб кетмоқда.

Иқтисодий ислохотнинг асосий мақсади меҳнаткашлар ва аҳолининг барча қатламлари бўйича уларнинг турмуш фаровонлигини оширишдан ва Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдан иборатдир. Бу эса энг аввало галла, хом ашё, нефть ва бошқа қувват берувчи маҳсулотлар бўйича мустақилликка эришганлигида намоён бўлади. Шу туфайли иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлларини ҳам ишлаб чиқиш ислохотларни жадаллаштиришнинг асосий омилларидан биридир.

Ислохотни жадаллаштиришнинг асосий йўлларидан бири ички имкониятларни ахтариб топиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборатдир. Бу эса иқтисодиётимиздаги барча жараёнларни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Аммо бу борада ҳали ечимини кутаётган кўп муаммолар мавжуд.

Таҳлилни жаҳон андозаси даражасига кўтариш муаммоси. Бу ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилда қўлланилаётган кўрсаткичларни миллий ҳисоб тизими кўрсаткичларига мослаштиришни талаб қилади. Бунинг учун энг муҳим муаммолардан бири микро ва макро таҳлил кўрсаткичларини ишлаб чиқариш, уларнинг боғлиқлиги ва хусусиятларини аниқлашдан иборатдир. Бу ўз навбатида бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни улардаги кўрсаткичларни миллий ҳисоб тизимига мослаштиришни талаб қилади.

Молия ва бошқарув таҳлилни шакллантириш муаммоси. Бу учун тегишли имкониятлар яратилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозага ўтиши, бу бўйича миллий андозаларнинг ишлаб чиқилиши молиявий ва бошқарув ҳисобининг шаклланишини ҳам талаб қилади. Бу эса ўз навбатида молиявий ва бошқарув таҳлилининг ҳам вужудга келишини тақозо қилади. Шу жиҳатдан молиявий таҳлил методологияси шаклланмоқда. Аммо бошқарув таҳлили ҳозирги эркин иқтисодиётга мос тарзда шаклланган эмас. Таҳлилинг усулларини ҳам ўз иқтисодиётимиз хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазмунан янгича ишлаб чиқиш лозим.

Навбатдаги муаммо, **таҳлилни эркин рақобат шароитига**

мослаштириш муаммоси. Бу шароит ҳам иқтисодий таҳлил усулларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги мавжуд таҳлилдан ички (тижорат сирини сақлай оладиган) ва ташқи (корхонанинг фаолиятини кўз-кўз қила оладиган) таҳлилни шакллантириш, уларнинг кўрсаткичларини ва таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Таҳлилнинг усулларини такомиллаштиришда фақатгина рақамларга таяниб қолмасдан унга мантиқан ёндошиш усулларини (эвристик усул) ҳам жорий қилиш лозим деб ўйлаймиз, чунки бозор иқтисодиёти жараёни ҳамиша кутилмаган ҳодисаларни, кўзда тутилмаган жараён ва муносабатларни келтириб чиқариши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг, ҳар бир кўрсаткичи бўйича **режа кўрсаткичини аниқлаш муаммоси** пайдо бўлади.

Эндиликда режа кўрсаткичи олдингидек кўр-кўрона юқоридан берилмайди, балки ҳар бир корхона ўз режасини ўзлари тузадилар. Буни қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш ҳозирги кунда жуда муҳим бўлиб турибди. Корхонанинг бизнес режасини тузганда режанинг реаллигини таъминлаш лозим. Бу учун ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мезон қилиб «Фойдалилик нуқтасини» олишни тавсия қиламиз.

Фойдалилик нуқтаси корхонанинг узлуксиз фаолият кўрсатиб туриши учун унинг барча харажатларини қоплайдиган даражасида ишлаб чиқариш ҳажмига эришишдир. Масалан, корхонанинг бир ойда доимий қиладиган харажатини 100 минг сўм, деб фараз қиламиз. Бу харажатни қоплаш учун корхона 220 минг сўм маҳсулот ишлаб чиқариши лозим. Бунинг 100 минг сўми доимий харажатни қоплаш учун кетса, қолган 120 минг сўми ўзгарувчи, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатни қоплашга сарф қилади. Бу сумма корхонанинг харажатларини тўлиқ қоплайди. Демак, бу рақам ушбу корхона учун фойдалилик нуқтаси деб қабул қилиниши мумкин. Агар маҳсулот ишлаб чиқариш шу рақамдан ошса, ўзгарувчи харажатларни қоплашдан қолган қисми фойдани ташкил қилади.

Фараз қиламиз, ишлаб чиқариш ҳажми 250 минг сўмни ташкил қилди. Бу қуйидагича тақсимланади: 100 минг сўмни

доимий харажатни қоплашга, 120 минг сўмни фойдалилик нуқтасида бўлган ўзгарувчи харажатни қоплашга кетади. Қолган 30 минг сўмнинг ярми шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган ўзгарувчи харажатларни қоплашга сарф қилинади. Қолган қисми эса, яъни 15 минг сўми (30:2) фойда суммасини ташкил қилади. Фойдани кўпайтириш учун маҳсулотни фойдалилик нуқтадан кўп ишлаб чиқармоқ лозим. У қанча кўп бўлса, фойда суммаси ҳам шунча кўпаяди. Бозор иқтисодиёти шароитида шу фойдалилик нуқтани ҳар бир корхона учун асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдалилик нуқтани топиш учун корхонанинг доимий ва ўзгарувчи харажатларини олдиндан билишни, уларни камайтириш йўллари аниқлашни талаб қилади. Шунга қараб фақатгина маҳсулотни ишлаб чиқариш эмас, балки уни сотишни ҳам аниқлаш лозим. Бу эса корхонадан бозорни ўрганишни талаб қилади, яъни унинг маркетинг фаолиятини такомиллаштириш зарурати туғилади.

Таҳлилда иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларини жорий қилиш муаммоси. Ҳозирга қадар иқтисодиётда режанинг бажарилиши ҳисобланиб, бу корхонанинг фаолиятига бериладиган баҳога асос бўлиб келинмоқда. Аммо режанинг реаллиги режали иқтисодиёт даврида ҳам, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ҳам, илмий жиҳатдан асосланишига ҳам эътибор берилиб келинган ва шу ҳолат сақланиб қолинмоқда. Шу туфайли унинг корхона фаолиятини баҳолаш учун асосий мезон қилиб олишга ҳеч қандай асос йўқ. Эндиги вазифамиз иқтисодий аҳволни йилдан йилга яхшилашдан, унинг узлуксиз барқарор равишда ошиб боришини таъминлашдан иборатдир. Шу туфайли корхона фаолияти натижасини баҳолашда режа бажарилиши ўрнига иқтисодий ўсиш кўрсаткичинини қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Иқтисодий ўсишни аниқлаш учун микро иқтисодиётда, миллий ҳисоб тизими шаклланаётган шароитда, қайси кўрсаткичларни олиш лозимлигини ҳам белгилаш яна бир ўзига хос муаммодир.

Ушбу муаммоларнинг республикамиз миқёсида ҳал бўлиши амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолади. Буни амалга ошириш учун республикадаги барча кучларни бирлаштириш лозим.

3-боб. КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ (ПОТЕНЦИАЛИ) ТАҲЛИЛИ

3.1. Корхона иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) баҳолашнинг назарий ва методологик муаммолари

Мустақиллик даврида ўтаётган ҳар бир кун жамияти-мизнинг мазмун жиҳатидан янгиланаётганлигидан далолат бериб келмоқда. Янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, методологик муаммоларни ҳал қилишга кўпинча улгуриш қийин бўлмоқда. Бундай янги иқтисодий тушунчалардан бири корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) тушунчасидир.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий — ҳўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосан унинг тасарруфидаги активларни ўрганиш билан чекланиб қолмоқда¹. Бу, бизнинг фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш учун назарий ва методологик жиҳатдан етарли эмас. Чунки корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб-чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун албатта модий-техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, хом ашё кабилар зарур. Аммо ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли хом ашё ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга албатта

¹ Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисобтни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. Волжин И.О., Ергашбаев В.В. Молиявий таҳлил.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998. Ҳасанов Н., Нажбитдинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш муаммолари ва уларни ҳал қилиш.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия.— Минск: ИП «Экоперспектива», 1997.

одамнинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг муштараклиги ва иштироки зарур.

Демак, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим экан. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса корхонанинг барча харажатларини қоплаб фойда олишини таъминлайди. Шундагина ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади амалга ошади.

Бундан кўриниб турибдики иқтисодий таҳлилда фақатгина бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашган корхона тасарруфидаги моддий бойликларни (активларни) таҳлил қилиш билан чегараланиб қолиш, унинг иқтисодий фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса қилиш учун етарли эмас экан. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурсларини ҳам кўшган ҳолда таҳлил қилишни тақозо қилади.

Режали иқтисодиёт шароитида таҳлилга оид адабиётларда² корхонанинг моддий бойлигини (ресурсларини) ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қаралиши кўзда тутилган эди. Уларнинг таҳлили барча бойликлар (ресурслар) таҳлили, деб юритилар эди. Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Буларнинг таркибига муаллифлик ҳуқуқи, патентлар, ноу-хау, савдо маркаси, рухсатномалар (лицензиялар) каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасида корхонага худди моддий бойликлар сингари маълум даражада фойда келтиради. Аммо уларни корхонанинг моддий бойлигига (ресурсига) киритиш мумкин эмас, чунки улар шакли, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан номоддийдир.

² Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория анализа хозяйственной деятельности.— М.: Финансы и статистика, 1994, 241 бет. Кравченко Л.И. Экономический анализ деятельности предприятий торговли и общественного питания.— Минск: Вышэйшая школа, 1997, 317-333 бет. ва ҳоказо.

Эндиликда корхонада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириши учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб аташ етарли бўлмайди, чунки уларнинг таркибига номоддий активлар кирмайди. Шу туфайли уларни корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) деб аташни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслари тўлиқ ўз ифодасини топади. Буларнинг таркибий тузилишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин (12-чизма).

12-чизма

Корхона иқтисодий салоҳиятининг (потенциалининг) тузилиш тартиби



Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир этилган иқтисодий жараённи тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий активлар тушунилади.

Иқтисодий таҳлил аниқ ва амалий фан бўлганлиги туфайли ундаги қўлланадиган барча тушунчалар ва кўрсаткичларнинг номи, мазмуни ва қиймати мавҳум бўлмасдан аниқ, ҳисобланадиган, маълум бир соҳани ўзида ифода этадиган бўлиши лозим. Ушбу назарий мулоҳаза бевожита корхонанинг иқтисодий салоҳиятига (потенциалига)

ҳам тегишли. Шу туфайли уни баҳолашнинг баъзи назарий ва методологик жиҳатларига, иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан, эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

3.2. Корхона иқтисодий салоҳияти таркиби ва унинг умумий ҳажмини баҳолаш йўллари

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциалини) (Кис) баҳолашда, энг аввало, иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, уни қиймати ва харажати нуқтаи назаридан аниқлаш лозим, деб ўйлайман. Ушбу кўрсаткичнинг тўлиқ қийматини баҳолашда асосан бухгалтерия баланси маълумотларидан фойдаланилади. Бу учун бухгалтерия балансидаги асосий восита (Ав), айланма маблағлар (Айм) ва номоддий активларнинг (На) умумий суммаларини ҳамда ҳисоб-китоб орқали аниқланган ишчи ва хизматчиларнинг пулда ифодаланган қийматини (Хк) олиш мумкин.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий потенциалини таҳлил қилишда ҳўжалик фаолиятида содир бўладиган иқтисодий жараёнида иштирок этадиган барча моддий ресурслар (асосий ва айланма маблағлар), номоддий активлар ва меҳнат ресурслари биргаликда муштарак ҳолда ўрганилади. Моддий ресурслар ва номоддий активлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ифодаланади, аммо меҳнат ресурслари эса бу ҳисобот таркибида кўрсатилмайди.

Фикримизча, молиявий ҳисоботда айниқса корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашда моддий ресурслар ва номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари қийматини ҳам инобатга олиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, унинг пулдаги ифодасини топишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда меҳнат ресурсининг баҳосини бемалол аниқлаш учун қонуний асос яратилган. Чунки Республикамизда оддий ишчидан тортиб то етук мутахассисгача уларни тайёрлаш харажати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу харажатлар ходим иш кучининг биринчи бошланғич «шартли баҳоси» бўлиб ҳисобланади. Сўнгра унинг малакасини ошириш, қайта ўқитиш учун харажат қилинса, булар ҳам унинг ушбу бошланғич

баҳосига қўшилади. Бундай қилиш зарурлигининг иккинчи томони шундаки, ҳозир кўпчилик мутахассисларни тайёрлаш корхона ҳисобидан пул тўлаш эвазига амалга оширилмоқда. Демак, корхона ўқишни битирган талабани ишга қабул қилса, унинг иш кучи қиймати шу корхона учун аниқ бўлади. Масалан, ходим корхона ҳисобидан 4 йил ўқиган. Биринчи йилда унинг ўқиши учун 200 минг сўм, иккинчи йилда 250 минг сўм, учинчи йилда 280 минг сўм, ва ниҳоят тўртинчи йилда 300 минг сўм пул тулаган деб фараз қилсак унинг «шартли баҳоси» 1030 минг сўмни ташкил қилади. Агар ходимнинг ўқиши давлат ёки шахсий ҳисобдан амалга оширилса, у ҳолда корхона мазкур ходимни ишга қабул қилиш билан ушбу харажатга тенглаштирган миқдорда унинг қийматини белгилаш мумкин. Бундан ташқари ҳар йили давлат томонидан диплом берилган бакалавр, мутахассис ёки магистрнинг «нархини» ҳам марказлашган тарзда аниқлаб эълон қилиб туришлари мумкин.

Ходимлар иш кучининг умумий қийматини пулда ифодалаш учун қуйидаги амални бажариш лозим. Биринчидан, барча ходимларни категорияларга бўлиб чиқади. Ҳар бир категориядаги ходимларни тайёрлашга кетган қиймати аниқланиб шу категория бўйича уларнинг умумий суммаси топилади. Иккинчидан, ҳар бир категория бўйича аниқланган суммаларни қўшиб ходимлар иш кучининг «шартли баҳосини» ифодаладиган жами суммасини топиши мумкин. Бу учун қуйидаги математик моделни қўллашни тавсия қиламиз:

$$X_k = \sum_{i=1}^n a_i + v_i,$$

бунда: X_k — ходимларни тайёрлашга кетган харажатларнинг жами суммаси; i — ходимлар категориясининг тартиб сони ($i = \overline{1, n}$); n — ходимлар категориясининг умумий сони; a_i — i — категория ходимларни тайёрлашга кетган харажатлар; v_i — i — категория ходимларнинг малакасини оширишга кетган харажатлар.

Энди корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг умумий қийматини аниқлаш мумкин. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\text{Кис} = \text{Ав} + \text{Айм} + \text{Нф} + \text{Хк},$$

бунда: Ав — асосий воситаларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати; Айм — айланма маблағларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати; Нф — номоддий активларнинг ўртача қиймати; Хк — ходимларнинг ўртача «шартли қиймати».

Агар ушбу формуладаги натижани «У» деб, омилларни $X_i \rightarrow p$ деб белгиласак, юқоридаги формуланинг математик кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = \sum_{i=1}^n x_i = X_1 + X_2 + X_3 + \dots + X_n.$$

Ушбу математик моделга таҳлилнинг анъанавий усулларини қўллаб амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижанинг ўзгаришини таъминловчи барча омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқса бўлади. Буни амалга ошириш учун бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботлар асосида корхона иқтисодий потенциалига кирувчи категорияларни алоҳида элементлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг таркибий тузилиши қуйидаги чизмада келтирилган (13-чизма).


Шундай қилиб ушбу чизмадаги кўрсаткичлар йиғиндиси корхона иқтисодий потециали суммасининг умумий ҳажмини ифодалайди. Аммо жорий йилда уларнинг қанча қисми ишлатилганлигини, қай даражада самарадорликка эришганлигини билиш учун шу таҳлил қилинаётган даврга тўғри келадиган қисмини ҳам аниқлаш лозим. Бу фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

3.3. Корхона иқтисодий салоҳиятини харажатлар нуқтаи назаридан баҳолаш усули

Иқтисодий таҳлилнинг афзаллиги шундаки, битта иқтисодий категорияни бир қанча ўлчамларда (қийматда, натурал миқдорда, ҳажмда ва ҳоказо) ифодалаш мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ҳам харажатлар нуқтаи назаридан жорий ва келтирилган харажатлари бўйича баҳолаш мумкин. Аммо бир қанча адабиётларда бу харажатлар фарқламасдан ишлатилади. Харажатлар масаласи

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг таркибий тузилиши



муаллифлар томонидан қаралганда ёки биринчиси, ёки фақат иккинчиси билан чекланиб қоладилар.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) келтирилган харажатлар ($Kп^{кx}$) нуқтаи назаридан ҳисоблаш унинг қанча қисми шу ҳисобот даврида янгидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киришини аниқлаш учун зарур бўлади. Бунда айланма маблағларнинг тўлиқ суммаси, асосий воситалар ва номоддий активларнинг шу жорий йил давомида эскириш суммасини ва ишчи ва хизматчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи (Mx) суммасини олиш мумкин. Буни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Kп^{кx} = (Aв \times Aн) + Aйм + (Hф \times Эн) + Mx,$$

бунда: $Aн$ — асосий воситаларнинг эскириши (амортизация) нормаси; $Эн$ — номоддий активларнинг эскириш нормаси; Mx — меҳнатга тўланадиган ҳақ суммаси.

Бу корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг жорий даврида ишлатилиши мумкин бўлган қийматини ифодалайди. Уни корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг келтирилган харажатлари деб ҳам аташ мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) жорий харажатда ифодалаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу унинг жорий йилда ишлатилиши эвазига қанча харажат кетганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич умуман олганда харажатлар таркибида ифодалангани. Масалан, савдо корхонасини оладиган бўлсак, ушбу харажатлар муомала харажатларида ўз ифодасини топади. Бироқ, муомала харажатлари таркибида фақат иқтисодий потенциалдан фойдаланиш учун эмас, балки бутун хўжалик фаолиятини юргизиш учун кетган харажатлар йиғиндиси ифодаланган. Шу туфайли иқтисодий потенциалдан фойдаланиш учун сарф қилинган жорий харажатлар миқдорини аниқлаш ҳам уларнинг самарадорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва бошқариш учун муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ шуни эътироф этиш керакки, муомала харажатлари таркибида иқтисодий мазмуни жиҳатидан унга кирмайдиган жуда кўп харажатлар мавжуд. Муомала харажатлари бевосита товар муомаласи билан боғлиқ харажат-

лардир. Бунга товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар кириши лозим. Аммо ҳозирги пайтда унинг таркибига «Фан ва техника тараққиёти фондига ажратмалар», «Савдо таваккали (риск) фондига ажратмалар», «Ер ва қурилиш солиғи» каби бир қанча муомала харажатларига даҳли йўқ ажратмалар киритилган.

Назарий жиҳатдан тўғри бўлиши учун ушбу харажат ва ажратмаларни алоҳида ифодалаш лозим. Бу эса савдо ташкилотларида «Муомала харажатлари тўғрисида»ги ҳисоботни ўзгартиришни тақозо қилади. Уни «Харажатлар тўғрисидаги ҳисобот» деб аташ мақсадга мувофиқ. Бу ҳисоботни икки қисмга бўлиш мумкин: муомала харажатлари ва бошқа харажатлар. Иккинчиси ҳам алоҳида моддалари бўйича ифодаланса харажатлар иқтисодий мазмуни жиҳатидан тўғри ифодаланган бўлади. Харажатларнинг бундай гуруҳларга бўлиниши, ҳозирги савдо корхоналарининг давлат тасарруфидан чиқиб асосан хусусийлаштирилган пайтида, нима учун керак деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавобан, таъкидламоқчимизки, бозор иқтисодиёти ўзбошимчалик эмас. Ҳар бир иқтисодий категория ёки уни ифодаловчи кўрсаткич қачонки микроиқтисодиётда тўғри ҳисобга олиб борилсагина жамият миқёсидаги макроиқтисодиётнинг тараққиётини тўғри аниқлаш ва унинг устуворлигини таъминлаш имконини беради. Бу эса ҳар бир кўрсаткич ва ходисаларни тўғри баҳолаш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Асосий воситалар (капитал) учун сарф қилинган жорий харажатларга (Авх) асосий воситалар амортизацияси; бинолар, жиҳозлар ва енгил машиналарни таъмирлаш ва ижарага бериш харажатлари; таъмирлашга кетган харажатлар; моддий неъматларни суғурта қилишга кетган харажатлар кириди.

Номоддий активлардан фойдаланганлик учун сарф қилинадиган харажатлар (Нфх) таркибига номоддий активларнинг таҳлил қилинаётган даврда ажратилган эскириш қиймати ва бошқа шу категория билан боғлиқ харажатлар кириди.

Айланма маблағлар учун сарф қилинган жорий харажат-

ларга (Амх) маҳсулотлар, хом ашё ва товарларни ташиш-га кетган харажатлар, банк муассасаларига тўланадиган фоиз суммаси, товарларни саралаш; ўраш ва сақлаш ҳамда совутгичларни таъмирлаш харажатлари, кам баҳоли ва тез емирилувчи нарсалар, махсус кийимлар ва идиш-товоқларнинг эскириши, нобуд бўлиши, идиш харажатлари кабилар кирази.

Меҳнат потенциалидан фойдаланганлик учун сарф қилинган жорий харажатларга (Хмх) меҳнат ҳақи харажатлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, кадрлар тайёрлаш, пенсия фондларига ажратмалар кирази.

Корхона иқтисодий потенциалини жорий харажатлар миқдори билан баҳолаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Ип^{*x} = Авх \times Амх + Нфх + Хмх.$$

Корхона иқтисодий потенциалини баҳолашда қўлланиладиган келтирилган ва жорий харажатлар суммаси уларнинг ишлатилиши ва қопланиш муддатларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Иқтисодий потенциалнинг қопланиш муддатини ($Ип_{км}$) аниқлаш учун иқтисодий потенциал суммасини ($Ип^k$) келтирилган харажатлар ($Ип^{kx}$) суммасига бўлиш мумкин:

$$Ип_{км} = Ип^k : Ип^{kx}.$$

Мисол тариқасида вилоятимиздаги жойлашган савдо акциядорлик жамиятлари бирининг маълумотларини келтириш мумкин. Ундаги иқтисодий потенциалнинг жами суммаси 74032,2 минг сўмни, келтирилган харажатлар суммаси 8510,0 минг сўмни ташкил қилади. Бу ҳолда корхона иқтисодий потенциалининг қопланиш муддати ҳақиқатда 8,7 йилга (74032,2:8510,0) тенг бўлади. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффициенти меъёри Ўзбекистон Республикасида 0,12 ҳолида сақланиб қоладиган бўлса, уни иқтисодий потенциалга ҳам тадбиқ этилса, у ҳолда унинг қопланиш муддати 8,3 йилни (1:0,12) ташкил қилиши лозим. Демак, таҳлил қилинаётган объекта иқтисодий потенциалнинг ҳақиқатда қопланиш муд-

дати меъёрга нисбатан 0,4 йилга (8,7–8,3) кўп эканлиги аниқланди.

Иқтисодий потенциалнинг ишлатилиш муддатини аниқлаш учун шартли равишда унинг умумий суммасини жорий харажатлари (Ип^{жх}) суммасига бўламиз, яъни:

$$\text{Ипим} = \text{Ип}^к : \text{Ип}^{\text{жх}}.$$

Таҳлил қилинаётган савдо акциядорлик жамиятида иқтисодий потенциалдан фойдаланганликнинг жорий харажатлар суммаси ҳақиқатда 4246,3 минг сўмни ташкил қилди. У ҳолда иқтисодий потенциалнинг ишлатилиш муддати 17,4 йилга (74032,2:4246,3) тенг бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, таҳлил қилинаётган объект иқтисодий потенциалнинг қиймати 17,4 йилда янги яратилган маҳсулотга ўз қийматини ўтказиб бўлар экан.

3.4. Корхона иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни таснифлаш ва аниқлаш йўллари

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва асосий вазифаларидан бири таҳлил қилинаётган объект ёки категорияни тўғри ва батафсил баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва методологик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти бу кенг қамровли ва теран тушунча. Унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун албатта кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш лозим. Аммо кўрсаткичлар сонининг кўплиги ёки озлигига қараб ўрганилаётган объект ёки категорияни баҳолаш учун етарли ёки кам деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўллари-ни ишлаб чиқиш лозим.

Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, энг аввало уларни илмий асосланган ҳолда таснифлаш лозим. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар жуда кўп белгилари билан таснифланади. Аммо биз ушбу ишда корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни фақат

иқтисодий мазмуни бўйича таснифини кўриб чиқамиз. Чунки кўрсаткичларни ушбу белгиси билан таснифлаш иқтисодий хулоса чиқариш учун етарли бўлади.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (*14-чизма*).

Чизмадан кўриниб турибдики, корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар талайгина. Уларнинг ҳар бири маълум миқдорга эга бўлмоғи ва таҳлил қилинаётган категориянинг у ёки бу жиҳатини ифодаламоғи лозим. Бу учун эса албатта аниқ ахборот маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


Маълумотларни шакллантиришда, тўплашда ва улардан фойдаланишда иқтисодий таҳлилнинг САҲТХОБ тамойилига таяниш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тамойилнинг мазмуни С — софлик, АҲ — ахборотларнинг ҳаққонийлиги, ТХ — тўғри хулоса ва ОБ — одилона бошқаришдан иборатдир. Бу борада бизнинг таклиф ва тавсияларимиз тегишли адабиётларда³ ўз аксини топган. Ушбу мақолаларда САҲТХОБ тамойилининг зарурлиги, унинг назарий ва амалий аҳамияти тегишли далиллар билан асосланган.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири кўрсаткичларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ҳозирги пайтда бу борада анча такомиллашган тавсиялар мавжуд. Хусусан, И.Т.Абдукаримов⁴, И.О.Волжин,

³ Пардаев М.Қ. Корхона иқтисодий салоҳияти рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, № 2, 2000, 22-24 бет. Аҳмадов И., Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлилда «САҲТХОБ» тамойили.— Иқтидорли ёшлар-салоҳиятимиз асоси, Самарқанд, 1999, 67 бет.

⁴ Абдукаримов И.Т. Как читать и анализировать финансовую отчетность.— Ташкент: Издательский дом «Мир экономики и права», 1998. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999.

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) (Кис)ни ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи



бунда: Ав — асосий воситалар;
Айм — айланма маблағлар;
На — номоддий активлар;
Мс — меҳнат салоҳияти.

В.В.Ергашбоевлар⁵ ҳар бир кўрсаткични аниқлашнинг назарий жиҳатдан формулаларини келтириш билан бирга уларнинг маълумотларини қайси ахборот манбаларидан олиш лозимлигини ҳам кўрсатиб берган. Ушбу усулни амалий ва услубий қўлланмаларда қўллаш ишнинг амалий аҳамиятини янада оширади.

Ушбу ишда ҳозирги такомиллашган тавсияларга амал қилган ҳолда таклиф қилинган барча кўрсаткичларни аниқ маълумотларга асосланиб баҳолаш йўлларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Чунки, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган бирорта кўрсаткич мавҳум, ноаниқ, ҳисобланиши қийин бўлмаслиги лозим.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг нимани ифодалаши, аниқланиш йўллари ва ахборот манбалари гуруҳлар бўйича кўриб чиқилади (*15-жадвал*).

Келтирилган кўрсаткичлар учун ахборотлар асосан бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлардан олинади.

Аммо шунинг эътирофи этиш керакки, иқтисодий таҳлилга бағишланган адабиётларда корхонанинг иқтисодий салоҳиятига ва уни ифодаловчи кўрсаткичларга етарли даражада аҳамият берилмаган. Таҳлилга бағишланган деярли барча адабиётларда корхона иқтисодий салоҳиятининг активлари (асосий воситалар, айланма маблағлар ва номоддий активлар) бухгалтерия баланси маълумотларига асосан таҳлил қилинган ҳолос.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти тушунчасини, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари бағишланган таклиф ва тавсиялар биз томондан кўтарилиб келинмоқда. Бу хусусда бир қанча адабиётларда⁶ тав-

⁵ Волжин О.И., Ергашбоев В.В. Молиявий таҳлил.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий.— Минск: ИП «Экоперспектива», 1997 ва ҳоказо.

⁶ Пардаев М.К. Молиявий таҳлил муаммолари // Иқтисод ва ҳисобот, № 1, 1997, 43-45 бет. Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси.— Самарқанд: СамКИ, 1997, 59-61 бет. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. Пардаев М.К. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш.— Самарқанд: СамКИ, 1998 ва ҳоказо.

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)ни ифодаловчи кўрсаткичларнинг мазмуни ва аниқланиш йўллари

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланиши
1	2	3	4
1. Ис. ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар			
1.1. Ис. умумий ва ўртача қиймати	Таҳлил даврида Ис. суммасининг ўртача неча сўм эканлигини ифодалайди	$\frac{\text{Ис.йб} + \text{Ис.йо}}{2}$	(310йб+Мс)+ (310йо+Мс)/2
1.2. Ис.нинг таркибий тузилиши	Ис. ҳар бир моддасининг (Ис _i) умумий суммадаги улушнни ифодалайди	$\frac{\text{Ис}_i}{\text{Ис}} \times 100$	110/310+Мс
1.2.1. Ав.нинг Ис. умумий суммасидаги улуши	Ав.нинг Ис. умумий суммасида неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{\text{Ав}}{\text{Ис}} \times 100$	010/310+Мс × 100
1.2.2. Ам.нинг Ис. умумий суммасидаги улуши	Ам.нинг Ис. умумий ҳажмида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{\text{Айм}}{\text{Ис}} \times 100$	300/310+Мс× 100
1.2.3. На.нинг Ис. умумий суммасидаги улуши	На.нинг Ис. умумий суммасида неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{\text{На}}{\text{Ис}} \times 100$	022/310+Мс× 100
1.2.4. Мс.нинг Ис. умумий суммасидаги улуши	Меҳнат салоҳиятининг Ис. умумий суммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{\text{Мс}}{\text{Ис}} \times 100$	Мс/310+Мс× 100
1.3. Ис. таркибига кирувчи моддалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис. таркибига кирувчи ҳар бир моддаси (Ав. Ам. На. Мс.) бўйича уларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тегишли моддалар таҳлил қилинганда алоҳида тасвирланади	Ушбу кўрсаткичлар тегишли моддаларни таҳлил қилганда аниқланади	Бирқанча гуруҳлари бўйича
2. Ис. билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар			
2.1. Корхона активларининг Ис. билан таъминланганлиги	1 сўм корхона активлари суммасига қанча Ис. суммаси тўғри келганлигини кўрсатади	$\frac{\text{Ис}}{\text{Б}}$	310+ Мс/310
2.2. Мс.нинг Ис. билан таъминланганлиги	1 сўм меҳнат салоҳияти қийматига қанча Ис. суммаси тўғри келганлигини ифодалайди	$\frac{\text{Ис}}{\text{Мс}}$	310+ Мс/Мс
2.3. Ис. таркибига кирувчи моддалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис.нинг таркибига кирувчи ҳар бир моддаси билан таъминланганликни ифода этадиган кўрсаткичлар тизими Ав. Айм. На. Мс.	Ушбу кўрсаткичлар тегишли моддаларни таҳлил қил-	Барча гуруҳлари бўйича

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалашини (мазмуни)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланишини
1	2	3	4
	кўрсаткичлар ўрганилганда алоҳида тасвирланади	ганда аниқланади	
3. Корхона Ис. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар			
3.1. Ис. рентабеллиги	100 сўм иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм фойда тўғри келишини ифодалайди	$\frac{\Phi}{\text{Ис}} \times 100$	200 2ш/300 +Мс
3.2. Ис. даромадлиги	100 сўм Ис. қийматига неча сўм даромад тўғри келишини ифодалайди	$\frac{\text{Д}}{\text{Ис}} \times 100$	050 2ш/300 +Мс
3.3. Ис. натижавийлиги	1 сўм Ис. қийматига неча сўм натижавий кўрсаткич (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти ва ҳоказо) тўғри келишини кўрсатади	$\frac{\text{Q}}{\text{Ис}}$	010 2ш/310 +Мс
3.4. Ис. таркибига кирувчи моддаларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис. таркибига кирувчи моддалар (Ав. Айм. На. Мс.)нинг самарадорлигини ўрганишда кўрсаткичлар тизими шаклида фойдаланилади	Ушбу кўрсаткичлар тегишли моддаларни таҳлил қилганда аниқланади	Барча гуруҳлари бўйича

сияларимиз баён қилинган. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлилни назарий ва амалий жиҳатдан асослаган ҳолда муаллиф раҳбарлигида номзодлик диссертацияси⁷ ҳам ёқланган.

Ушбу категорияни таҳлил қилиш усуллари иқтисодий таҳлил фани бўйича ўқув дастурига⁸ ҳам киритилган.

Кўриниб турибдики корхонанинг иқтисодий салоҳияти ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар хусусида анча тавсиялар айтилган ва улар маълум даражада эътироф этилмоқда. Бироқ ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат уни

⁷ Исроилов Б.И. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.— Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Банк Молия Академияси, 1999, 18-20 бет.

⁸ Пардаев М.К. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш асослари.— Самарқанд: СамКИ, 1996 (ўқув дастури). Пардаев М.Қ. Таҳлил ва хўжалик конъюнктураси мониторинги.— Самарқанд: СамКИ, 1996 (ўқув дастури). Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил.— Самарқанд: СамКИ, 1999 (ўқув дастури).

ифодаловчи кўрсаткичларни назарий жиҳатдан ҳар бири-ни асослашни ва сўнгра уларни таҳлил қилиш усуллари-ни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Шу жиҳатдан корхона иқтисодий салоҳиятини ифода-ловчи кўрсаткичлар тизимини асослаш ва уларни таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки хўжалик юритувчи субъектларга даромад (фойда) келтиришда, унинг фаоли-ятини таъминлашда корхонанинг активлари билан бирга унда банд бўлган меҳнат салоҳиятлари ҳам иштирок этади.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун, таъкид-ланганидек, асосий ва айланма маблағлар билан иш ку-чининг ҳам иштироқи лозим. Ҳозирги пайтда ушбу кўрсат-кичлар билан биргаликда номоддий активлар ҳам корхо-нага маълум даражада даромад (фойда) келтиришда иш-тирок этади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ушбу ҳолат-ларни инobatга олиш мақсадга мувофиқдир.

3.5. Корхона иқтисодий салоҳиятининг асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларнинг таснифи ва аниқлаш йўллари

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади. Шу боис ушбу воситаларни ифодалов-чи кўрсаткичларга олимлар ҳам алоҳида аҳамият бериб кел-ган ва келмоқда. Бу борада Ўзбекистонлик олимлардан И.Т. Абдукаримов⁹, Д.Қ.Кутбиев¹⁰, И.О.Волжин, В.В.Ергашба-ев¹¹ кабилар ўз фикр мулоҳазаларини билдирганлар.

⁹ Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري, 1999.

¹⁰ Кутбиев Д.К. Проблемы анализа использования основных фондов в кооперативной торговле.— Ташкент: Узбекистон, 1990. Кутбиев Д.К. Современные проблемы бухгалтерского учета основных средств.— Самарканд: СамКИ, 1995.

¹¹ Волжин И.О., Ергашбаев Д.В. Молиявий таҳлил.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни таҳлил қилиш йўллари хусусида Самарқанднинг таҳлил мактаби узоқ йиллардан буён тадқиқот олиб бормоқда ва бу борада маълум қарашларга эга бўлган.

Ушбу мактаб аъзоси сифатида асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичларни уч гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларининг таснифи қуйидаги чизмада ифодаланган (15-чизма).

15-чизма

Асосий воситаларни (Ав) ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи



Корхонада асосий воситаларни (Ав) ифодаловчи кўрсаткичлар мазмуни ва аниқланиш йўллари

Кўрсаткичлар-нинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланиши
1	2	3	4
1. Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар			
1.1. Ав. умумий маблағлардаги ҳиссаси	Ав.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{Ав}{Б} \times 100$	010/300 × 100
1.2. Ав. фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши	Ав. фаол қисмининг умумий Ав. суммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{Авф}{Ав} \times 100$	131 3ш/010 × 100
1.3. Ав.нинг эскириш коэффициенти	Умумий Ав. қийматининг қанча қисми эскириш суммасига тенглигини кўрсатади	$\frac{Ав. Эс}{Ав. Иб.}$	011/010
1.4. Ав.нинг янги-ланиш коэффициенти	Шу ҳисобот даврида янги-дан ишга туширилган Ав. қисмининг умумий йил охиридаги Ав.даги ҳиссасини ифодалайди	$\frac{Ав. янг}{Ав. йо.}$	130 3ш 4ус/130 3ш бус
1.5. Ав.нинг яроқ-лилик коэффициенти	Умумий Ав. қийматининг қанча қисми қолдиқ қий-матда эканлигини ифода-лайди	$\frac{Ав. - Ав. Эс}{Ав.}$	010-011 /010
1.6. Ав.нинг чиқар-илиш коэффициенти	Ав.нинг қанча қисми ҳи-собдан чиқарилганлигини ифодалайди	$\frac{Ав. чнқ.}{Ав.}$	130 3ш 5ус/130 3ш бус
2. Ав. билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар			
2.1. Фонд билан қуролланганлик даражаси	Битта ходимга тўғри кела-диган фаол Ав. қийматини ифодалайди	$\frac{Авф}{Х}$	131 3ш/020 ф26
2.2. Натижанинг фондлик дара-жаси	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Ав. суммаси тўғри келишини кўрсатади	$\frac{Ав}{Q}$	010/010 2ш
2.3. Ўз маблағлари-нинг (Ум.) Ав. би-лан таъминланган-лиги	1 сўм ўз маблағларига қан-ча Ав. суммаси тўғри кели-шини ёки ўз маблағлари-нинг капиталашганлик даражасини ифодалайди	$\frac{Ав.}{Ум}$	010/390
3. Ав. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар			
3.1. Ав. рентабел-лиги	Ав. ўртача қийматига нис-батан фойда суммаси қанча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{Ф}{Ав} \times 100$	200 2ш/ (010йб+ +010йо) /2

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаш (мазмун)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланиши
1	2	3	4
3.2. Ав. даромадлилиги	Ав. ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади	$\frac{Д}{Ав} \times 100$	050 2ш/ (010йб+ 010йо) /2
3.3. Ав. натижавийлиги	1 сўм Ав. ўртача қийматига қанча миқдорда натижавий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келганлигини ифодалайди	$\frac{Q}{Ав}$	010 2ш/ (010йб+ 010йо) /2

Ушбу жадвал маълумотлари асосий воситаларни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткичнинг номини, ифодалашини, аниқланиш йўлларини ва ахборот манбаларини кўрсатади. Унинг ҳар бирига алоҳида изоҳ беришга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз.

3.6. Корхона иқтисодий салоҳиятининг айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) таркибида етакчи ўринларни айланма маблағлар ҳиссаси ташкил қилади. Унинг миқдори турли соҳаларда турлича.

Таҳлил жараёнида айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий адабиётларда эътироф этилиши бўйича, ушбу муаммонинг ҳал қилинишида олимлар бир тўхтамга келишган. Ҳаммада бир хил фикр, яъни айланма маблағларни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинмоқда.

Аммо қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уларни таснифлаш бўйича олимлар ўртасида бир фикрга келинган эмас. Ҳатто айрим нуфузли дарсликларда¹² алоҳида айланма маблағлар таҳлили кўрсатилмаган. Фақат унинг айрим

¹² Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия.— Минск: ИП «Экоперспектива», 1997, 438-477 бет.

қисмларигина «Корхона активлари таҳлили»да қисқагина қараб чиқилган. Бундай ёндошув корхона эгасини корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) самарадорлигини назорат қилиш имкониятидан маҳрум қилади. Бу эса бозор муносабатлари шароитида қутилмаган хавф-хатар ва банкротлик вазиятларини туғдириши мумкин.

Айрим олимлар айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларни учга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Масалан, «Молиявий таҳлил»¹³ китобида айланма маблағларни баҳоловчи кўрсаткичларни унинг ҳолатини, ҳаракатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга бўлади. Аммо ушбу асарда кўрсаткичлар тизимининг аниқ таснифи берилмаган. Унинг устига айланма маблағларнинг ҳаракатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан аралашиб кетган.

Агар ушбу ёндошувга назарий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, айланма маблағларнинг моҳияти унинг ҳаракатдалигида. Аммо ҳаракати эса унинг самарадорлигида ифодаланadi. Шу туфайли бундай ёндошув назарий жиҳатдан чуқур тадқиқотни талаб қилса, амалий жиҳатдан ноаниқликларни туғдиради.

Охирги пайтларда чоп қилинган, бевосита корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашга қаратилган китобда¹⁴ ҳам ушбу масала назардан четда қолган. Айланма маблағларга тегишли фақат учта кўрсаткич тавсия қилинган. Табиийки, бундай ёндошиш қўйилган муаммонинг тўлиқ ҳал бўлиши учун етарли эмас.

Бевосита молиявий таҳлилга бағишланган адабиётларда ҳам айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларга кам эътибор берилган.¹⁵ Худди шу ҳолатни В.В.Петров ва В.В.Ковалёвларнинг тадқиқотларидан ҳам кузатиш мумкин¹⁶. Кўриниб турибдики, айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткич-

¹³ Волжин И.О., Ергашбаев В.В. Молиявий таҳлил.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998, 74-93 бет.

¹⁴ Ҳасанов Н., Нажбитдинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999, 17-18 бет.

¹⁵ Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил.— Тошкент: Меҳнат, 1995, 14-19 бет.

¹⁶ Петров В.В., Ковалёв В.В. Как читать баланс.— М.: Финансы и статистика, 1993, 142-213 бет.

лар тизими ва уларнинг илмий асосланган таснифи хусусида олимлар ўртасида ҳамон бир хил қарашлар шаклланган эмас. Ушбу мунозарани яна исталганча давом эттириш мумкин эди. Аммо келтирилган қарашлар ушбу масалаларнинг ҳамон олимлар ўртасида назарий жиҳатдан ҳал қилинмаганлиги тўғрисида хулоса қилиш учун етарли, деб ўйлаймиз.


Бизнинг фикримизча, айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам иқтисодий мазмуни жиҳатидан асосий воситаларга ўхшаш. Улар иккаласи ҳам корхонанинг активларини ташкил қилади, иккаласи ҳам моддий ресурслар гуруҳига киради. Шу жиҳатдан айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин: айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Мазкур кўрсаткичларнинг таснифи ушбу чизмада келтирилган (*16-чизма*).

Таҳлил жараёнида у ёки бу кўрсаткичнинг нимани ифодалашини, уларни баҳолаш йўллари ва маълумот манбаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳар бир кўрсаткичнинг номини, нимани ифодалашини, аниқланиш йўллари келтирилган гуруҳлар бўйича кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (*17-жадвал*).

3.7. Корхона иқтисодий салоҳиятининг номоддий активлар билан боғлиқ кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари

Бозор муносабатларининг шаклланиши корхона иқтисодий салоҳияти таркибига янги номоддий активлар тушунчасини киритишни тақозо қилмоқда. Таъкидланганидек, номоддий активлар, моддий бўлмасида, корхонага моддий ресурслар сингари фойда келтириши мумкин. Шу билан биргаликда номоддий активларга ҳам корхонанинг анча маблағлари қўйилган бўлиши мумкин. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир сўм қўйилган маблағ мулк эгасига қайси соҳага ёки қайси объектга қўйишидан қатъи

Корхона айланма маблағларини (Айм.) ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи



Айланма маблағларни (Айм.) ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва аниқланиш йўллари

Кўрсаткичлар-нинг номи	Нимани ифодалашни (мазмуни)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланиши
1	2	3	4
1. Айланма маблағлар (Айм) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар			
1.1. Айм.нинг умумий маблағлардаги ҳиссаси	Айм.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{\text{Айм}}{\text{Б}}$	300/310
1.2. Айм. таркибида пул маблағлари (Пм.) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз пул маблағлари мавжудлигини ифодалайди	$\frac{\text{Пм}}{\text{Айм}}$	170+180+190/300
1.3. Айм. таркибида захиралар ва харажатлар (Зх) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз захиралар борлигини кўрсатади	$\frac{\text{Зх}}{\text{Айм}}$	120/300
1.4. Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси	Айм. таркибида дебиторларнинг неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{\text{Деб}}{\text{Айм}}$	220-290/300
1.5. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси	Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий дебиторлардаги неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{\text{Дмуд}}{\text{Д}}$	2а ш маълум 7ус/220-290
1.6. Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси	Барча Айм.нинг қанча қисми ўз маблағлари ҳисобидан қопланишини кўрсатади	$(\text{Ўм} + \text{Умп}) - \frac{\text{Ас}}{\text{Айм}}$	(390+400+410)-010/300
2. Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар			
2.1. Айм. сиғими, яъни 1 сўм натижага (Q) тўғри келадиган Айм.	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Айм. тўғри келишини (натижанинг фондлилигини) ифодалайди	$\frac{\text{Айм}}{\text{Q}}$	300/010 2ш
2.2. Айм. меъерининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таъминланиши	Айм. ҳақиқий суммасининг меъёрга нисбатини, яъни 1 сўм Айм.м.га тўғри келадиган ҳақиқий Айм. суммасини кўрсатади	$\frac{\text{Айм.х}}{\text{Айм.м}}$	300х/300 меъёр
2.3. 1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм.	1 сўм Ав.га тўғри келадиган Айм. суммасини, яъни Ав.нинг Айм. билан таъминланганлигини ифодалайди	$\frac{\text{Айм}}{\text{Ав}}$	300/010
2.4. Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм.	1 та ходимга тўғри келадиган Айм. суммаси, яъни Х.ларнинг Айм. билан таъминланганлигини кўрсатади	$\frac{\text{Айм}}{\text{Х}}$	300/020 ф 26

Кўрсаткичлар-нинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланиши
1	2	3	4
3. Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари			
3.1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	Айм. бир айланиш даври-нинг неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\frac{\text{Айм} \times \text{Кс}}{Q}$ Кс — давраги кунлар сони	(300йб+300йо) /2×360 /010 2ш
3.2. Айм.нинг айланувчанлик коэффициент, мартада	Таҳлил даврида Айм.га қўйилган маблағнинг неча марта айланишини ифодалайди	$\frac{Q}{\text{Айм}}$	010 2ш/ (300йб+300йо /2)
3.3. Айм.нинг рентабеллиги	100 сўм Айм. суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади	$\frac{\Phi \times 100}{\text{Айм}}$	200 2ш/ (300йб+300йо /2)
3.4. Айм.нинг даромадлиги	100 сўм Айм. суммасига тўғри келадиган даромадни (Д) ифодалайди	$\frac{D \times 100}{\text{Айм}}$	050 2ш/ (300йб+300йо /2)
3.5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	Дебиторларнинг (Деб) бир айланиш даври неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\frac{\text{Деб} \times \text{Кс}}{Q}$	220—290 ×360/ 010 2ш

назар маълум даражада фойда келтириши керак. Бу ҳолат эса корхонанинг ушбу активларини ҳам таҳлил қилишни тақозо қилади.

Аммо иқтисодий адабиётларда ушбу масала деярли ёритилмаган. Унинг ҳисоби ва мазмуни ҳақида айрим адабиётлар мавжуд. Лекин уни ифодаловчи кўрсаткичлар, уни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари етарли даражада тадқиқ қилинган эмас. Масалан, иқтисодий ва молиявий таҳлил бўйича охириги пайтларда чоп қилинган Т.В.Савицкаянинг дарслигида¹⁷, И.О.Волжин ва В.В.Ергашбаев¹⁸, А.Т.Иброҳимов¹⁹, В.В.Петров ва В.В.Ковалёвлар²⁰ ҳамда Н.Ҳаса-

¹⁷ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия.— Минск: ИП «Экоперспектива», 1997, 438-477 бет.

¹⁸ Волжин И.О., Ергашбаев В.В. Молиявий таҳлил.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998, 74-93 бет.

¹⁹ Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил.— Тошкент: Меҳнат, 1995, 14-19 бет.

²⁰ Петров В.В., Ковалёв В.В. Как читать баланс.— М.: Финансы и статистика, 1993, 142-213 бет.

нов ва С.Нажбиддиновларнинг²¹ китобларида ушбу масала деярли тадқиқ қилинмаган.

Бироқ номоддий активлар ҳисоби тўғрисида республикамизда миллий стандарт қабул қилинди. Кўплаб корхоналарда улар бухгалтерия балансида ўз аксини топмоқда. Бундай шароитда номоддий активлар нафақат бухгалтерия ҳисоби, балки иқтисодий таҳлилнинг ҳам объектига айланиши лозим. Буни инobatга олиб номоддий активларни таҳлил қилиш бўйича айрим тавсияларни ишлаб чиқдик. Ушбу тавсияларимизнинг айрим жиҳатлари асарларимизда чоп этилган²².

Номоддий активларга қуйидагилар киради:

- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг қиймати;
- бино, иншоот, ускуна ва жиҳоз каби мулклардан фойдаланиш ҳуқуқининг қиймати;
- ихтиро ва рационализаторлик таклифлари, «ноу-хау» кабилардан фойдаланиш ҳуқуқларининг қиймати;
- товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулкдан фойдаланиш каби ҳуқуқларни берувчи рухсатномалар қиймати.

Буларнинг ҳаммаси бухгалтерия балансининг актив қисмида «Номоддий активлар» моддасида ифодаланadi. Улар таҳлил қилиш учун ҳам кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Улар иқтисодий мазмуни бўйича икки гуруҳга бўлинади: номоддий активларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Уларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (*17-чизма*).

Таҳлил жараёнида ҳар бир гуруҳ кўрсаткичларининг таркиби ва уларни ҳисоблаш йўллари аниқлаш мақсад-


²¹ Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999, 17-18 бет.

²² Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999, 95-102 бет. Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил муаммолари // Иқтисод ва ҳисобот, № 1, 1997, 43-45 бет. Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил методологияси.— Самарқанд: СамКИ, 1997, 59-61 бет. Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш.— Самарқанд: СамКИ, 1998 ва ҳоказо.

га мувофиқ. Номоддий активларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар ки­ради: номоддий активларнинг умумий ҳажми; уларнинг ўртача йиллик қиймати; умумий активлардаги улуши; эскириш коэффи­циенти. Ушбу кўрсаткичларнинг таркибий тузилиши қуйидаги чизмада ифодаланган (18-чизма)

17-чизма

Номоддий активларни ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи



18-чизма

Номоддий активларнинг (На) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш



Номоддий активларга қўйилган маблағ ҳам маълум даражада фойда келтиришга қаратилган. Бу эса ўз навбагида унинг самарадорлигини баҳолашни тақозо қилади. Номоддий активларнинг самарадорлигини ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими тавсия қилинади: номоддий активларнинг даромадлилиги; номоддий активларнинг рентабеллиги ва номоддий активларни айланувчанлиги. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш йўллари ва ҳар бирининг қисқача тавсифи қуйидаги чизмада келтирилган (19-чизма).

19-чизма

Номоддий активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи



Агар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботида номоддий активлардан фойдаланиш эвазига олинadиган даромад, фойда ёки бошқа натижа кўрсаткичини аниқлаш мумкин бўлса, у ҳолда ушбу кўрсаткичларнинг умумий ҳажми эмас, балки фақат шу номоддий активларга тегишли қисми аниқланади. Бундай шароитда номоддий активларнинг ҳақиқий самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш имкони туғилади. Аммо ҳозирча бундай имконият етарли бўлмаганлиги туфайли натижавий кўрсаткичлар сифатида даромад, фойда ва маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг умумий миқдори олинмоқда.

Таҳлил жараёнида корхона иқтисодий салоҳиятини ифо-

даловчи кўрсаткичларнинг ҳар бирини ўрганиш, уларнинг фарқини аниқлаб ҳар бирининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш орқали корхонанинг иқтисодий салоҳиятининг самарадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларни ахтариб топиш лозим. Ушбу ишда корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлиliga тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки, биринчидан бу масала иқтисодий адабиётларда ҳамон етарлича ёритилган эмас. Иккинчидан эса, ушбу омилли таҳлил усули ушбу категория билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларни ҳам таҳлил қилиш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

3.8. Корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар омилли таҳлилининг методологик жиҳатлари

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) самарадорлигини аниқлашда, самарадорликнинг мумтоз тарифидан келиб чиққан ҳолда, натижавий кўрсаткичларни иқтисодий салоҳиятининг қийматига нисбати олинади. Юқорида таъкидланганидек, корхонанинг натижавий кўрсаткичлари бир қанча кўрсаткичлар тизимидан иборатдир. Уларга иш натижасини ифодаловчи кўрсаткичлар (саноатда — ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажми, қурилишда — бажарилган қурилиш монтаж ишларининг ҳажми, транспортда ташилган юк ҳажми — тонна км.да, савдода — товар айланмасининг (оборотининг) ҳажми ва ҳоказо), даромадалар, фойда каби кўрсаткичлари киради.

Иш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичларга корхонанинг ялпи натижасини ифодаловчи кўрсаткичлари киради. Даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга даромаднинг турли хиллари (ялпи даромад, солиқга тортиладиган даромад, асосий фаолият даромади, тасодифий даромад кабилар) киради. Улардан қайси кўрсаткични танлаб олиш бевосита таҳлилнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ.

Фойда хусусида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Чунки унинг ҳам турлари кўп. Масалан, булар таркибига ялпи фойда, маржинал фойда, соф фойда, тақсим-

ланмаган фойда, молиявий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси, тасодифий фойда кабиларни киритиш мумкин.

Таҳлил жараёнида қайси кўрсаткичдан қай ҳолатда фойдаланиш ҳам унинг мақсад ва вазифаларига бевосита боғлиқ. Шу туфайли, биз ушбу кўрсаткичлар таҳлили учун методологик асос тариқасида корхонанинг иқтисодий салоҳияти умумий қийматининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Бу кўрсаткичлар тизими назарий ва методологик жиҳатдан биз томондан асосланган, ҳамда у ўқув ва амалиётда тегишли синовдан ўтган. Бунга муаллифнинг бир қанча ишлари²³ мисол бўлади.

Иқтисодий салоҳият тушунчаси унинг самарадорлигини таҳлил қилиш йўллари муаллиф раҳбарлигида тадқиқотчи Б.И.Исроилов томонидан ҳимоя қилинди²⁴. Кўрииб турибдики, корхона иқтисодий салоҳияти иқтисодий таҳлил фанининг муҳим объекти сифатида олимлар ва амалиётчилар ўртасида тан олинмоқда ва мустақил таҳлилий кўрсаткич сифатида шу фаннинг таркибий қисмидан жой олмоқда. Зеро ушбу кўрсаткичлар ушбу фан бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурига²⁵ ва бир қанча маъруза матнларига²⁶ ҳам киритилган.

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига, таъкидланганидек, қуйидагилар киради:

²³ Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил муаммолари // Иқтисод ва ҳисобот, № 1, 1997, 43-45 бет. Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил методологияси.— Самарқанд: СамКИ, 1997, 59-61 бет. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш.— Самарқанд: СамКИ, 1998 ва ҳоказо.

²⁴ Исроилов Б.И. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш.— Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Банк Молия Академияси, 1999.

²⁵ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил (ўқув дастури).— Самарқанд: СамКИ, 1998.

²⁶ Пардаев М.Қ. Корхонанинг меҳнат потенциали таҳлили.— Самарқанд: СамКИ, 1997. Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш.— Самарқанд: СамКИ, 1998. Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари.— Самарқанд: СамКИ, 1999. Пардаев М.Қ. Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) таҳлили.— Самарқанд: СамКИ, 2000.

- иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги (Иса);
- иқтисодий салоҳиятнинг даромадлилиги (Исд);
- иқтисодий салоҳиятнинг фойдалилиги (рентабеллиги) (Иср);

Ушбу кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Шу туфайли таҳлил жараёнида уларни бир-бири билан боғлиқ равишда биргаликда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу учун эса қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (*18-жадвал*).

18-жадвал

**Корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлигини
ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисобот йилидаги ҳолати**
(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
I. Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Соф фойда	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Даромад	511,0	711,7	+200,7	139,3
3. Сотилган маҳсулот ҳажми	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
4. Иқтисодий салоҳият (потенциал) қиймати.	1175,0	12590,0	+795,0	106,7
II. Нисбий кўрсаткичлар				
5. Иқтисодий салоҳият рентабеллиги (Исф),% (1қ:4қ)×100	3,12	3,94	+0,82	126,3
6. Иқтисодий салоҳият даромадлилиги (Исд) тийин (2қ:4қ)	4,33	5,65	+1,32	130,5
7. Иқтисодий салоҳият натижавийлиги (Исқ) тийин (3қ:4қ)	38,86	45,23	+6,37	116,4
8. Иқтисодий салоҳият самарадорлигининг комплекс кўрсаткичи (5қ×10+6қ×5+7қ×1)	91,71	112,88	+21,17	123,1

Манба: Корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи айрим маълумотлар таҳлилнинг методологик жиҳатини таъминлаш мақсадида муаллиф томонидан ўзгартирилиб берилмоқда.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан анча ошган. Унинг рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 126,3%ни ташкил қилган бўлса, даромадлилиги 130,5%ни, натижавийлиги эса 116,4%ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш суъратига эга бўлган. Аммо бу умумий яхлит хулоса чиқариш имконини бермайди. Шу учун ушбу кўрсаткичлар тизимига асосан комплекс кўрсаткич ҳажмини аниқлашни тавсия қиламиз. Бу учун қуйидаги формулани қўллаш мумкин:

$$\text{Искк} = (\text{Иср} \times \text{Кмр}) + (\text{Исд} \times \text{Кмд}) + (\text{Иса} \times \text{КмQ}),$$

бунда: Искк — иқтисодий салоҳият комплекс кўрсаткичи; Кмр — иқтисодий салоҳият рентабеллигининг моҳиятлик коэффиценти ($\text{Кмр} = 10$); Кмд — иқтисодий салоҳият даромадлигининг моҳиятлик коэффиценти ($\text{Кмд} = 5$); КмQ — иқтисодий салоҳият натижавийлигининг моҳиятлик коэффиценти ($\text{КмQ} = 1$).

Ушбу формулани жадвал маълумотларига қўллаш учун ҳар бир кўрсаткичнинг мутлақ миқдорини унинг моҳиятлик коэффицентига кўпайтирилади ва чиққан натижа жамланади. У ҳолда корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлигининг комплекси кўрсаткичи ўтган йилда 91,71 га ($3,12 \times 10 + 4,33 \times 5 + 38,86 \times 1$) ва ҳисобот йилида 112,88 га ($3,94 \times 10 + 5,65 \times 5 + 45,23 \times 1$) тенг эканлигини кўрамыз. Комплекс кўрсаткичининг миқдори ўтган йилга нисбатан 21,17 га ёки 123,1% га ўсган. Демак, барча кўрсаткич бўйича натижа ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан ўрта ҳисобда 23,1% га кўп ўсган.

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим босқичи ва асосий мақсади натижа ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу ерда натижавий кўрсаткич сифатида иқтисодий салоҳият самарадорлигининг ҳар бир кўрсаткичини олиш ва уларни алоҳида таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш мумкин.

Методологик асос сифатида биз иқтисодий салоҳият рентабеллиги кўрсаткичининг омилли таҳлиliga тўхталиш-

ни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида ҳар бир кўрсаткичнинг фойдалилиги кўрсаткичлар тизимида муҳим ўринни эгаллайди.

Корхона иқтисодий салоҳияти рентабеллиги ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- фойданинг даромаддаги ҳиссаси (Φ_d) — x_1 ;
- даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси (D_m) — x_2 ;
- иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги (IcQ) — x_3 .

Ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формула билан ифодаланadi:

$$IcR = \Phi_d \times D_m \times IcQ = X_1 \times X_2 \times X_3 = \sum_{i=1}^3 X_i.$$

Уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада тасвирланган (20-чизма).

20-чизма

Иқтисодий салоҳият самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги



Ушбу чизмада келтирилган омилларнинг таъсирини таҳлилнинг турли усуллари билан аниқлаш мумкин. Биз таҳлилнинг анъанавий усулларидан бири бўлган занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечиш йўлини ишлаб чиқдик.

Ушбу формулага асосан иқтисодий салоҳият рентабеллигининг ўзгаришига учта омил таъсир қилади. Уларнинг таъсири қуйидагича ҳисобланади.

1. Иқтисодий салоҳият рентабеллигининг ўзгаришига фойда суммасининг даромаддаги ҳиссаси ўзгаришининг таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\Delta U_{x_1} = (X_1^x \times X_2^p \times X_3^p) - (X_1^p \times X_2^p \times X_3^p).$$

2. Таҳлил қилинаётган натижавий кўрсаткичга даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссасининг ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta U_{x_2} = (X_1^x \times X_2^x \times X_3^p) - (X_1^x \times X_2^p \times X_3^p).$$

3. Иқтисодий салоҳият рентабеллигига унинг натижавийлиги ўзгариш таъсири ҳам қуйидагича аниқланади:

$$\Delta U_{x_3} = (X_1^x \times X_2^x \times X_3^x) - (X_1^x \times X_2^x \times X_3^p).$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta U = \Delta U_{x_1} \pm \Delta U_{x_2} \pm \Delta U_{x_3}.$$

Ушбу омилларнинг натижага таъсирини аниқлаш учун олдин омилларнинг миқдори аниқланади. Бу учун қуйидаги жадвал тузиш тавсия қилинади (*19-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, иқтисодий салоҳият рентабеллиги таҳлил даврида 0,82 бандга ёки 126,3%га кўпайган. Бунга таъсир қилувчи барча омиллар (фойданинг даромаддаги ҳиссасидан ташқари) миқдори ошган. Уларнинг натижага таъсири қандай бўлганлигини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (*20-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корxonанинг иқтисодий салоҳият рентабеллиги ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган.

1. Фойданинг даромаддаги улушининг 2,30% камайганлиги корхона иқтисодий потенциали рентабеллиги даражасини 0,10% (3,02–3,12) камайтирган.

2. Даромаднинг маҳсулотдаги ҳиссасининг 1,35% кўпайганлиги иқтисодий потенциал рентабеллигини 0,37% (3,39–3,02) ошган.

3. Иқтисодий потенциал натижавийлигининг 6,37% ошганлиги унинг рентабеллик даражасини 0,55% (3,94–3,39) кўпайтирган.

**Иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи
омилларнинг миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўсиш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Соф фойда	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Даромадлар	511,0	711,7	+200,7	139,3
3. Сотилган маҳсулот ҳажми	4583,3	5694,5	1111,2	124,3
4. Иқтисодий салоҳият (потенциал) қиймати	11795,0	12590,0	+795,0	106,7
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Фойданинг даромаддаги ҳиссаси, % (X_1) (1:2)	72,02	69,72	-2,30	96,8
6. Даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси, % (X_2) (2:3)	11,15	12,50	+1,35	112,1
7. Иқтисодий салоҳиятнинг (потенциалининг) натижавийлиги, % (X_3) (3:4)	38,86	45,23	+6,37	116,4
8. Иқтисодий салоҳият (потенциалининг) рентабеллиги, % (Y) (1:4)	3,12	3,94	+0,82	126,3

Изоҳ: Меҳнат потенциалининг қиймати ўтган йилда 2450 минг сўмни, ҳисобот йилида 2890 минг сўмни ташкил қилган.

Барча омиллар таъсири иқтисодий потенциал рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг: $-0,10+0,37+0,55=+0,82$.

Худди шундай бошқа омиллар таъсирини ва ушбу омилларнинг бошқа кўрсаткичларга таъсирини турли усулларни қўллаган ҳолда ҳам ҳисоблаш мумкин. Ушбу бобда методологик асос бўлиши учун фақат битта кўрсаткичга таъсир қилувчи учта омилни таҳлил қилиш билан чегараландик.

Омилли таҳлил корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни ахтариб топиш имконини ҳам беради. Бизнинг мисолимизда таҳлил қилинган натижавий кўрсаткич — корхона иқтисодий салоҳияти рентабеллигининг миқдори

Иқтисодий салоҳият (потенциал) самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Фойданинг даромаддаги улуши	72,02	69,72	-2,30	69,72	69,72	69,72
2. Даромаднинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси, коэффициент	0,1115	0,1250	+0,0135	0,1115	0,1250	0,1250
3. Иқтисодий салоҳиятнинг (потенциалининг) натижавийлиги, коэффициент	0,3886	0,4523	+0,0637	0,3886	0,3886	0,4523
4. Иқтисодий салоҳият (потенциал) рентабеллиги, % (1қ×2қ×3қ)	3,12	3,94	+0,82	3,02	3,39	3,94

0,82%га ошган. Аммо унинг янада ошиш имконияти бўлган. Масалан, фойданинг даромаддаги улуши 2,30% камайганлиги натижа кўрсаткичини 0,10% камайтириб юборган. Агарда ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳеч бўлмаганда ўтган йилги ҳажмда сақланиб қолганда эди иқтисодий салоҳият рентабеллиги яна 0,10% ошган бўлар эди. У ҳолда унинг ҳақиқий миқдори 3,94% эмас, балки 4,04 бўлар эди (3,94+0,10=4,04). Унинг ўтган йилга нисбатан фарқи 0,82% эмас, балки 0,92% га (0,82+0,10) тенг бўларди. У ҳолда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати 126,3% эмас балки 129,5%

$$\left(\frac{4,04}{3,12} \times 100 = 129,5 \right) \text{ни ташкил қилган бўлар эди.}$$

Кўриниб турибдики омилли таҳлилнинг амалиётда қўлланилиши ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга экан.

Корхона иқтисодий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфай-

ли унинг самарадорлик даражаси ҳам ана шу кўрсаткичлар таъсирида шаклланади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий потенциали самарадорлигини аниқлаш учун фойда суммасини (Φ) унинг тўла қийматига (Ип) бўлинишини кўрган эдик. Агар унинг қийматини бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқ ҳолда қаралса, иқтисодий потенциал рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар сони кўпайиши мумкин.

Ушбу кўрсаткичга шу аниқланган омиллар таъсирини ҳисоблаш учун, энг аввало, унинг тўлиқ қийматини келтирилган ва жорий харажатлар суммасининг ўзгариши билан боғлиқ омилларни олиш ҳам мумкин.

Иқтисодий потенциалнинг самарадорлигига юқорида қайд этилган омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги боғлиқликдан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\frac{\Phi}{Ип^к} = \frac{\Phi}{Ип^{жж}} \times \frac{Ип^{жж}}{Ип^{кк}} \times \frac{Ип^{кк}}{Ип^к},$$

бунда: Φ — фойда суммаси; $Ип^{жж}$ — жорий харажатлар суммаси; $\Phi/Ип^{жж}$ — иқтисодий потенциал жорий харажатларининг самарадорлиги; $Ип^{кк}$ — келтирилган харажатлар суммаси; $Ип^{жж}/Ип^{кк}$ — иқтисодий потенциал жорий харажатларининг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси; $Ип^к$ — иқтисодий потенциалнинг умумий қиймати; $Ип^{кк}/Ип^к$ — иқтисодий потенциал келтирилган харажатларнинг умумий қийматидаги ҳиссаси.

Ушбу формуладаги натижани «У» ва омилларни мос равишда X_1 , X_2 ва X_3 деб белгиласак у қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 = \sum_{i=1}^3 X_i \quad (i = \overline{1, 3})$$

Ушбу формулага таҳлилда қўлланиладиган анъанавий усулларни ва амалий маълумотларни қўллаб ечилса, иқтисодий потенциал самарадорлигининг ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин. Иқтисодий потенциал самарадорлигининг ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш учун занжирли алмаштириш усулини тавсия қиламиз.

1. Иқтисодий потенциал самарадорлигининг ўзгаришига

жорий харажатлар самарадорлигининг таъсирини (ΔUx_1) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Ux_1 = (X_1^x \times X_2^p \times X_3^p) - U_p,$$

бунда: P индекси — кўрсаткичнинг режаси; X индекси — кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори.

2. Иқтисодий потенциал самарадорлигининг ўзгаришига жорий харажатларнинг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси ўзгаришнинг таъсирини (ΔUx_2) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Ux_2 = (X_1^x \times X_2^x \times X_3^p) - (X_1^x \times X_2^p \times X_3^p).$$

3. Иқтисодий потенциал жорий харажатларининг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси ўзгаришининг (ΔUx_3) таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Ux_3 = U_1 - (X_1^x - X_2^x \times X_3^p).$$

Барча омиллар таъсири самарадорлигининг умумий ўзгаришига тенг бўлади:

$$U = \Delta Ux_1 + \Delta Ux_2 + \Delta Ux_3.$$

Ушбу усулнинг амалий жиҳатидан қулайлигини ва амалиётда фойдаланиш мумкинлигини исботлаш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади. Биринчиси, иқтисодий потенциал самарадорлигини аниқлаш усули (21-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ҳисобот даврида фойда суммаси 134,8% ёки 128,2 минг сўмга ошган. Иқтисодий потенциалнинг умумий қиймати эса ўтган йилга нисбатан 795,0 минг сўмга ёки 6,7%га кўпайган. Аммо иқтисодий потенциалга тўғри келадиган келтирилган харажатлар суммаси 39,4 минг сўмга ёки 2,7%га камайган. Жорий харажатлар суммаси эса 21,2 минг сўмга ёки 6,0%га ошган. Оқибатда иқтисодий потенциалнинг рентабеллиги 0,82 бандга ва бошқа шу билан боғлиқ бир қанча кўрсаткичларнинг ҳам ошганлиги кўришиб турибди. Фақат келтирилган харажатларнинг умумий қийматидаги ҳиссаси 8,8% камайган. Бироқ ушбу жадвал маъ-

**Таҳлил қилинаётган объектда ҳисобот даврида
иқтисодий потенциал рентабеллиги ва у билан
боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш усули**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўсиш суръати, %
I. Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Соф фойда суммаси, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Иқтисодий потенциалнинг умумий қиймати, минг сўм	11795,0	12590,0	+795,0	106,7
3. Иқтисодий потенциалга тўғри келадиган харажатлар минг сўм	1468,9	1429,5	+39,4	97,7
4. Иқтисодий потенциалнинг жорий харажатлари, минг сўм	356,2	377,4	+21,2	106,0
II. Нисбий кўрсаткичлар				
5. Иқтисодий потенциалнинг рентабеллиги, % (1к:2к)×100	3,12	3,94	+0,82	126,3
6. Иқтисодий потенциал жорий харажатлари самардорлиги, % (1к:4к×100)	103,30	131,47	+28,17	127,3
7. Иқтисодий потенциал жорий харажатларининг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси, коэфф. (4к:3к)	0,2425	0,2640	+0,0215	108,9
8. Иқтисодий потенциал келтирилган харажатларнинг умумий қийматидаги ҳиссаси, коэфф. (3к:2к)	0,1245	0,1135	+0,0110	91,2

лумотлари иқтисодий потенциал рентабеллигининг ўзгаришига қайси омиллар қай даражада таъсир қилганлигини тасвирлай олмайди. Шу туфайли омилли таҳлил учун қуйидаги иккинчи жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (22-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодий потенциал рентабеллигининг ошишига қуйидаги омиллар таъсир қилган.

1. Иқтисодий потенциал жорий харажатлар самардор-

Иқтисодий потенциал самарадорлигига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисоб йилида	Фарқи (+, -)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Иқтисодий потенциал жорий харажатлари самарадорлиги, %	103,30	131,47	+28,17	131,47	131,47	131,47
2. Иқтисодий потенциал жорий харажатларнинг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси	0,2425	0,2640	+0,0215	0,2425	0,2640	0,2640
3. Иқтисодий потенциал келтирилган харажатларнинг умумий қийматидаги ҳиссаси	0,1245	0,1135	-0,0110	0,1245	0,1245	0,1135
4. Иқтисодий потенциалнинг рентабеллиги, %, (2қ×3қ×4қ)	3,12	3,94	+0,82	3,97	4,32	3,94

лигининг 28,17 бандга ошганлиги иқтисодий потенциал умумий рентабеллигини 0,85 бандга (3,97–3,12) ошишига муваффақ бўлган.

2. Иқтисодий потенциал жорий харажатларининг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси ҳам 0,0215 бандга ошган. Бу эса иқтисодий потенциал рентабеллигини 0,35 бандга (4,32–3,97) кўпайтирган.

3. Иқтисодий потенциалнинг келтирилган харажатларининг умумий қийматидаги ҳиссаси 0,0110 бандга камайган. Бу омил иқтисодий потенциал рентабеллигини 0,38 бандга (3,94–4,32) камайтирган.

Барча омиллар таъсири эвазига иқтисодий потенциал рентабеллиги 0,82 бандга (0,85+0,35–0,38) ошган.

Ушбу ҳисоб-китоб натижаси ҳам қорхона иқтисодий потенциали рентабеллигини оширишнинг ички имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу бевосита иқтисодий потенциал келтирилган харажатлар умумий қийматининг

камайишида намоён бўлмокда. Келтирилган харажатларнинг шундай юзаки қараганда, кўпайиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкиндай кўринади. Аммо келтирилган харажатларнинг кўпайиши иқтисодий потенциал қийматининг янги яратилаётган маҳсулотга (иш, хизматга) тезроқ кучаётганлиги ва унинг қопланиш муддатини тезлаштираётганлигидан далолат беради.

Бизнинг мисолимизда иқтисодий потенциали келтирилган харажатларнинг умумий қийматидаги ҳиссаси ўтган йилги даражада қолганда эди рентабеллик даражаси яна 0,38 банд % ошган бўлур эди. У ҳолда рентабеллик даражасининг ҳақиқий миқдори 3,94% эмас, балки, 4,32%ни (3,94+0,38) ташкил қилган бўлур эди. Ўтган йилга нисбатан унинг фарқи 0,82% эмас, балки, 1,20%га (4,32–3,12) тенг бўларди.

Кўриниб турибдики, омилли таҳлил ҳозирги шароитда ички имкониятларни ахтариб топиш учун муҳим иқтисодий дастаклардан бири экан. Шу туфайли унинг назарий ва методологик асосини яратиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг молиявий салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу муаммо иқтисодий адабиётларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Буни инобатга олиб ишнинг навбатдаги боби айнан шу молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш муаммоларига бағишланди.

4-боб. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ САЛОҲИАТИ (ПОТЕНЦИАЛИ) ТАҲЛИЛИ

4.1. Корхона молиявий салоҳияти тушунчаси ва таркиби

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Унинг энг асосий тамойилларидан бири иқтисодий эркинлаштиришдир. Чунки режали иқтисодий шароитида иқтисодий бошқариш механизми давлат тасарруфида эди. У барча мулкка эгалик қилиш билан бирга режа орқали бошқариш жиловини ҳам ўз қўлида ушлаб турар эди.

Бозор механизми эса биринчи галда иқтисодий эркинлаштиришни талаб қилади. Аммо бу жараённинг моддий негизи корхоналар, улардаги мулклар давлатники эди. Шу туфайли иқтисодий эркинлаштириш учун, энг аввало, давлат мулкни хусусийлаштириш лозим бўлди. Худди шундай жараён Ўзбекистонда 1992 йилда бошланди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёни бугунги кунгача ўтган даврда тўрт босқични босиб ўтмоқда. Биринчи босқич 1992-1994 йилларни ўз ичига олса, иккинчи босқич 1995-1996 йиллардир. 1997 йил хусусийлаштириш бўйича Ўзбекистон тарихида учинчи босқич сифатида тан олинган бўлса, 1998-2000 йиллар хусусийлаштиришнинг тўртинчи босқичи сифатида давом этмоқда.

Бу босқичларнинг моҳияти ва мазмунига тўлиқ тўхталиб ўтирмасдан шуни таъкидлаш жойизки, иқтисодий аста-секинлик билан эркинлашиб давлат тасарруфидан хусусий ва жамоа секторига ўтмоқда, иқтисодийга давлатнинг аралашуви аста-секин билан барҳам топмоқда. Натижада эркин рақобат муҳити қарор топиши учун замин яратилмоқда.

Ана шундай иқтисодий эркинлаштириш жараёни кетма-кетанлик билан пайтда ҳар бир корхонанинг мустақиллиги таъминланиши билан бирга, унинг маъсулияти ҳам ошмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг сессияларида ҳам қайта-қайта таъкидланмоқда.

Бундай шароитда ҳар бир корхона ўзининг маблағига,

ўзининг бошқариш усулига, мулкига, ҳамжиҳат меҳнат жамоасига, мулк эгаларига эга бўлиши керак. Бу барча мавжуд мулкнинг асосий манбаи корхонанинг молиявий салоҳиятини ташкил қилади.

Молиявий салоҳият ҳар бир хўжалик юритувчи субъект-да етарли бўлиши мумкин. Улар икки манбадан таркиб топади. Биринчидан, ҳар бир корхонанинг ўз маблағи бўлса, иккинчидан, ўз фаолиятини таъминлаш учун четдан ҳам қарз, ссуда тариқасида жалб қилинган маблағларидир.

Ушбу бобда айнан ана шу молиявий салоҳиятнинг иқтисодий мазмуни, таркиби, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Ушбу бобда кўтарилган масалалар моҳияти ва мазмуни жиҳатидан долзарблиги билан, унинг олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ўқитилиши зарурлиги билан ҳам жуда қимматли. Аммо ушбу янги мавзуга муаллиф илк бор қўл урганлиги туфайли унда турли мунозарали, назарий ва амалий жиҳатдан янада ўз исботини топиши лозим бўлган жиҳатлари бўлиши табиий. Шу туфайли сиз ўқитувчилардан ушбу бобни чуқур танқидий нуқтаи назардан қараб, бу бўйича ҳолис фикр ва мулоҳазаларингизни билдира-сизлар деган умиддамиз.

Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали)
деб унинг фаолиятини тўлиқ таъминлайдиган турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлар мажмуасига айтилади.

Ҳар қандай фирма ёки корхона фаолият юритиш учун энг аввало меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва жонли меҳнат соҳибига (ходимларга) эга бўлиши шарт. Бу эса ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунини ташкил қилиш учун молиявий маблағлар зарур бўлади. Масалан, соҳибкор кичик бизнес билан шуғулланишга қарор қилди, деб фараз қиламиз. У кичик нон заводини қуришни мўлжаллайди. Заводни ташкил қилиш учун унга 700,0 минг сўм, ун ва бошқа хом ашё ҳамда ёрдамчи материаллар харид қилиш учун 100,0 минг сўм, ходимларни ёллаб заводни ишга

тушириш учун 50 минг сўм керак бўлди деб шартли равишда қабул қиламиз. Соҳибкорга ушбу ҳолда 850 минг сўм пул керак. Аммо унда мавжуд бўлган ўзининг пул маблағи 600 минг сўмни ташкил қилади. Демак, унга яна 250 минг сўм қўшимча пул маблағи лозим экан. Буни у қаердан олади. Бунинг манбалари ҳозирги шароитда турли бўлиши мумкин.

Соҳибкор шу етишмаган пулни банклардан узоқ муддатли қарз шаклида, ёки «Бизнес-фонд»дан кредит шаклида, юридик ва жисмоний шахслардан инвестиция шаклида, ёки хорижий фирма ва давлатлардан қўшма корхона шаклида олиши ва ўз фаолиятига жалб қилиши мумкин. Соҳибкорнинг ушбу етишмаган маблағни қайси манбадан олишидан қатъи назар, у четдан жалб қилинган маблағ бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, соҳибкор ўз фаолиятини юрғизиши учун маълум даражада молиявий салоҳиятга эга бўлиши керак экан. Бу салоҳият иқтисодий мазмуни жиҳатидан ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлардан иборат эканлиги аён бўлди.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар молиявий потенциалининг таркиби ва тузилиши сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Чунки режали иқтисодиёт шароитида корхонанинг барча молиявий салоҳияти давлат томонидан шакллантирилар эди. Ҳатто банклардан олинган кредитлар ҳам давлатники эди. Энди вазият тубдан ўзгарди. Давлатнинг молиявий таъминоти барҳам топмоқда.

Эндиги молиявий салоҳиятнинг эгаси бор. У «бизники»дан «меники» деган тушунча билан алмаштирилди. Бундай шароитда корхона учун молиявий салоҳиятнинг шаклланиши ҳам, унинг ишлатилиши ва тақсимланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли бу салоҳиятни ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар бўйича баҳолаш, кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш объектив заруратга айланиб бормоқда.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, корхона молиявий салоҳияти назарий ва амалий жиҳатдан ҳам ўрганилган, лекин у ўта долзарб мавзу бўлиб ҳисобланади. Бунга эҳтиёж айниқса ҳозирги бозор муносабатлари шароитида яна-

да кучаймоқда. Чунки ҳар бир корхона ўзининг молиявий салоҳиятидан қандай фойдаланаётганлигини билиши учун уни доимий равишда таҳлил қилиб турмоғи лозим.

Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) деганда, уни соддароқ қилиб ифодаланса, молиявий маблағлар билан таъминланиш манбалари мажмуасини тушуниш мумкин. Бу таъминланиш ўз ўрнида, таъкидланганидек, икки қисмдан иборат бўлади:

1. Ўз маблағлари.

2. Четдан жалб қилинган маблағлар.

Яна бир мисолга мурожаат қиламиз. Тадбиркор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун 1,0 миллион сўм пули бор деб фараз қиламиз. Унга фаолиятни бошлаш учун асосий ва айланма маблағларни харид қилишга, ходимларни ёллашга 1,5 миллион сўм пул даркор бўлади, деб ҳисоблаймиз. Демак ушбу тадбиркор четдан яна 0,5 миллион сўм қарз олиши лозим экан. Бу, таъкидланганидек, четдан жалб қилинган маблағлар, деб айтилади.

Биринчи қўйилган ўз маблағи, яъни 1,0 миллион сўми иқтисодий мазмуни бўйича қўйилган капитални ташкил қилади. Лекин корхона ўз фаолияти давомида фойда олиб бир қисмини ўзининг низом жамғармасига ўтказиб боради. Бундай маблағлар тўпланган капитал деб айтилади. Демак, корхонанинг ўз маблағи икки гуруҳдан, яъни қўйилган ва тўпланган капиталдан иборат экан.

Четдан жалб қилинган маблағлар эса, ўз навбатида, қайтарилиш муддатига қараб икки гуруҳга бўлинади: узоқ муддатли ва қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга I йилгача олинган қарзлар ва ссудалар, узоқ муддатлиларига I йилдан ошиқ муддатга олинган қарзлар ва ссудалар киради. Бу қўйидаги *21-чизмада* ўз аксини топган.

Корхонанинг молиявий салоҳиятининг таҳлили иқтисодий таҳлилининг таркибий қисми бўлиб қолмоғи лозим. Чунки ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий салоҳиятини ўрганмай туриб, унинг молия ҳўжалик фаолиятига одилона ва тўғри баҳо бериб бўлмайди.

Бундан ташқари бошқарувнинг маъмурий бўйруқбозлик усулидан иқтисодий жиҳатдан бошқарув усулига ўтилиши

Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) таркиби



ҳам ҳар бир корхона фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама, атрофлича таҳлил қилиш зарурлигини туғдирмоқда.

Аммо ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш усули ҳам иқтисодий адабиётларда кам ёритилган. Шуларни инобатга олиб уни таҳлил қилишни бошлашдан аввал унинг тушунчаси ва таркибини изоҳлашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

4.2. Корхоналар молиявий салоҳиятини (потенциалини) таҳлил қилиш вазифалари ва ахборотлар манбаи

Корхона иқтисодиётини сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтариш учун ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда унинг молиявий-хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш лозим.

Режали иқтисодиёт шароитида режани ҳам, маблағни ҳам юқори ташкилотлар марказлашган тартибда ҳал қилар эди. Шу тўғрисида қўйи корхона ва ташкилотлар молиявий хўжалик фаолиятни асосан юқори ташкилотлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинар эди. Бунда асосий эътибор корхонада мавжуд потенциалдан қандай фойдаланишга эмас, балки режани қандай бажарганлигига қаратилар эди. Ҳамма чора-тадбирлар режани бажаришга сафарбар қилиниши ҳеч кимга сир эмас.

Энди иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Асосий «оғирлик» юқоридан бевосита иш бажарувчи қўйи бўғинларга тушди. Умумий давлат мулки хусусийлаштирилиб йирик турли мулк шаклидаги нодавлат сектори вужудга келди. Деярли мулклар эгаллик бўлди. Эндиги бажариладиган ишлар ҳам юқори ташкилотдан туширилган режани бажаришга эмас, балки кўпроқ фойда олиб яшашга, фаолият кўрсатишга қаратилмоқда. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилнинг ҳам мақсади, вазифаси, ўтказилиш усуллари тубдан ўзгарди, сифат жиҳатидан янгиланмоқда. Таҳлилнинг қўлами кенгайиб, масъулияти ошмоқда. Бу айтилган жиҳатлар таҳлилнинг умумий вазифаси билан биргаликда турли мавзуларига ҳам тегишлидир.

Корхона молиявий потенциали таҳлилининг вазифалари турлича. Буларнинг аниқ йўналишлари ва сони молиявий потенциални кимлар ва қайси мақсадда таҳлил қилишига боғлиқ. Масалан, мулк эгаси таҳлил қилса унга молиявий потенциал ҳолати, таркиби ва самарадорлиги муҳим, банклар таҳлил қилса ўзлари берган ссуданинг молиявий потенциалдаги улуши, унинг ўз вақтида маълум бир фоиз билан қайтишини таъминлай олиши муҳим, статистика ва истиқболни белгилаш органлари таҳлил қилса ҳақиқий эришилган натижа муҳим, акциядорлар таҳлил қиладиган бўлса уларнинг ҳам ўзига яраша манфаатлари бор ва ҳоказо.

Шу нуқтаи назардан таҳлилнинг вазифаси айнан шу деб уни чегаралаб бўлмайди. Шунинг учун унинг вазифасини аниқлашда таҳлилнинг мақсади ва ўша шароитдаги реал иқтисодий вазиятдан келиб чиқиш лозим.

Корхона молиявий салоҳиятини (потенциалини) таҳлил қилишнинг умумий вазифаси қўйдагилардан иборат:

1. Молиявий потенциал умумий ҳажмини ва йил давомида унинг ўзгаришини аниқлаш.

2. Молиявий потенциал таркибини, ундаги таркибий ўзгаришларни аниқлаш.

3. Молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

4. Молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи четдан

жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

5. Молиявий потенциал самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш.

6. Молиявий потенциал самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

7. Молиявий потенциалдан самарали фойдаланиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва шу бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотларни тайёрлаш.

Корхона молиявий потенциалини таҳлил қилишда қўйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилади.

1. **Бухгалтерия баланси.** (ОКУД бўйича 1-шакл) Ушбу ҳужжатнинг пассив қисмидаги барча бўлим ва моддалар қўлланилади. Бундаги биринчи бўлим «Ўз маблағларининг манбалари» 320 қатордан 390 қаторгача. 390 қаторда эса шу бўлимнинг жами суммаси жойлашган. Иккинчи бўлим «Мажбуриятлар» деб аталади. Булар балансининг 400 қаторидан 540 қаторигача бўлган моддаларни ўз ичига олади. 540 қаторда иккинчи бўлимнинг жами жойлашган. Молиявий потенциалнинг умумий суммаси 550 қаторда жойлашган бўлиб, бу корхона балансининг умумий суммасига тенг бўлади.

2. **Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.** (ОКУД бўйича 2-шакл) Ушбу ҳисоботда корхонанинг иш ҳажми, даромадлари, харажатлари, фойдаси алоҳида турлари бўйича ҳам кўрсатилади. Бундаги кўрсаткичлар молиявий потенциал самарадорлигини, рентабеллиги каби кўрсаткичларни аниқлашда қўлланилади. Ушбу ҳисоботнинг иккинчи қисми «Бюджетга тўланмалар тўғрисида маълумот» деб аталади ва бунда корхонанинг давлат ва маҳаллий бюджетига тўлайдиган солиқлар суммаси ҳисобланган миқдорда ва ҳақиқатда тўланган ҳажмда ифодаланади.

3. **Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома.** (2а-шакл) Ушбу ахборот манбаида дебитор ва кредиторларнинг аниқ номлари, умумий қарзлар, шу жумладан республикадан ташқаридаги дебитор ва кредиторлар, муддати ўтган кредиторлар кўрсатилади. Шу туфайли молиявий ҳолатни таҳлил қилишда ушбу ҳисобот маълумотларидан ҳам кенг фойдаланишни тақозо қилади.

4. **Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот.** (ОКУД бўйича

4-шакл) Ушбу ахборот манбаида таҳлил учун жуда зарур кўрсаткичлар ифодаланади. Хусусан, биринчи бўлимда «Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг ҳаракати» ўз аксини топади. Иккинчи бўлим «Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатиш» билан боғлиқ пул ҳаракатларига бағишланган. Учинчи бўлимда «Солиқ тўловлари» кўрсатилса, тўртинчи бўлимда «Инвестиция фаолияти» ўз ифодасини топган. Ушбу бўлимда моддий ва номоддий узоқ муддатли активларни сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ операциялар кўрсатилган. Ҳисоботнинг бешинчи бўлими «Молиявий фаолият» деб номланади. Унда акция чиқаришдан келиб тушган тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларнинг келиб тушиши, ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар ўз аксини топган.

Ушбу ҳисоботнинг иккинчи қисмида «Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумот» берилган. Ушбу маълумотда корхона валютасининг йил бошидаги қолдиғи, жами йил давомидаги тушум алоҳида турлари бўйича кўрсатилади. Шунингдек, ушбу ҳисоботда жами сарфланган валюта маблағларини аниқ йўналишлар бўйича ҳам кўриш мумкин. Ушбу ҳисоботнинг охирида йил охиридаги валюта қолдиғи кўрсатилади.

Булардан ташқари бир қанча статистик ҳисоботлар ҳам борки, улардан ҳам таҳлилнинг у ёки бу соҳасини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Масалан, буларга статистик ҳисоботнинг ЧПЖ-шакли «Пенсия маблағлари бўйича ҳисоб-китоб ведомости», 1-Т шакли «Меҳнат ҳисоботи», «Корхона, муассаса, ташкилот ва кооперативларнинг бандлик жамгармасига маблағлар ўтказганлиги тўғрисидаги ҳисобот» кабиларни киритиш мумкин.

Булардан ташқари, бир қанча Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалари, услубий тавсия ва кўرғазмаларидан, вақтли матбуот материалларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Таҳлил учун қўлланиладиган ахборотлар манбаи қанча аниқ ва ҳаққоний бўлса, таҳлил натижаси ҳам шунча яхши ва таъсирчан бўлади. Бунда САҲТҲОБ тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (С — софлик, АҲ — ахборотларнинг ҳаққонийлиги, ТҲ — тўғри хулоса, ОБ — оқилона бошқариш).

4.3. Корхона молиявий салоҳияти (потенциали)ни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таснифи

Ҳар бир жараёни, иқтисодий категория ёки тушунчани иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш учун уларни кўрсаткичларда ифодалаб олиш лозим. Шу туфайли молиявий потенциални таҳлил қилиш учун ҳам уни ифодаловчи кўрсаткичларини аниқлаб олиш лозим.

Молиявий потенциал бу анча кенг қамровли тушунча. Шу туфайли уни битта ёки бир қанча кўрсаткичлар билан ифодалаб бўлмайди. Уни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ кўрсаткичлар тизими бу бир қанча кўрсаткичлар тўплами деган гап эмас.

Кўрсаткичлар тизими деганда бир категорияга мансуб бир қанча кўрсаткичларни маълум белгилари бўйича аниқ гуруҳларга бўлинган кўрсаткичлар туркуми тушунилади.

Молиявий потенциални ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.

2. Молиявий потенциал самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Аммо ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

Молиявий потенциал (Мп) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга маълум бир даврда улар қай аҳволда эканлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар киради. Унинг умумий ҳажми, таркиби тўғрисидаги маълумотларни айнан шу ҳолатини таҳлил қилиб аниқлаш мумкин. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар молиявий потенциалнинг таркибига қараб яна уч гуруҳга бўлинади:

1. Мп. ҳолатини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар.

2. Мп. ҳолатининг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлари.

3. Мп. ҳолатнинг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари.

Ҳар иккала гуруҳ кўрсаткичларига ҳам бир қанча кўрсаткичлар киради ва улар мажмуаси кўрсаткичлар тизimini ташкил қилади. Молиявий потенциал самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар асосан унинг қандай фойдаланаётганидан далолат беради. Бу кўрсаткичлар асосида натижа билан молиявий потенциал ўртасидаги нисбат ётади. Булар ҳам бир қанча гуруҳларга бўлинади:

1. Мп. самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар.


2. Мп. самарадорлигини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар.

3. Мп. самарадорлигини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Шу учала гуруҳ кўрсаткичлар ҳам ўз навбатида бир қанча алоҳида гуруҳларни жамлайди. Шунини алоҳида таъминлаш жоизки, корхоналар молиявий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳали иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган эмас. Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар тизимида мунозарали ва такомиллашиши лозим бўлган кўрсаткичлар ҳам бўлиши мумкин. Шу туфайли биз ушбу бобда кўрсаткичлар тизimini тавсия тариқасида бермоқдамиз. Булар куйидаги чизмада ўз аксини топган (22-чизма).

22-чизма

Корхона молиявий салоҳиятини (потенциалини) ифодаловчи кўрсаткичлар



Корхона молиявий потенциали ҳақида тўғри хулоса қилиш учун ушбу кўрсаткичлар гуруҳининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлил жараёнида корхонанинг молиявий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим. Иқтисодий моҳияти жиҳатидан корхонанинг молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар бир қанча гуруҳларга бўлинади: ўз маблағи билан боғлиқ кўрсаткичлар ва четдан жалб қилинган кўрсаткичлар. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар ўз навбатида 2 гуруҳга бўлинади: қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар, узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар. Буларнинг кенгайтирилган ҳолати қуйидаги чизмада ифодаланган (23-чизма).


Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, корхонанинг молиявий потенциалининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан ўзаро узвий алоқада. Масалан, биринчи туркумга кирган баъзи кўрсаткичлар иккинчи ва учинчи туркумларга кирмоқда. Бошқа туркумдаги кўрсаткичлар биринчи туркум кўрсаткичларидан келиб чиқмоқда.

Молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагилар киради. Бу ушбу чизмада ўз ифодасини топган (24-чизма).


Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, Мп.нинг ҳолатини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар бир қанча. Аммо уларнинг сони фақат ушбу чизмадаги кўрсаткичлар билан ҳам чекланиб қолмайди. Масалан, Ум.нинг четдан жалб қилинган маблағлар Чжкм билан боғлиқ кўрсаткичлари яна иккита кўрсаткичларга: Ум.нинг узоқ муддатли Чжкм га ва қисқа муддатли Чжкм га бўлинади. Худди шундай бошқа кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин.

Навбатдаги гуруҳ кўрсаткичлар корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи четдан жалб қилинган кўрсаткичлардир. Бу ҳам ўз навбатида бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган (25-чизма).


Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими (системаси)



Мп ҳолатини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими



Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) ҳолатини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар (Чжкм) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими



4.4. Корхоналар молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлари, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари

4.4.1. Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таснифи

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молиявий потенциалини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу шу корхона раҳбарларига ўз фаолиятини тўғри баҳолаш, молиявий аҳволини билиш имконини берса, инвесторларга ўз маблағини қўйиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил қилиш учун бирор қарорга келишига асос бўлади. Молиявий потенциал таҳлили шу фирма кредиторларга пуллари-ни тўлаш мумкинлигини кўрсатади ва улар билан яна иқтисодий алоқаларни давом эттириш учун ишонч ҳосил қиладди. Ниҳоят ушбу кўрсаткич таҳлили аудиторларнинг тўғри хулоса чиқариши учун асосий дастак бўлиб ҳисобланади.

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистон шароитига мос корхонанинг молиявий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бу ҳақда илмий анжуманларда²⁷ баъзи тавсия ва фикрлар айтилмоқда холос.

Молиявий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичларни асослашдан олдин унинг иқтисодий моҳияти ва мазмунини очишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Ҳар қандай корхона, фирма, ташкилот ўз фаолиятини тегишли маблағ билан таъминлаб туриши учун маълум даражада молиявий потенциалга (салоҳиятга) эга бўлиш лозим. Корхона молиявий имкониятга эга бўлмаса ўзининг моддий техника базасини ҳам, айланма маблағларини ҳам шакллантириш имконига эга бўлмайди. Оқибатда фаолият кўрсатиши ҳам қийин бўлади. Демак, корхоналар, энг аввало, маълум даражада молиявий салоҳиятга эга бўлиши керак.

²⁷ Материалы международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы учета, аудита и совершенствования финансово-кредитной системы в условиях развития рыночных отношений» — Самарканд, 1994, 93-94 бет.

Корхонанинг молиявий салоҳияти унинг турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлари мажмуасидан иборатдир. Бу, таъкидланганидек, иқтисодий моҳияти жиҳатидан, энг аввало, ўз маблағлари ҳисобидан ва четдан жалб қилинган, қисқа ва узоқ муддатли маблағлардан таркиб топади (26-чизма).

26-чизма

Корхонанинг молиявий салоҳияти таркиби



Бу кўрсаткичлар бухгалтерия баланснинг пассив қисмида жойлашган бўлиб ҳар бири алоҳида гуруҳларда ва моддаларда ўз ифодасини топади.

Корхонанинг бухгалтерия баланси унинг молиявий салоҳиятининг ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун асосий ҳужжат — маълумотлар манбаи бўлиб ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий потенциалига, таъкидланганидек, ўзининг бухгалтерия балансида ифодаланган ўз маблағлари манбалари (Ум), узоқ муддатли пассивлар (Умп)-ва ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар, яъни четдан жалб қилинган қисқа муддатли пассивлар (Кмп) ва кредиторлар (Кр) киради. Буларнинг қийматини қуйидагича жамлаш мумкин.

$$M_p = U_m + U_{mp} + K_{mp} + K_r \quad (4.1).$$

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (23-жадвал).

Бухгалтерия балансига асосан молиявий салоҳиятнинг таркиби ва ўзгаришини аниқлаш ҳисоб-китоби

Баланснинг пассив моддалари	Давр бошида		Давр охирда		Фарқи (+, -)		Ўзга- риш суръ- ати, %
	сум- маси, минг сўм	тар- киби, %	сум- маси, минг сўм	тар- киби, %	сум- маси, минг сўм	тар- киби, %	
1. Ўз маблағлари	4115	44,0	4500	46,5	+385	+2,4	109,4
2. Четдан жалб қилинган маблағлар (капитал)	5230	56,0	5200	53,6	-30	-2,4	99,4
2.1. Узоқ муддатли мажбуриятлар	2700	28,9	2700	27,8	—	-1,1	100,0
2.2. Кредитор қарзлар	940	10,1	1000	10,3	+60	+0,2	106,2
2.3. Қисқа муддатли мажбуриятлар	1590	17,0	1500	15,5	-90	-1,5	94,3
Корхона молиявий салоҳияти (барча пассивлар)	9345	100,0	9700	100,0	+355	×	103,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг молиявий салоҳияти ҳисобот йилида 103,8% кўпайган. Энг эътиборли хусусияти шундаки корхонанинг ўз маблағлари 109,4% кўпайган бир пайтда четдан жалб қилинган маблағлар эса 0,6%га камайган (100–99,4). Бу унинг таркибий ўзгаришида ҳам ўз ифодасини топади. Таҳлил қилинаётган даврда корхонанинг ўз маблағлари 2,4% кўпайган бўлса, шу миқдорга четдан жалб қилинган маблағлар камайган.

Бу мажбуриятларнинг узоқ муддатли пассивлар бўйича 1,1% банд, қисқа муддатли пассивларнинг эса 1,5% банд камайиши эвазига содир бўлган. Мажбуриятлар таркибида кредитор қарзларнинг таркиби 0,2% бандга ошган.

Ушбу корхонадаги таркибий ҳолат таҳлили корхона молиявий салоҳиятининг ижобий томонга ўзгарганлигидан далолат бериб турибди, чунки корхонанинг ўз маблағлари қанча кўп бўлса, унинг молиявий қарамлиги шунча камаяди. Шу жиҳатдан ушбу ҳолат бўйича дастлабки хулоса ижобий натижага эришганлигидан далолат беради.

4.4.2. Молиявий салоҳият (потенциал) ҳолатининг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари

Ҳар қандай корхонанинг ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган молиявий потенциални ифодаловчи кўрсаткичлар туркумига еттига кўрсаткич киради. Бу кўрсаткичлардан бири ўз маблағларининг тўпланиш коэффицентидир.

Ўз маблағининг тўпланиш (концентрацияси) коэффицентини (Кўмк) топиш учун ўз маблағлари (Ум) суммасини бухгалтерия балансининг жами суммасига (Б), яъни барча маблағлар ҳажмига бўлиш билан аниқланади:

$$K_{\text{ўмк}} = \frac{U_{\text{м}}}{B} \quad (4.2).$$

Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми ўз маблағларининг умумий маблағларидаги ҳиссасини ифодалайди. Бозорли иқтисодиёт шароитида ушбу кўрсаткич қанча кўп бўлса шунча яхши, чунки маблағларни четдан жалб қилишга зарурат камаяди. Ушбу кўрсаткич миқдорининг ўсиши ҳам корхона учун яхши. Чунки четдан жалб қилинган маблағлар учун тўлайдиган фоизлар миқдори ҳамон юқориликча сақланиб турган пайтда кредит олиш зарурати ҳам камаяди. Бу эса ортиқча харажатни қисқартиради.

Корхонада молиявий потенциалнинг **умумий молиявий қарамлик коэффицентини** ҳам муҳим кўрсаткичлардан биридир. Буни аниқлаш учун бухгалтерия баланси жами суммасини (Б) хусусий капиталнинг (ўз маблағининг) суммасига (Ўм) бўлиш лозим. Бу учун қуйидаги формулани қўллаш мумкин:

$$K_{\text{мк}} = \frac{B}{\text{Ўм}} \quad (4.3),$$

бунда: $K_{\text{мк}}$ — молиявий қарамлик коэффицентини.

Ушбу кўрсаткич ўз маблағининг қай даражада қарам эканлигини, яъни унинг 1 сўмига неча сўм хўжалик маблағи тўғри келишини кўрсатади. Агар ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2 сўмга тенг бўлса, корхонанинг хусусий ва четдан жалб қилинган маблағи бир-бирига тенг эканлигидан

далолат беради. Агар ушбу кўрсаткичнинг ҳажми 2 сўмдан кам бўлса, хўжалик маблағларининг асосий қисми хусусий, яъни ўз маблағларидан иборат эканлигидан далолат беради. Агар у 2 сўмдан кўп бўлса, корхонанинг хусусий маблағи четдан жалб қилинган маблағларга ўта қарам эканлигини кўрсатади.

Корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ўз маблағларининг умумий четдан жалб қилинган маблағларга қарамлик коэффиценти (**Кўчжм**). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун барча четдан жалб қилинган маблағлар умумий суммасини (Чжкм) ўз маблағлари суммасига (Ум) бўлиш лозим. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Кўчжм = \frac{Чжкм}{Ум} \quad (4.4).$$

Корхона ўз маблағларининг қарамлик коэффиценти-ни чуқурроқ ўрганиш учун уни алоҳида узоқ муддатли (Умп) ва қисқа муддатли четдан жалб қилинган (Кмп) маблағларга ҳам бўлиб ўрганишни тақозо қилади.

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$Кўум = \frac{Умп}{Ум} \quad (4.5),$$

бунда: Кўум — ўз маблағларининг узоқ муддатли пасивларга қарашлик коэффиценти; Умп — узоқ муддатли пасивлар; Ум — ўз маблағлари.

$$Кўқм = \frac{Кмп}{Ум} \quad (4.6),$$

бунда: Кўқм — ўз маблағининг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга қарашлик коэффиценти; Кмп — четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағлар.

Ушбу кўрсаткичлар ҳам четдан жалб қилинган маблағларнинг ўз маблағларидаги ҳиссасини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичлар ҳажми одатда бирдан кичик бўлса яхши, чунки бундай ҳолат корхона ўз маблағининг қарамлиги унча катта эмаслигидан далолат беради.

Қолган кўрсаткичларни ҳам шу тариқа аниқлаш мумкин. Биз мазкур ишда услубий асос бўлиши учун таҳлилни шу бешта кўрсаткич бўйича амалга ошириш билан чекланамиз.

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун корхона балансидан фойдаланилади. Унинг қисқартирилган ҳажми қуйидаги жадвалда ифодаланган (24-жадвал).

24-жадвал

Ҳисобот йили 1 январигача корхона бухгалтерия балансининг қисқартирилган ҳолати

Актив	Йил бо-шида	Йил охи-рида	Пассив	Йил бо-шида	Йил охи-рида
1. Узоқ муддатли активлар			1. Ўз маблағлари манбалари		
1.1. Асосий воситалар (капитал)	4995	5300	1.1. Ўз маблағлари	2300	2200
а) эскириши	1500	1800			
б) қолдиқ қиймати	3495	3500			
1.2. Номоддий фоллар	215	230	1.3. Тақсимланган фойда	1315	1700
а) эскириши	25	30			
б) қолдиқ қиймати	190	200			
Жами 1-бўлим	3685	3700	Жами 1-бўлим	4115	4500
2. Оборот активлари					
2.1. Моддий айланма маблағлар	3000	2700	2.1. Узоқ муддатли мажбуриятлар	2700	2700
2.2. Пул маблағлари ва бошқа активлар	2600	3300	2.2. Қисқа муддатли мажбуриятлар банк кредити ва бошқа қарзлар	1000	850
а) пул маблағлари	300	450	2.3. Кредиторлар		
б) дебиторлар	1900	2000	2.4. Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар	300	330
в) қимматбаҳо қозғозлар	460	850	2.5. Бюджет билан ҳисоб-китоблар	290	320
Жами 2-бўлим	5660	6000	Жами 2-бўлим	5230	5200
Барча			Барча		
Активлар	9345	9700	Пассивлар	9345	9700

Молиявий потенциалнинг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳақида тўғри ва чуқур хулоса қилиш лозим. Бу учун эса молиявий потенциалнинг шу гуруҳи бўйича комплекс кўрсаткични аниқлашни тақозо қилади. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қилиш мумкин.

$$K_{\text{кмп}} = K_{\text{ўмк}} + K_{\text{мк}} + K_{\text{ўчжм}} + K_{\text{ўум}} + K_{\text{ўқм}} \quad (4.7).$$

Бу формулада барча кўрсаткичлар коэффицентлари жамланган. Лекин бу коэффицентларнинг йўналишлари ҳар хил. Масалан, ўз маблағларининг тўпланиш коэффиценти ($K_{\text{ўмк}}$) қанча юқори бўлса яхши, аммо корхонанинг молиявий қарамлик коэффиценти қанча кам бўлса яхши, юқори бўлса ёмон. Бу гапни ўз маблағларининг узоқ муддатли пассивларга ва қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга қарамлик коэффицентига ҳам айтиш мумкин. Шу туфайли уларни бир хил йўналишга келтириб олиш лозим. Бу учун миқдори кўпайса салбий натижа берадиган кўрсаткичларни бирга бўлиб олиш лозим. У ҳолда 4.7 формула қуйидаги ҳолатга келади:

$$K_{\text{кмп}} = K_{\text{ўмк}} + \frac{1}{K_{\text{мк}}} + \frac{1}{K_{\text{ўчжм}}} + \frac{1}{K_{\text{ўум}}} + \frac{1}{K_{\text{ўқм}}} \quad (4.8).$$

Энди барча кўрсаткич бир хил йўналишга эга бўлади. Ҳамма қўшиладиган миқдорларнинг кўпайиши корхона молиявий потенциали ҳолатининг яхшиланишидан далолат беради.

Бухгалтерия баланси маълумотларига асосан корхона молиявий потенциалининг умумий ҳолати бўйича хулоса чиқариш учун қуйидаги умумлашган жадвални тузиш мумкин (*25-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхонанинг молиявий потенциали бир йилнинг ичида 103,8% кўпайган. Бу асосан ўз маблағлари эвазига амалга ошган. Бу кўрсаткич таҳлил даврида 109,4% ошган. Узоқ муддатли пассивлар бир йилда ўзгармасдан қолган. Барча четдан жалб қилинган маблағлар ҳажми 0,6% камайган. Бу албатта шу йил давомида бир қанча омиллар эвазига амалга ошган. Корхонанинг молиявий потенциали ҳолати юзасидан тўғри хулоса қилиш учун таҳлил жараёнида кўрсаткичларни аниқлаш лозим. Бу учун қуйидаги жадвал тузилади (*26-жадвал*).

**Корхона молиявий потенциалининг умумий ҳажмидаги
ўзгаришларнинг ҳисобот йилидаги ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Ўз маблағлари	4115	4500	+385	109,4
2. Узоқ муддатли пасивлар	2700	2700		100,0
3. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пасивлар (четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағлар)	1590	1500	-90	94,3
4. Кредитор қарзлар	950	1000	+60	106,2
5. Барча четдан жалб қилинган маблағлар (2к+3к+4к)	5230	5200	-30	99,4
6. Жами молиявий потенциал (1к+5к)	9345	9700	+355	103,8

**Корхона молиявий салоҳияти (потенциали)
ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларининг ҳисобот
йилидаги ҳисоб-китоби***

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Ўз маблағларининг тўпланиш коэффиценти (1к:6к) (Кумк)	0,440	0,464	+0,024	105,5
2. Ўз маблағларининг умумий қарамлик коэффиценти (6к:1к) (Кмк)	2,271	2,156	-0,115	94,9
3. Ўз маблағларининг четдан жалб қилинган маблағларга қарамлик коэффиценти (5к:1к) (Кўчжм)	1,271	1,156	-0,115	91,0
4. Ўз маблағларининг узоқ муддатли пасивларга қарамлик коэффиценти (2к:1к) (Кўум)	0,656	0,600	-0,056	91,5
5. Ўз маблағларининг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга қарамлик коэффиценти (3к+4к:1к) (Кўқм)	0,615	0,556	-0,059	90,4
6. Молиявий салоҳияти комплекс кўрсаткичи	4,817	5,259	+0,442	109,2

* Ушбу жадвал 25-жадвал асосида тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўз маблағларининг тўпланиш коэффиценти ҳисобот йили давомида 105,5%га кўпайган. Бу хўжалик фаолиятида молиявий потенциал ҳолатининг яхшиланганлигидан далолат беради.

Буни корхонанинг қарамлик коэффиценти камайиб кетганлигидан ҳам кўриш мумкин. Унинг қарамлиги йил бошида 2,271 коэффицентга тенг бўлган бўлса йил охирига келиб 2,156гача камайди. Бу корхона қарамлигининг бир йилнинг ўзида 5,1% (100–94,9) камайганлигидан далолат беради.

Корхонанинг четдан жалб қилинган маблағларга қарамлик коэффиценти ҳам камайган. Бу кўрсаткичнинг ҳажми 1,271 коэффицентдан 1,156гача камайган. Бу асосан қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар эвазига амалга ошган. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларга қарамлик коэффиценти 91,5%ни ташкил қилган бир пайтда қисқа муддатли шундай маблағларга қарамлик коэффиценти 90,4%ни ташкил қилган, холос.

Умуман олганда ушбу таҳлил натижаси мазкур корхонанинг молиявий потенциали ҳолати яхшиланаётганлигидан далолат беради.

Келтирилган жадвал ва формулаларга асосан корхона молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш мумкин.

Бу кўрсаткичнинг миқдори йил бошида:

$$\text{Кумк.йб} = 0,440 + \frac{1}{2,271} + \frac{1}{1,271} + \frac{1}{0,656} + \frac{1}{0,615} =$$

$$= 0,440 + 0,440 + 0,787 + 1,524 + 1,626 = 4,817\text{ни}$$

ташкил қилган бўлса, йил охирига келиб

$$\text{Кўмк.йо} = 0,464 + \frac{1}{2,156} + \frac{1}{1,156} + \frac{1}{0,600} + \frac{1}{0,556} =$$

$$= 0,464 + 0,464 + 0,865 + 1,667 + 1,799 = 5,259\text{ни}$$

ташкил қилди.

Кўриниб турибдики, молиявий потенциал ҳолати ҳисобот йилида кескин ўзгарган. Унинг комплекс кўрсаткич ҳажми йил бошидаги 4,817 коэффицентдан йил охири-

да 5,259 коэффициентгача кўпайган. Бу асосан ўз маблағларининг узоқ муддатли ва қисқа муддатли пасивларга нисбатан тез ўсганлиги учун содир бўлган. Натижада ўз маблағининг четдан жалб қилинган пасивларга қарамлик коэффициентлари кескин қисқарган.

Корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи барча кўрсаткичларни жамлаб уларнинг аниқланиш йўллари формулада ва баланснинг сатрлари бўйича кўрсатиб чиқиш лозим. Бу учун қўйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (27-жадвал).

27-жадвал

Корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар номи	Аниқланиш йўллари	Балансдаги қаторлар бўйича
1. Ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати (Ум)	Ўмйб + Ўмйо	390йб + 390йо
	2	2
2. Ўз маблағларининг тўпланиш коэффициенти (Кумт)	Ўм	390
	Б	550
3. Ўз маблағининг умумий қарамлик коэффициенти (Кк)	Б	550
	Ўм	390
4. Ўз маблағининг четдан жалб қилинган маблағларга (Чжкм) қарамлик коэффициенти (Кўчжм)	Чжкм	540
	Ўм	390
5. Ўз маблағларининг узоқ муддатли Чжкм га қарамлик коэффициенти (Кўум)	Умп	400 + 410
	Ўм	390
6. Ўз маблағларининг қисқа муддатли Чжкм.га қарамлик коэффициенти (Куқм)	Кмчжкм	420 + 430
	Ўм	390
7. Ўз маблағларининг капиталлашганлик (Кўмк) даражаси	Ав – Умп	400 + 410
	Ўм	390
8. Ўз маблағининг узоқ муддатли активлардаги суммаси (Умак)	Ўма – Ўмм	110 – (400 + 410)
	Ўм.ума	110 – (400 + 410)
9. Ўз маблағларининг узоқ муддатли активлардаги коэффициенти иштироки (Кумуак)	Ўм	390
	Ўм – (Ўма – Ўмп)	390 – (110 – 400 + 410)
10. Ўз маблағининг айланма маблағлардаги иштирок этаётган фаол қисми (Ўзам)	Ўзам	6к
	Айм	300

Ушбу кўрсаткичларнинг кўпи алоҳида гуруҳларда 25-ва 26-жадвалларда таҳлил қилинди. Аммо бу кўрсаткичлар билан корхонанинг молиявий потенциали тўғрисида тўлиқ хулоса қилиш қийин. Тўлиқ хулоса қилиш учун ҳар бир объект ёки жараёнини ифодаловчи кўрсаткичларни тўлиқ ўрганиш лозим. Шундагина таҳлил натижасида ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар, қабул қилинадиган қарорлар аниқ ва ҳаётий бўлади.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи бир қанча бошқа кўрсаткичларни ҳам аниқлашни тақозо қилади. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (28-жадвал).

28-жадвал

Корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи айрим кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, -)	Ўсиш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Асосий воситалар бошланғич қийматда (010к)	4995	5300	+305	106,1
2. Узоқ муддатли пасивлар (400к+410)	2700	2700	—	100,0
3. Ўз маблағлари (390к)	4115	4500	+385	109,4
4. Узоқ муддатли активлар (110к)	3685	3700	+15	100,4
5. Ўз маблағининг узоқ муддатли активлардаги суммаси [110-(400+410)]	985	1000	+15	101,5
Нисбий кўрсаткичлар				
6. Ўз маблағининг капиталлашганлик даражаси [(1к-2к):3к]	0,558	0,578	+0,020	103,6
7. Узоқ муддатли активлардаги ўз маблағининг ўз маблағидаги ҳиссаси коэффиценти (5к:3к)	0,239	0,222	+0,017	92,0
8. Ўз маблағининг айланма маблағлардаги ишгирок этаётган фаол қисми (3к-5к)	3130	3500	+370	111,8
9. Оборот активлари (300к)	5660	6000	+340	106,0
10. Ўз маблағининг фаоллик коэффиценти (8к:9к)	0,553	0,583	+0,030	105,4

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада ўз маблағларининг капиталлашганлик даражаси юқори. Ушбу кўрсаткич йил бошида 55,8%ни ташкил қилган бўлса, йил охирига келиб 57,8%га етган, яъни 2,0% бандга кўпайган. Корхона маблағининг капиталлашганлик даражаси илгор технологияни қўллаб ишлаётган корхоналарда юқори бўлиши табиий. Аммо савдо корхоналарида ўз маблағларининг капиталлашганлик даражаси ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан анча паст бўлади. Шу туфайли ушбу кўрсаткични ҳамиша аниқ вазиятдан ва соҳа туридан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор муносабатлари шароитида ҳам корхонанинг узоқ муддатли активларида ўз маблағлари иштирок этади. Бу кўрсаткич таҳлил даврида 0,239 коэффицентдан 0,222 коэффицентгача камайган. Корхонада ўз маблағларининг фаоллик коэффиценти ҳам яхши, чунки йил бошида унинг миқдори 55,3%ни ташкил қилган бўлса, йил охирига келиб 58,3%ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, корхона ўз маблағининг ярмидан кўп қисми оборотда иштирок этмоқда. Булар ўз навбатида корхона молиявий потенциали самарадорлигини оширишни тақозо қилади.

4.4.3. Молиявий салоҳият (потенциал) ҳолатининг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона четдан жалб қилинган маблағларни ўз фаолиятига жалб қилган ҳолда ишлаши табиий, чунки ҳамиша ҳам корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлмаслиги мумкин. Корхонанинг молиявий салоҳиятини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичларига, энг аввало, **унинг умумий тўпланиш даражаси (концентрацияси) киради**. Бу кўрсаткич четдан жалб қилинган маблағларнинг умумий маблағлардаги улушини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун четдан жалб қилинган умумий маблағларни (Чжкм) бухгалтерия баланси умумий суммасига (Б) бўлинади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_{\text{чжкм}} = \frac{Чжкм}{Б} \quad (4.9).$$

Ушбу кўрсаткич ҳажмини таҳлил қилганда унинг миқдори йилдан-йилга қисқариб борса, натижа яхши ҳисобланади. Чунки бунинг қисқариши корхонанинг умумий маблағида хусусий капиталнинг ҳиссаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, ушбу кўрсаткич ҳажми 0,35 бўлса, бу дегани барча маблағларнинг 35% четдан жалб қилинган маблағлардан иборат дегани.

Бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса ҳозирги банкларнинг кредити учун фоиз тўловлари юқори бўлиб турган бу шароитда корхонанинг умумий маблағида четдан жалб қилинган маблағларнинг камайиш тенденциясига эга бўлганлиги ижобий ҳол ҳисобланади. Таҳлил жараёнида четдан жалб қилинган маблағларни алоҳида узоқ муддатли ва қисқа муддатли гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг оборотдаги иштироки ва иқтисодий моҳияти жиҳатидан турлича.

Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга ўз маблағининг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағига қарамлик коэффициенти, қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг товар ва бошқа захиралардаги ҳиссаси каби кўрсаткичлар киради. **Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар тўпланиш коэффициентини** аниқлаш учун четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағлар суммасини (Чжкм) бухгалтерия балансининг умумий суммасига (Б), яъни хўжалик маблағларининг қийматига бўлиш кифоя. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_{\text{чжкм}} = \frac{Чжкм}{Б} \quad (4.10).$$

Ушбу кўрсаткич четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Масалан, ушбу кўрсаткич ҳажми 0,25 деб фараз қиламиз. Бу умумий маблағларнинг 25% четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағлардан иборат деганидир.

Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг оборот активларидаги ҳиссасининг миқдори молиявий потенци-

алининг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар асосан оборот активларини қоплаш учун жалб қилинган бўлади. Ушбу кўрсаткични (Коба) аниқлаш учун қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар суммасини (Чжккм) оборот активлари суммасига (Оба) бўлиш кифоя:

$$\text{Коба} = \frac{\text{Чжккм}}{\text{Оба}} \quad (4.11).$$

Ҳозирги ўтиш даврида ушбу кўрсаткичнинг миқдори, тенг ҳолда, қанчалик камайиб борса, корхона учун ўшанча яхши, чунки захираларнинг ва харажатларни қоплашда корхонанинг ўз маблағлари ҳиссасининг кўпайиб боришини кўрсатади. Масалан, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,456 коэффицентга тенг деб фараз қилсак, бу захираларда қисқа муддатли қарзларнинг улуши 45,6% эканлигидан далолат беради. Демак, ўз маблағларининг ҳиссаси захираларда 54,4%ни ташкил қилади.

Молиявий потенциалнинг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Хусусан, **узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар тўпланиш коэффиценти (Кумп)** ҳам молиявий потенциалнинг таркибий тузилишини ифодалайди. Унинг миқдори барча молиявий потенциалнинг қанча қисми узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлардан иборат эканлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган пассивлар суммасини (Умп) бухгалтерия баланси жами суммасига (Б) бўлиш кифоя. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Кумп} = \frac{\text{Умп}}{\text{Б}} \quad (4.12).$$

Таҳлил натижасида ушбу кўрсаткичнинг миқдори кўпайиши тенденциясига эга бўлса яхши, чунки узоқ муддатли пассивлар қисқа муддатли қарзларга нисбатан корхона учун анча имтиёздидир. Масалан, ушбу коэффицент миқдори, 0,15 га тенг бўлса, бу дегани барча маблағларнинг 15% узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлардан иборат деганидир.

Молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг **узоқ муддатли активлардаги ҳиссасининг таркибий коэффицентидир (Куав)**. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган **пассивлар (Умп)** суммасини узоқ муддатли активларнинг **(Ума)** қийматига бўлинади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Куав} = \frac{\text{Умп}}{\text{Ума}} \quad (4.13).$$

Ушбу кўрсаткич миқдорининг ҳозирги ўтиш даврида кўпайгани корхона учун яхши, чунки корхонанинг ўз маблағи тансиқ бўлиб турган пайтда моддий техника базасини узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар эвазига шакллантириши ижобий ҳолдир. Масалан, ушбу коэффицентнинг миқдори 0,70 га тенг деб фараз қиламиз. Бу дегани барча асосий воситалар қийматининг қопланиш манбаининг 70% узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шаклланганлигидан далолат беради.

Ушбу кўрсаткичлар корхонанинг молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Албатта бу кўрсаткичлар орқали корхонадаги мавжуд молиявий потенциалнинг ҳолати, унинг таркибий тузилиши каби иқтисодий жиҳатлари ўрганилади.

Корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига **узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг (Умчжкм)** таркибий коэффиценти **(Кумчжкм)** ҳам киради. Бу кўрсаткич Умчжкм.нинг барча четдан жалб қилинган маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун Умчжкм. суммасини умумий Чжкм. суммасига бўлиш лозим. Бу учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$\text{Кумчжкм} = \frac{\text{Умчжкм}}{\text{Чжкм}} \quad (4.14).$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,25 коэффицент бўлса, у барча Чжкм.нинг 25% узоқ муддатли Чжкм эканлигидан далолат беради.

Корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири **қисқа муддатли Чжкм.нинг таркибий коэффицентидир (Ккмчжкм)**. Ушбу кўрсаткич барча четдан жалб қилинган маблағларда қисқа муддатли Чжкм ҳиссаси қанчалигини ифодалайди. Буни аниқлаш учун қисқа муддатли Чжкм суммасини барча Чжкм суммасига бўлинади:

$$K_{кмчжкм} = \frac{K_{кмчжкм}}{Чжкм} \quad (4.15).$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,75 бўлди деб фараз қилсак, у ҳолда қисқа муддатли Чжкм.нинг барча Чжкм.даги улуши 75%ни ташкил қилишидан далолат беради.

Кредитор қарзлар ҳам корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли **уларнинг ҳам таркибий коэффиценти (Ккр)** аниқланади ва таҳлил қилинади. Ушбу кўрсаткич барча четдан жалб қилинган маблағларда кредиторларнинг ҳиссаси қанча эканлигидан далолат беради. Буни аниқлаш учун кредитор қарзларни (Кр) жамлаб барча четдан жалб қилинган маблағларга (Чжкм) бўлинади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_{кр} = \frac{K_{кр}}{Чжкм} \quad (4.16).$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,225 коэффицентга тенг деб фараз қилсак, бу барча Чжкм таркибида кредитор қарзларнинг улуши 22,5%ни ташкил қилади, деганидир.

Маълумки, Чжкм.нинг бир қисми узоқ муддатли активларни қоплашга жалб қилинади. Аммо бу кўрсаткичлар бухгалтерия балансида тайёр ҳолда учрамайди. Уларни ҳисоблаб топиш лозим.

Четдан жалб қилинган маблағларнинг узоқ муддатли активларда иштирок этаётган суммасини (Чжкм.ума) аниқлаш учун бухгалтерия ҳисоботига қўшимча яна бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланилади. Биз бу ерда «Узоқ муддатли қарзлар» (400к) ва «Узоқ муддатли кредиторлар»ни (410к) тўлиқ узоқ муддатли активларга жалб қилинган деб фараз қилсак, ахтарилаётган кўрсаткич қуйидагига тенг бўлади:

$$\text{Чжкм.ума} = \text{Умк} + \text{Умкр} \text{ ёки } 400\text{к} + 410\text{к} \quad (4.17).$$

Энди четдан жалб қилинган маблағларнинг оборот активида иштирок этаётган суммасини аниқлаш мумкин. Бу учун барча мажбуриятлар суммасидан (540к) узоқ муддатли Чжкм суммасини (400+410) айириб ташлаймиз. Чиққан натижа четдан жалб қилинган маблағларнинг қанча қисми оборот активларида иштирок этаётганлигини ифодалайди:

$$\begin{aligned} \text{Чжкм оак} &= \text{Оба} - (\text{Умк} + \text{Умкр}) \\ &\text{ёки } 540\text{к} - (400\text{к} + 410\text{к}) \end{aligned} \quad (4.18).$$

Агар корхонада муддати ўтган кредиторлар бўлса, натижа ушбу сумма миқдорига камайтиради:

$$\text{Чжкм} = [540 - (400\text{к} + 410\text{к})] - 27 \text{ устун жами} \quad (4.19).$$

Аниқланган суммага асосан **Чжкм.нинг оборот активларидаги ҳиссасини ифодаловчи коэффициентни (Кчжкм.оак)** ҳам аниқлаш мумкин. Бу учун оборот активларида иштирок этаётган Чжкм суммасини (Чжкм.оба) оборот активлари (Оба) суммасига бўлиш кифоя:

$$\text{Кчжкм.оак} = \frac{\text{Чжкм.оба}}{\text{Оба}} \quad (4.20).$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори корхона оборот активларида қанча четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссасига тўғри келишини кўрсатади. Масалан, ушбу кўрсаткич 0,655 коэффициентга тенг бўлса, бу барча оборот активларининг 65,5% четдан жалб қилинган маблағларнинг суммасидан иборат дегани.

Ушбу кўрсаткичларни жамлаб ягона жадвал шаклида бериш мумкин (*29-жадвал*).

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳаммаси кўриниб турганидек бухгалтерия балансида ифодалангани. Аммо таҳлил учун у ёки бу жараённи қандай кўрсаткичлар билан ифодалаш ҳали етарли эмас. Шу туфайли энг муҳими ушбу кўрсаткичлар миқдорини аниқлаб, уларни бир-бири билан ва бир қанча даврларга солиштириб, тегишли хулоса чиқариш лозим. Хулосалар эса корхона молиявий потенциали ҳолатини ифодалашга хизмат қилиши даркор. Бу учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (*30-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики,

Молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари

Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш йўллари	Балансдаги қаторлар бўйича
1. Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (Чжм)	Чжм.йб + Чжм.йо	540йб+540йо
	2	2
2. Четдан жалб қилинган маблағларнинг умумий тўпланиш коэффициенти (Кчжкм)	Чжкм × 100	540
	Б	550
3. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг тўпланиш коэффициенти (Кчжкм)	Чжкм	420+430+440
	Б	550
4. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг оборот активларидаги (Оба) ҳиссасининг коэффициенти (Коба)	Чжккм	420+430+440
	Оба	300
5. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг тўпланиш коэффициенти (Кумп)	Умп	400+410
	Б	550
6. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг узоқ муддатли активлардаги ҳиссасининг коэффициенти (Куав)	Умп	400+410
	Ума	110
7. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг Чжкм.даги ҳиссаси (таркибий коэффициенти) (Умчжм)	Умчжкм	400+410
	Чжкм	540
8. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг Чжкм.даги ҳиссаси (таркибий коэффициенти) (Кумчжкм)	Ккмчжкм	420+430
	Чжкм	540
9. Кредиторларнинг таркибий коэффициенти (Ккр)	Кр	450+...+530
	Чжкм	540
10. Чжкм.нинг оборот активларидаги суммаси (Кчжм.оак)	Оба – (Умк + Умкр)	540қ – (400қ + 410қ)
11. Чжкм.нинг оборот активларидаги суммаси (Кчжм.оак) ҳиссасининг коэффициенти	Чжкм.оба	540қ – (400қ + 410қ)
	Оба	300

**Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) ҳолатини
ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан
боғлиқ кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзга- риши (+, -)	Ўсиш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Балансинг пассиви бўйича жами (550к)	9345	9700	+355	103,8
2. Узоқ муддатли пассивлар (400+410)	2700	2700	—	100,0
3. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар (420+430+440)	1000	850	-150	85,0
4. Кредиторлар (450+...+530)	1530	1650	+120	107,8
5. Барча четдан жалб қилинган маблағлар (мажбуриятлар) (540к)	5230	5200	-30	99,4
6. Узоқ муддатли активлар (110к)	3685	3700	+15	100,4
7. Оборот активлари (300к)	5660	6000	+340	106,0
Нисбий кўрсаткичлар				
8. Четдан жалб қилинган маблағларнинг (Чжкм) умумий тўпланиш коэффиценти (5к:1к)	0,560	0,536	-0,024	95,8
9. Қисқа муддатли Чжкм.нинг тўпланиш коэффиценти (3к:1к)	0,107	0,088	-0,019	82,2
10. Узоқ муддатли Чжкм.нинг тўпланиш коэффиценти (2к:1к)	0,289	0,278	-0,011	96,2
11. Қисқа муддатли Чжкм.нинг оборот активларидаги ҳиссасининг коэффиценти (3к:7к)	0,177	0,142	-0,035	80,2
12. Узоқ муддатли Чжкм.нинг узоқ муддатли активлардаги ҳиссасининг коэффиценти (2к:6к)	0,733	0,730	-0,003	99,6
13. Узоқ муддатли Чжкм.нинг таркибий коэффиценти (2к:5к)	0,516	0,519	+0,003	100,6
14. Қисқа муддатли Чжкм.нинг таркибий коэффиценти (3к:5к)	0,191	0,163	-0,028	85,3
15. Кредиторларнинг таркибий коэффиценти (4к:5к)	0,293	0,317	+0,024	108,2
16. Чжкм.нинг оборот активларидаги суммаси [540к-(400к+410)] (5к-2к)	2530	2500	-30	98,8
17. Чжкм.нинг оборот активларидаги ҳиссасининг коэффиценти (16к:7к)	0,447	0,417	-0,030	93,3

корхонанинг умумий мулки (маблағи) йил охирида йил бошига нисбатан 355 минг сўмга ёки 3,8%га кўпайган. Аммо четдан жалб қилинган маблағлар 30 минг сўмга ёки 0,6%га камайган. Демак, корхонанинг ўз маблағлари кўпайган. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, узоқ муддатли пассивлар ўзгармасдан қолган бир пайтда қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар 150 минг сўмга ёки 15% (100–85)га камайган. Лекин кредиторлар шу давр мобайнида 120 минг сўмга ёки йил бошига нисбатан 7,8% кўпайган. Бу албатта четдан жалб қилинган маблағлар ичида сезиларли таркибий ўзгаришларга олиб келган. Буни ушбу туркум кўрсаткичлар бўйича коэффициентларни аниқлаганда кўриш мумкин.

Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар суммаси ўзгармасда унинг ҳиссаси умумий четдан жалб қилинган маблағлар таркибида 0,6% ошган, қисқа муддатли пассивларнинг таркиби йил бошидаги 19,3%дан йил охирида 16,3%гача камайган. Аммо кредиторларнинг таркибий коэффициенти шу давр мобайнида 29,3% дан 31,7%гача ошган.

Умуман олганда иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссасининг камайганлиги яхши кўрсаткич. Аммо унинг оборот активларидаги ҳиссасининг ошганлиги йил бошидаги 0,553 коэффициентдан то йил охирида 0,583 коэффициентгача ўсганлигини ижобий баҳолаш қийин. Корхонанинг ўз маблағлари ўсган. Аммо булар асосан узоқ муддатли активларга жалб этилганлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда корхона оборот активларида имкон қадар ўз маблағлари ҳиссасини кўпайтириши лозимдир.

Таъкидланганидек, четдан жалб қилинган маблағларнинг тўпланиш коэффициенти ҳам, узоқ муддатли пассивларнинг тўпланиш коэффициентлари ҳам камайган.

Таҳлил натижаси кўрсатиб турибдики, қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар умумий ҳажмининг оборот активларидаги ҳиссаси йил бошида 0,177 коэффициентдан йил охирида 0,142 коэффициентгача ёки 19,8% (100–80,2) камайган. Бу ҳолат ижобийдек кўринади. Аммо таҳлил жараёнида шуни инобатга олиш лозимки, четдан

жалб қилинган маблағларнинг ҳаммаси ҳам оборотда иш-тирок этавермайди. Шу туфайли амалиётда четдан жалб қилинган маблағларнинг оборот активлардаги суммаси ва ҳиссасини аниқлаш тақозо этилади. Бу бизнинг мисоли-мизда бошқача ҳолатда эканлигини кўрсатади. Ҳақиқатда четдан жалб қилинган маблағларнинг оборот активлари-даги суммаси 1,2%га улуши эса 6,7%га камайган. Таъкид-ланганидек, бундай ҳолатни ижобий баҳолаш мумкин.

Хуллас, корхона молиявий потенциалнинг таҳлили корхона раҳбарини, эгасини ва менежерини унинг фао-лиятига янада чуқурроқ ёндошиш, унинг аҳволини ўнглаш лозимлигини англаш ва тегишли хулосалар чиқариш учун етарли маълумотлар билан қуроллантиради.

4.5. Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг таҳлили

4.5.1. Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари

Молиявий салоҳиятнинг (потенциалнинг) (Мп) самара-дорлиги деганда унинг натижавийлиги тушунилади. Уни аниқлаш учун маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини (М) (да-ромат, фойда) Мп ўртача йиллик қийматига бўлиш кифоя. Бу, таъкидланганидек, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Мп. самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар.
2. Мп. самарадорлигининг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлари.
3. Мп. самарадорлигининг четдан жалб қилинган маб-лағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ўз навбатида бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Биринчи гуруҳга Мп. умум-ий ҳажмининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич-лар киради. Булар қуйидагилардан иборат:

1. 1 сўм Мп.га тўғри келадиган маҳсулот (М) (иш, хизмат) ҳажми.
2. 1 сўм Мп.га тўғри келадиган даромат (Д) ҳажми.
3. 1 сўм Мп.га тўғри келадиган фойда (Ф) ҳажми.

Ушбу кўрсаткичлар қуйидаги маълумот манбаларида ифодаланади (31-жадвал).

31-жадвал

**Мп. умумий ҳажмининг самарадорлигини аниқлаш
учун зарур бўлган кўрсаткичларнинг ахборотларда
ифодаланиши**

Кўрсаткичлар	Молиявий ҳисобот шакли	Сатр коди	Ҳисоботнинг номи
1. Молиявий потенциал умумий ҳажми (Мп)	1-шакл	550	Бухгалтерия баланси
2. Мп.нинг ўртача йиллик қиймати	1-шакл	550йб + + 500йох 2	Бухгалтерия баланси
3. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум (М)	2-шакл	010	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
4. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси	2-шакл	110	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
5. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	2-шакл	150	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
6. Ялпи даромад (солиқ тўлаганга қадар умумий молиявий натижа) (Д)	2-шакл	170	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
7. Соф фойда (Ф)	2-шакл	200	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
8. Ўз маблағлари (Ўм)	1-шакл	390	Бухгалтерия баланси
9. Четдан жалб қилинган маблағлар (Чжкм)	1-шакл	540	Бухгалтерия баланси

Худди шундай кўрсаткичлар тизими Мп.нинг алоҳида гуруҳлари бўйича ҳам аниқланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. 1 сўм ўз маблағларига (Ўм) тўғри келадиган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми.

2. 1 сўм Ўм.га тўғри келадиган даромад ҳажми.


3. 1 сўм Ўм.га тўғри келадиган соф фойда.

Четдан жалб қилинган маблағларнинг ҳам самарадорлик кўрсаткичларини худди шундай кўрсаткичларда ифодалаш мумкин.

1. 1 сўм четдан жалб қилинган маблағларга (Чжкм) тўғри келадиган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми.
 2. 1 сўм Чжкм.га тўғри келадиган даромадлар суммаси.
 3. 1 сўм Чжкм.га тўғри келадиган соф фойда суммаси.
- Ушбу кўрсаткичлар тизимини қўйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (27-чизма).

27-чизма

**Корхона молиявий салоҳияти (потенциали)
самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
tizimi va ularning tasnifi**



Чизмада уч гуруҳ кўрсаткичлар ўз ифодасини топган. Бунда тўққизта кўрсаткич келтирилган. Биринчи гуруҳда умумий кўрсаткичлар, иккинчи ва учинчи гуруҳларда уларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича туркумлари келтирилган.

Ушбу кўрсаткичларнинг аниқланиш йўллари қўйидаги жадвалда берилган (32-жадвал).

Мп. самарадорлиги билан боғлиқ барча кўрсаткичларни аниқлагач, таҳлилнинг навбатдаги босқичида уларга амалий маълумотларни қўллаб тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириб, уларнинг ҳолатини, динамикасини ва ўзгаришларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш мумкин.

**Корхона Мп. самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларни аниқлаш йўллари**

Кўрсаткичлар	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаи, яъни маълумотнинг қасрда ифодаланиши
1. Мп. самарадорлиги (1 сўм Мп.га тўғри келадиган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми)	$M_{пс} = \frac{M}{M_{п}}$	010қ. 2ш
		550қ. 1ш
2. Мп. даромадлилиги (1 сўм Мп.га тўғри келадиган ялпи даромад ҳажми)	$M_{пд} = \frac{Д}{M_{п}}$	170қ. 2ш
		550қ. 1ш
3. Мп. фойдалилиги (1 сўм Мп.га тўғри келадиган фойда суммаси)	$M_{пф} = \frac{Ф}{M_{п}}$	260қ. 2ш
		550қ. 1ш
4. Ўм. самарадорлиги	$\dot{U}_{мс} = \frac{M}{\dot{U}_м}$	010қ. 2ш
		390қ. 1ш
5. Ўм даромадлилиги	$\dot{U}_{м.д} = \frac{Д}{\dot{U}_м}$	170қ. 2ш
		390қ. 1ш
6. Ўм. фойдалилиги	$\dot{U}_{м.ф} = \frac{Ф}{\dot{U}_м}$	200қ. 2ш
		390қ. 1ш
7. Чжкм. самарадорлиги	$Ч_{жкм.с} = \frac{M}{Ч_{жкм}}$	010қ. 2ш
		540қ. 2ш
8. Чжкм. даромадлилиги	$Ч_{жкм.д} = \frac{Д}{Ч_{жкм}}$	170қ. 2ш
		540қ. 1ш
9. Чжкм. фойдалилиги	$Ч_{жкм.ф} = \frac{Ф}{Ч_{жкм}}$	200қ. 2ш
		540қ. 1ш

4.5.2. Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг таҳлили

Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг таҳлили келтирилган кўрсаткичлар бўйича қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- самарадорликни ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларнинг ўтган ва ҳисобот йилидаги миқдори аниқланади;
- шу кўрсаткичлар бир-бири билан солиштирилиб уларнинг фарқи ҳисобланади;
- ўзгариш суръатлари аниқланади;

- уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади;
- ҳамма ҳисоб-китоблар натижасида жадвал тузилади;
- жадвалга асосан тегишли хулоса қилинади.

Ушбу таҳлилий ишларни амалга ошириш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (33-жадвал).

33-жадвал

**Корхона молиявий салоҳияти (потенциали)
самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни
аниқлаш ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилда	Фарқи (+, -)	Ўзгариш суръати, %
1. Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Даромадлар, минг сўм	511,0	711,7	+200,7	139,3
3. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
4. Молиявий потенциалнинг (Мп) ўртача қиймати, минг сўм	9256,8	9522,5	+265,7	102,9
5. Ўз маблағларининг ўртача қиймати (Ўм), минг сўм	4272,1	4307,5	+35,4	100,8
6. Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати, минг сўм (Чжкм)	4984,7	5215,0	+230,3	104,6
7. Мп. натижавийлиги, тийин	49,5	59,8	+10,3	120,8
8. Мп. даромадлиги, тийин	5,52	7,47	+1,95	135,3
9. Мп. фойдалилиги, %	3,98	5,21	+1,23	130,9
10. Ўм. натижавийлиги, сўм	1,07	1,32	+0,25	123,4
11. Ўм. даромадлиги, тийин	12,0	16,5	+4,5	137,5
12. Ўм. фойдалилиги, %	8,61	11,52	+2,91	133,8
13. Чжкм. натижавийлиги, тийин	91,9	109,19	+17,23	118,8
14. Чжкм. даромадлиги, тийин	10,3	13,6	+3,3	132,0
15. Чжкм. фойдалилиги, %	7,38	9,51	+2,13	128,9

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, натижавий кўрсаткичларнинг деярли ҳаммаси сезиларли даражада ўсган. Масалан, сотилган маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 124,2%ни ташкил қилган бўлса, даромадларнинг

ўсиш суръати 139,3%ни, фойда суммасининг ўсиш суръати 134,8%ни ташкил қилган. Аммо шу даврда молиявий потенциалнинг ўртача йиллик қиймати ва унинг таркибига кирувчи алоҳида элементлари жуда секинлик билан ўзгарган. Масалан, молиявий потенциал умумий ҳажмининг ўсиш суръати 102,9%ни ташкил қилган бир пайтда, корхонанинг ўз маблағлари атиги 100,8%га ўзгарган. Таҳлил қилинаётган даврда четдан жалб қилинган маблағларнинг ўзгариш суръати нисбатан юқори ва унинг миқдори 104,6%ни ташкил қилади.

Агар молиявий потенциалнинг таркибий ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда қуйидаги ҳолат кўзга ташланади (34-жадвал).

34-жадвал

**Корхона молиявий салоҳияти (потенциали)
таркибининг ўзгариши**

Кўрсаткичлар	Таркиби		Фарқи, (+, -)
	ўтган йилда	ҳисобот йилида	
1. Ўз маблағларининг ўртача йиллик миқдорининг улуши, %	46,2	45,2	-1,0
2. Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик миқдорининг улуши, %	53,8	54,8	+1,0
3. Жами Мп. ҳажми, %	100,0	100,0	—

Ҳақиқатда таҳлил қилинаётган даврда четдан жалб қилинаётган маблағларнинг умумий Мп.даги улуши 1,0%га ошган. Шунга мос равишда ўз маблағларининг улуши 1,0% камайган. Бу ҳолат Мп. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларда ўз аксини топган. Масалан, Мп. умумий миқдорининг натижавийлиги, яъни унинг 1 сўмга тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми ҳисобот даврида 59,8 тийинни ташкил қилган бир пайтда ўтган йили унинг миқдори 49,5 тийинга тенг эди. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 120,8%ни ташкил қилади. Аммо ўз маблағларининг натижавийлиги 123,4%ни ташкил қилган бир пайтда четдан жалб қилинган маблағларнинг натижавийлиги 118,8%га тенг. Кўриниб турибдики, ўз маблағларининг самара-

дорлиги жалб қилинган маблағларнинг самарадорлигига нисбатан анча юқори.

Мп. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири уларнинг даромадлилигидир. Таҳлил қилинаётган объектда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 135,3%ни ташкил қилади. Аммо ўз маблағларининг даромадлилиги бундан юқори, яъни 137,5%ни ташкил қилса, четдан жалб қилинган маблағларнинг даромадлилиги 132,0%га тенг. Ушбу кўрсаткич даромадлилигининг ўсиш суръати ўз маблағлари даромадлилигининг ўсиш суръатига нисбатан 5,5 бандга (137,5–132,0) кам эканлигини кўрамыз. Худди шундай ҳолатни Мп. фойдалилигини таҳлил қилганда ҳам кузатиш мумкин.

Мп. фойдалилигининг ўсиш суръати, таҳлил қилинаётган даврда 130,9%ни ташкил қилган бир пайтда, ўз маблағлари фойдалилик даражасининг ўсиш суръати 133,8%ни ташкил қилади, яъни 2,9 банд (133,8–130,9) унга нисбатан ортиқ. Лекин четдан жалб қилинган маблағларнинг фойдалилик даражасидаги ўзгариш суръати 128,9%ни ташкил қилади.

Мп. самарадорлигини таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинаётган объектда ўз маблағларининг самарадорлиги четдан жалб қилинган маблағлар ва Мп. умумий ҳажмининг самарадорлигига нисбатан ҳам юқори экан. Аммо бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунга бир қанча омиллар таъсир қилган бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таҳлилни кўрсаткичларнинг фарқини ва ўзгариш суръатини аниқлаб, шулар орқали хулоса қилиб қўйиш ҳали унинг тугалланганлигидан далолат бермайди. Таҳлил тўлиқ қилинган ҳисобланади қачонки, натижа кўрсаткичлари миқдорининг ўзгаришларига таъсир қилувчи омилларни, унинг сабабларини тўлиқ аниқласагина, шунга асосан тегишли хулосалар чиқарилиб, камчиликларни тугатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилсагина. Шундай экан, албатта, Мп. самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳам аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш лозимдир. Бу анча катта ва кенг қамровли иш. Шу туфайли методологик асос сифатида Мп. самарадорлигини ифодаловчи 9 та кўрсаткичнинг 1 таси мисолида омилли таҳлилнинг ўтказиш йўлини кўрсатиб бе-

рилади. Чунки қолган кўрсаткичларнинг ҳам омилли таҳлилини шу тариқа ўтказиш мумкин. Бунда умумий усул сақланиб қолиши мумкин, ammo баъзи таъсир этувчи омиллар ва уларнинг сони ўзгаради. Бу ўз навбатида таҳлилнинг вазифаси ва мақсадидан келиб чиқади.

Молиявий потенциал самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун таҳлилнинг бир қанча усуллари дан, айниқса анъанавий усуллари дан фойдаланилади лар. Бу усуллари нинг қайси бирини олиш натижа билан омиллар ўртаси даги боғлиқликка, омиллар сонига боғлиқ. Масалан, натижа билан омиллар ўртаси даги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланса, ва омиллар таъсири иккита бўлса, қайта ҳисоблаш ёки фарқли усулдан фойдаланиш кулай. Агар шундай боғлиқлик бўлиб омиллар таъсири 3 та ва ундан кўп бўлса, занжирли алмаштириш ёки индекс усуллари дан фойдаланиш маъқул ва ҳоказо.

4.5.3. Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг омилли таҳлили

Корхона молиявий потенциалининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар талайгина. Уларнинг таъсирини аниқлаш таҳлилнинг муҳим ва зифалари дан биридир. Кўрсаткичлар ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш учун шу кўрсаткичнинг ҳисобланиш йўлини билишни тақозо қилади. Масалан, Мп. фойдалилигини (Мпф) аниқлаш учун соф фойда суммасини (Ф) унинг молиявий потенциалининг ўртача қиймати га (Мп) бўлиш мумкин:

$$Мпф = \frac{Ф}{Мп} \quad (4.21).$$

Ушбу формула бўйича таҳлил қилинса Мпф ўзгаришига иккита омил таъсир қилганлигини кўрамиз, яъни фойданин г кўпайиши Мпф.ни оширади, Мп.нинг кўпайиши эса уни пасайтиради.

Агар Мп.нинг ўрнига уни ифодаловчи кўрсаткичлар билан алмаштирсак, қуйидаги формула келиб чиқади:

$$Мпф = \frac{Ф}{\check{У}_М + У_{мп} + Ч_{жккм}} \quad (4.22),$$

бунда: \dot{Y}_M — ўз маблағлари; U_{mp} — узоқ муддатли пас-сивлар; $Чжккм$ — четдан жалб қилинган қисқа муддатли пассивлар.

Ушбу формулага занжирли алмаштириш усулини қўллаб корхона молиявий потенциалига таъсир қилувчи омилларнинг миқдорини ҳисоблаш мумкин:

1. Мпф.нинг Φ суммаси эвазига ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta M_{пф} = \frac{\Phi_1}{\dot{Y}_{M_0} + U_{mp_0} + Чжккм_0} - M_{пф_0} \quad (4.23).$$

2. Мпф.нинг \dot{Y}_M суммаси эвазига ўзгаришини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\Delta M_{пф.\dot{Y}_M} = \frac{\Phi_1}{\dot{Y}_{M_1} + U_{mp_0} + Чжккм_0} - \frac{\Phi_1}{\dot{Y}_{M_0} + U_{mp_0} + Чжккм_0} \quad (4.24).$$

3. Мпф.нинг U_{mp} суммаси таъсирида ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$\Delta M_{пф.U_{mp}} = \frac{\Phi_1}{\dot{Y}_{M_1} + U_{mp_1} + Чжккм_0} - \frac{\Phi_1}{\dot{Y}_{M_1} + U_{mp_0} + Чжккм_0} \quad (4.25).$$

4. Мпф.нинг $Чжккм$.нинг таъсири эвазига ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta M_{пф.Чжккм} = M_{пф_1} - \frac{\Phi_1}{\dot{Y}_{M_1} + U_{mp_1} + Чжккм_0} \quad (4.26).$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижасининг умумий фарқига ($\Delta M_{пф}$) тенг бўлади:

$$\Delta M_{пф} = \Delta M_{пф.\Phi} \pm \Delta M_{пф.\dot{Y}_M} \pm \Delta M_{пф.U_{mp}} \pm \Delta M_{пф.Чжккм} \quad (4.27).$$

Ушбу формулаларга амалий маълумотларни қўллаб Мпф. ўзгаришига барча омиллар таъсирини аниқлаш мумкин. Бу ушбу назарий тавсиянинг амалиётда қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади (35-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхона молиявий потенциалининг самарадорлиги ҳисобот йилида 1,23%га ошган. Бу қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келган:

**Корхона молиявий салоҳияти (потенциали)
самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни
ҳисобот даврида аниқлаш йўллари**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Занжирли алмаштиришлар			
				I	II	III	IV
1. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	496,2	496,2	496,2	496,2
2. Ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4272,1	4307,5	+35,4	4272,1	4307,5	4307,5	4307,5
3. Узоқ муддатли пасивларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2598,6	2700,0	+101,4	2598,6	2598,6	2700,0	2700,0
4. Четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2386,1	2515,0	+128,9	2386,1	2386,1	2386,1	2115,0
5. Молиявий потенциалнинг умумий суммаси, минг сўм (2+3+4)	9256,8	9522,5	+265,7	9256,8	9292,2	9393,6	9522,5
6. Молиявий потенциалнинг фойдалилиги, % [(1:5)×100]	3,98	5,21	+1,23	5,36	5,34	5,28	5,21

1. Соф фойда суммасининг 128,2 нинг сўмга кўпайганлиги корхона молиявий потенциали фойдалилигини 1,38%га оширган:

$$5,36 - 3,98 = -1,38\%.$$

2. Ўз маблағининг ўртача йиллик қиймати ҳам ҳисобот йилида 35,4 минг сўмга кўпайган. Бу эса молиявий потенциал фойдалилигини 0,02%га камайтиришга олиб келган:

$$5,34 - 3,36 = 0,02\%.$$

Одатда ўз маблағининг кўпайиши молиявий потенциалнинг фойдалилигини ошириш лозим. Шу туфайли маблағнинг молиявий потенциал фойдалилигига таъсирини шу ҳисоб-китоб билан чегаралаб бўлмайди. Ушбу кўрсаткичнинг умумий маблағлардаги ҳиссасининг ундаги таркибий ўзгаришларни ҳам таҳлил қилиш лозим.

3. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати ҳам кескин ошган (101,4 минг сўм). Бу ҳам молиявий потенциал фойдалилигини 0,06% камай-тиришга олиб келган:

$$5,28 - 5,34 = -0,06\%.$$

4. Четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағларнинг ўртача йиллик қиймати 128,9 минг сўмга кўпайган. Бу омил таъсирида таҳлил қилинаётган кўрсаткич 0,07% камайган:

$$5,21 - 5,28 = -0,07\%.$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$1,38 - 0,02 - 0,06 - 0,07 = +1,23\%.$$

Ушбу кўрсаткич ўзгаришига барча омиллар таъсири аниқлаб чиқдик. Ушбу ҳисоб-китоб таҳлилининг жуда содда усули бўлиб у корхона раҳбариятига умумий, ҳали унчалик чуқур ва мукамал бўлмаган хулоса чиқариш имкони беради. Шу билан биргаликда таҳлил қилинаётган кўрсаткични яхшилаш борасида баъзи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, келгусида асосий эътиборни нималарга қаратиш лозимлигини ҳам кўрсатиб беради. Таҳлил натижасидан кўриниб турибдики, ҳисобланган 4 та омилнинг 3 тасининг таъсири салбий бўлган. Агарда ушбу омиллар ўтган йилги даражада сақланиб қолганда эди, молиявий потенциалнинг фойдалилиги 0,15% (0,02+0,06+0,07) ошган бўлар эди. У ҳолда натижанинг умумий ҳажми 5,21 эмас, балки 5,36%ни (5,21+0,15) ташкил қилган бўлар эди. Агар шу даражага эришилган бўлганда эди, фойдалилик даражаси ўтган йилга нисбатан 1,23%га эмас, балки 1,38%га ошган бўлар эди:

$$5,36 - 3,98 = +1,38\%.$$

Демак, келгуси йилда ушбу корхона раҳбарияти фойдалилик даражасини ошириш учун молиявий потенциалнинг таркибий тузилишини яхшилаш, шу орқали фойда суммасини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқаришлари лозим. Самарадорликни таҳлил қилганда унга фақат ҳажм кўрсаткичларининг таъсирини ҳисоблаш билан чекланиб қолиб бўлмайди, чунки иқтисодий кўрсаткичлар иқтисодий жараёнлар иникоси сифатида бир-бири билан узвий боғлиқ-

дир. Шу туфайли барча иқтисодий жараёнлар ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигини ўрганиш, уларнинг натижага таъсирини ҳисоблаш ҳозирги пайтда таҳлил олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Корхонанинг молиявий потенциалининг самарадорлигини ҳам яна бир қанча нисбий кўрсаткичлар, яъни омиллар таъсирида ўзгаришини аниқласа бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики корхонанинг молиявий потенциали фойдалилиги (Y) корхона ўз маблағлари рентабеллигига (X_1), ўз маблағининг узоқ муддатли пассивлардаги ҳиссасига (X_2), узоқ муддатли пассивларнинг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлардаги ҳиссасига (X_3) ва четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағларнинг молиявий потенциалдаги ҳиссасига (X_4) боғлиқ экан. Ушбу боғлиқликни қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз:

$$Y = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 = \sum_{i=1}^4 X_i \quad (i = \overline{1, 4}) \quad (4.28).$$

Ушбу кўрсаткичларнинг иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқлигини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш мақсадга мувофиқдир (*36-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона молиявий потенциали билан боғлиқ барча кўрсаткичларнинг миқдори ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан кўпайган. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар суммаси 3,9%га, корхонанинг ўз маблағлари эса 0,83%га ошган. Худди шу ҳолат бошқа кўрсаткичларда ҳар хил йўналишларга эга бўлган. Масалан, узоқ муддатли пассивларнинг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга нисбати ўтган йилга нисбатан 98,6%ни ташкил қилган бир пайтда ўз маблағлари фойдалилиги 132,7%га кўпайган. Худди шундай турли ҳолат бошқа нисбий кўрсаткичларда ҳам намоён бўлади. Албатта бу ўзгаришлар натижа кўрсаткичига, хусусан, корхонанинг молиявий потенциали фойдалилигига таъсир қилмасдан қолмайди.

Бу омиллар таъсирини аниқлаш учун юқорида келтирилган математик боғланишдан фойдаланиш мумкин. Ушбу математик боғланишдаги кўрсаткичларнинг индивидуал индексини қўллаб ечадиган бўлсак, қуйидаги ҳисоб-китобни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Корхона молиявий потенциали фойдалилиги билан
боғлиқ мутлақ ва нисбий кўрсаткичларнинг ҳисобот
йилидаги ҳолати**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисо- бот йилида	Фарқи суммада (+, -)	Ин- декси
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	1,3484
2. Ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4272,1	4307,5	+35,4	1,0083
3. Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4984,7	5315,0	+330,3	1,0663
4. Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2598,6	2700,0	+101,4	1,0390
5. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2386,1	2515,0	+128,9	1,0540
6. Молиявий потенциал жами суммасининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	9256,8	9522,5	+265,7	1,0287
7. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	5079,0	5177,5	+68,5	1,0135
8. Оборот активларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	5624,9	5830,0	+205,1	1,0365
Нисбий кўрсаткичлар				
9. Ўз маблағи фойдалилиги, минг сўм (X_1) (1:2)	8,614	11,5194	+2,905	1,3372
10. Узоқ муддатли пасивларнинг ўз маблағи билан таъминланиши, минг сўм (X_2) (2:4)	1,6440	1,5954	+0,0486	0,9704
11. Узоқ муддатли пасивларнинг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга нисбати (X_3) (4:5)	1,0891	1,0736	-0,0155	0,9858
12. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг молиявий потенциалдаги ҳиссаси (X_4) (5:6)	0,2578	0,2641	+0,0063	1,0244
13. Корхонанинг молиявий потенциали фойдалилиги, % (Y) ($1:6 \times 100$)	3,0398	5,2108	+2,1710	1,7142

1. Натижанинг биринчи омил эвазига ўзгарганлигини (ΔU_{X_1}) топиш учун натижанинг режадаги миқдорини (U_0)

биринчи омилнинг индивидуал индексига (i_{x_1}) кўпайтириб, $(Y_0 \times i_{x_1})$ чиққан миқдордан натижанинг режадаги миқдори айирилади:

$$\Delta U_{x_1} = (Y_0 \times i_{x_1}) - Y_0 \quad (4.29).$$

2. Натижа ўзгаришига иккинчи омил таъсирини (ΔU_{x_2}) аниқлаш учун натижанинг биринчи омил индекси билан ҳисобланган миқдорини ($Y_0 \times i_{x_1}$) иккинчи омилнинг индивидуал индекси билан кўпайтирилади ($Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2}$) ва чиққан миқдордан натижанинг биринчи омил индивидуал индекси билан ҳисобланган миқдори ($Y_0 \times i_{x_2}$) айирилади:

$$\Delta U_{x_2} = (Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2}) - (Y_0 \times i_{x_1}) \quad (4.30).$$

3. Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсирини (ΔU_{x_3}) аниқлаш учун натижанинг биринчи ва иккинчи омил индивидуал индекси билан қайта ҳисобланган миқдорини ($Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2}$) учинчи омилнинг индивидуал индекси билан кўпайтирилади ($Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2} \times i_{x_3}$) ва аниқланган миқдордан натижанинг биринчи ва иккинчи омил эвазига кўпайтирилган миқдори ($Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2}$) айирилади:

$$\Delta U_{x_3} = (Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2} \times i_{x_3}) - (Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2}) \quad (4.31).$$

4. Натижа ўзгаришининг тўртинчи омил эвазига ўзгаришини (ΔU_{x_4}) аниқлаш учун натижанинг ҳақиқий миқдоридан (Y_1) унинг учта омил индивидуал индекси билан қайта ҳисобланган миқдори ($Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2} \times i_{x_3}$) айирилади:

$$\Delta U_{x_4} = Y_1 - (Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2} \times i_{x_3}) \quad \text{ёки} \quad (4.32)$$

$$\Delta U_{x_4} = (Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2} \times i_{x_3} \times i_{x_4}) - (Y_0 \times i_{x_1} \times i_{x_2} \times i_{x_3}) \quad (4.33).$$

Барча омиллар таъсири одатдагидек, натижанинг умумий миқдорига тенг бўлади:

$$\Delta U = \Delta U_{x_1} \pm \Delta U_{x_2} \pm \Delta U_{x_3} \pm \Delta U_{x_4} \quad (4.34).$$

Ушбу назарий ҳисоб-китобларга амалий маълумотларни қўллаб ечадиган бўлсак, молиявий потенциал ўзгаришига таъсир қилувчи келтирилган барча омиллар таъсирини аниқлаш ва ҳисоблаш мумкин (*37-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг молиявий потенциали фойдалилигининг ўзгарганлигига тўртта омил таъсир кўрсатган.

1. Корхона ўз маблағларининг фойдалилиги 2,905%

**Корхона молиявий потенциали фойдалилиги
даражасининг ўзгаришига таъсир этувчи баъзи
омилларнинг ҳисобот йилидаги ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Индекслар	Натижани индекс ўзгариши билан ҳисоблаб чиқиш
1. Ўз маблағлари фойдалилиги, % (X_1)	8,614	11,519	+2,905	1,3372	$3,9755 \times 1,3372 = 5,3160$
2. Узоқ муддатли пассивларнинг ўз маблағи билан таъминланиши, минг сўм (X_2)	1,6440	1,5954	-0,0486	0,9704	$5,3160 \times 0,9704 = 5,1587$
3. Узоқ муддатли пассивларнинг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга нисбати, коэффициентда (X_3)	1,0891	1,0736	-0,0155	0,9858	$5,1587 \times 0,9858 = 5,0854$
4. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг молиявий потенциалдаги ҳиссаси, коэффициентда (X_4)	0,2578	0,2641	+0,0063	1,0244	$5,0854 \times 1,0244 = 5,2108$
5. Корхонанинг молиявий потенциали фойдалилиги, % (Y)	3,0398	5,2108	+2,1710	1,3107	×

бандга ошган. Бу омил таъсирида таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг ҳажми 2,2762% кўпайган:

$$5,3160 - 3,0398 = -2,2762\%$$

2. Узоқ муддатли пассивларнинг ўз маблағи билан таъминланиш даражаси 0,0486 минг сўмга камайган. Бу омил корхонанинг молиявий потенциали фойдалилигини 0,1573%га камайтириб юборган:

$$5,1587 - 5,3160 = 0,1573\%$$

3. Узоқ муддатли пассивларнинг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга нисбати 0,0155 коэффициентга камайган. Бу омил таъсирида таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи 0,0733%га камайган:

$$5,0854 - 5,1587 = -0,0733\%$$

4. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг

молиявий потенциалидаги ҳиссаси 0,0063 коэффицентга ошган. Бу омил молиявий потенциал фойдалилигини 0,1254%га кўпайтиришга муваффақ бўлган:

$$5,2108 - 5,0854 = +0,1254\%$$

Барча омиллар таъсири одатдагидек, натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенг бўлади:

$$2,2762 - 0,1573 - 0,0733 + 0,1254 = +2,1710\%$$

Ушбу омилли таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, корхонанинг молиявий потенциали фойдалилиги ошган бўлишига қарамасдан уни кўпайтиришнинг ички имкониятлари ҳам мавжуд экан. Агарда ҳисобот йилида узоқ муддатли пассивларнинг ўз маблағи билан таъминланиш даражаси ҳеч бўлмаганда ўтган йил даражасида қолганда эди, таҳлил қилинаётган кўрсаткич яна 0,1573%га, узоқ муддатли пассивларнинг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларга нисбатан камайганда эди, ушбу омил натижа кўрсаткичи яна 0,0733%га ошган бўлар эди. Шу имкониятлар сафарбар қилинганда натижа кўрсаткичининг умумий ҳажми ҳисобот йилида 5,2108% эмас, балки 5,4414%ни $(5,2108+0,1573+0,0733)$ ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда молиявий потенциал фойдалилигининг ўсиш суръати 171,4 фоиз эмас, балки 179,0 фоизни $(5,4414:3,0398 \times 100)$ ташкил қилган бўлар эди. Демак, таҳлил қилинаётган объектда самарадорликни оширишнинг ички имкониятлари мавжуд экан. Корхона раҳбарияти келажакда ушбу аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, уларни амалиётга сафарбар қилиш йўллари ишлаб чиқмоғи лозим.

Биз молиявий потенциал самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг фақат биттаси бўйича омилли таҳлил усулини кўрсатдик. Бу усул бошқа кўрсаткичларни ҳам худди шундай таҳлил қилиш учун методологик асос бўлади. Шу туфайли ушбу кўрсаткичга батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қилинди. Таҳлил жараёнида молиявий потенциал самарадорлигини ифодаловчи бошқа кўрсаткичларни ҳам худди шундай таҳлил қилиб тегишли хулосаларга келиш мумкин.


МУНДАРИЖА

Кириш 3


1-боб. Иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш 16

1.1. Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва унинг зарурлиги 16

1.2. Иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи субъектлар 18

 1.3. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар 18

1.4. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари 26

 1.5. Таҳлил натижаларини расмийлаштириш 27

2-боб. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар 31

2.1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи (классификацияси) 31

2.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усулларнинг тавсифи (характеристикаси) 34

2.3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделларнинг типлари 66

2.4. Ҳозирги босқичда таҳлил усулини такомиллаштириш масалалари 68

3-боб. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) таҳлили 73

3.1. Корхона иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) баҳолашнинг назарий ва методологик муаммолари 73

3.2. Корхона иқтисодий салоҳияти таркиби ва унинг умумий ҳажмини баҳолаш йўллари 76

3.3. Корхона иқтисодий салоҳиятини харажатлар нуқтаи назаридан баҳолаш усули 78

3.4. Корхона иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни таснифлаш ва аниқлаш йўллари	83
3.5. Корхона иқтисодий салоҳиятининг асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларнинг таснифи ва аниқлаш йўллари	89
3.6. Корхона иқтисодий салоҳиятининг айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари	92
3.7. Корхона иқтисодий салоҳиятининг номоддий активлар билан боғлиқ кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари	94
3.8. Корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар омили таҳлилининг методологик жиҳатлари	101
4-боб. Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) таҳлили	114
4.1. Корхона молиявий салоҳияти тушунчаси ва таркиби	114
4.2. Корхоналар молиявий салоҳиятини (потенциалини) таҳлил қилиш вазифалари ва ахборотлар манбаи	118
4.3. Корхона молиявий салоҳияти (потенциали)ни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таснифи	122
4.4. Корхоналар молиявий потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлари, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари	128
4.4.1. Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таснифи	128
4.4.2. Молиявий салоҳият (потенциал) ҳолатининг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари	131

4.4.3. Молиявий салоҳият (потенциал) ҳолатининг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари	139
4.5. Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг таҳлили	148
4.5.1. Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари	148
4.5.2. Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг таҳлили	151
4.5.3. Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг омилли таҳлили	155

«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

М.ПАРДАЕВ, Б.ИСРОИЛОВ

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ
(Ўқув қўлланма)
1-қисм

5-чиқарилиш

Нашр менежери *Б. С. Муслимов*

Босишга рухсат этилди 16.11.2001. Ҳажми 11,0 б.т.
Бичими 84×108¹/₃₂. Адади 1000 нусха. Буюртма № К-9016.



«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи
Тошкент ш., Махтумқули к., 1.

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
Тошкент ш., Навоий к., 30.